

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Тошкент Молия институти**

**Г.А. ҚОСИМОВА**

**БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ  
ФОНДЛАР**  
(ўқув-услубий қўлланма)

**ТОШКЕНТ  
“IQTISOD-MOLIYA”  
2007**

**Қосимова Г.А.** Бюджетдан ташқари фонdlар. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007, 148 б.

Талабаларга тақдим этилаётган ўқув-услубий қўлланмада «Бюджетдан ташқари фонdlар» фани бўйича ўқитиш технологияларининг қоидалари ҳисобга олинган ҳолда, замонавий таълим технологиялари ишлаб чиқилган.

Ўқув-услубий қўлланманинг мақсади - иқтисодчи-молиячилар, илмий тадқиқот олиб борувчи тадқиқотчилар, аспирантлар учун бюджетдан ташқари фонdlарнинг назарий, ҳуқуқий, ташкилий асослари ҳақида маълумотлар беришдан ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлатнинг мақсадли жамғармалари фаолиятини такомиллаштириш йўлларини кўрсатишдан иборат.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма «Молия» йўналишида таҳсил олаётган барча талабаларга, “Давлат молиясини бошқариш”, «Халқаро молия», «Корхоналар молияси», «Молиявий менежмент» йўналишидаги магистрантларга мўлжалланган ҳолда тайёрланган.

Ўқув-услубий қўлланма Тошкент Молия институти Илмий-услубий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2007 йил, 25-август, 3-сонли мажлис баённомаси).

**Масъул муҳаррир:** иқтисод фанлари доктори,  
профессор Р.Х. Шодиев

**Тақризчилар:** иқтисод фанлари номзоди, проф.  
К. Яхёев;  
иқтисод фанлари номзоди, доц.  
К. Шаакрамов

## **Кириш**

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни ривожлантириш, ахолининг юқори турмуш даражасини таъминлаш ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишга асосланган демократик жамият қуриш каби мақсадли вазифа қўйилар экан, бунда бюджетдан ташқари фонdlарнинг ҳозирги ва истиқболдаги ривожланишининг хусусиятларини ҳисобга олишимиз керак бўлади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини эркинлаштириш босқичида ва ислоҳотларининг чуқурлашуви шароитида кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш янгича амалий ва самарали шаклларни қўллашни талаб этади. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, бюджетдан ташқари фонdlар тизими фаолиятини йўлга қўйиш ва ундан самарали фойдаланиш муҳим ўрин тутади.

«Бюджетдан ташқари фонdlар» фани бўйича ўқув-услубий қўлланма маъruzаларни лойихалаштириш технологиялари асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма кириш, таълим технологиясининг концепцуал асослари ҳамда маъруза ва амалий машғулотларда ўқитиш технологияларидан таркиб топган. Шу билан бирга ўқитиш, коммуникация, ахборот ва таълим жараёнини бошқариш услубари ва воситаларининг концепцуал асослари ёритилган. Мазкур ўқув-услубий қўлланма барча Олий ўқув юртларида, малака ошириш курсларида ўқитувчилар томонидан қўлланилиши мумкин.

Муаллиф таълим технологияларини яратишда ўзининг маслаҳатларини аямаган ҳамда китобнинг янада мазмунли бўлишида яқиндан ёрдам берган иқтисод фанлари доктори, профессор Б. Ходиевга, иқтисод фанлари доктори, профессор Н. Ҳайдаровга, тақризчилар иқтисод фанлари номзоди, профессор К. Яҳёевга, иқтисод фанлари номзоди, доцент К. Шаакрамовга, педагогика фанлари номзоди Л. Голишга ўз миннатдорчилигини билдиради.

**«Бюджетдан ташқари  
фондлар» курси бўйича  
таълим технологияларининг  
концептуал асослари**

# «БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ФОНДЛАР» КУРСИ БҮЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛО- ГИЯЛАРИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

## «Бюджетдан ташқари фондлар» фанининг ўқитиши мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлага-  
нидек, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислоҳотларнинг  
барча босқичида асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади. Бу ислоҳот-  
ларимизга асос қилиб олинган беш тамойилдан биридир. Биз бундан  
кейин ҳам шу тамойилга таянган ҳолда, иш олиб боришимиз керак  
бўлади. Шунинг учун бюджетдан ташқари фондлар ҳар қандай иж-  
тимоий механизмнинг ажралмас элементи бўлади.

Республикамиздаги ислоҳотларнинг барча босқичларида ижти-  
моий сиёсатнинг асосий йўналишлари бўйича мақсадли жамғарма-  
лар шакллантирилди. Албатта, шу кунгача бу жамғармаларнинг  
амал қилиши аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг жамиятимиз бой-  
лигига айланган ютуқларига ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Эндиликда  
бозор иқтисодиётининг янги босқичи талабларига мувофиқ, объек-  
тив равишда мақсадли жамғармалар сонини кўпайтириш ва улар-  
нинг барчасини амал қилиш самарадорлигини оширишга тобора  
кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Пре-  
зиденти И.А.Каримов 2002 йил 18 июлдаги Ўзбекистон Республи-  
каси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йил-  
лигига мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан  
устивор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда дол-  
зарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишлиланган мажлисда “Биз  
буғун бюджет маблағларидан нечоғли самарали фойдаланаётганли-  
ги тўғрисидаги масалага ҳам жиддий қарашимиз зарур. Буғун биз  
давлат маблағларини оқилона сарфлашнинг энг мақбул таркибиға  
эгамиз, деб айта олмаймиз” деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Шу сабабли, яқин келажакда давлат бюджети таркибидаги дав-  
латнинг мақсадли жамғармалари фаолиятини такомиллаштиришни  
таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият-  
га эгадир.

«Бюджетдан ташқари фонdlар» фанини ўқитишининг мақсади келгусида юқори малакали иқтисодчи мутахассислар бўлиб етишадиган талабаларга Ўзбекистон Республикасининг молия тизимида давлатнинг мақсадли жамғармаларининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш, бюджетдан ташқари фонdlар ҳақида назарий билимлар бериш, бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида бюджетдан ташқари фонdlарни фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш, бошқариш ва назорат жараёнларнинг муҳим йўналишлари бўйича асосий кўникмалар ҳосил қилишдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб фан ўз предметини ўргатиш учун куйидаги вазифаларни амалга оширишни белгилайди:

- нобюджет фонdlарнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;
- Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат мақсадли фонdlарининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
- бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ва иқтисодий фонdlарнинг молиявий жиҳатларини очиб бериш;
- мақсадли фонdlарни шакллантиришнинг хориж тажрибаларини ўрганиш;
- Давлат бюджети таркибидаги мақсадли фонdlарнинг даромадларини шакллантириш механизмини қўриб чиқиш;
- даромадларни ва харажатларни бошқариш жараёнларига автоматлаштирилган ахборот технологияларини татбиқ этиш масалаларини аниқлаш;
- Ўзбекистон Республикасида мақсадли фонdlарнинг даромадларини ошириш ва харажатларини оптималлаштириш бўйича тавсия ва таклифлар бериш.

Мазкур фаннинг келгусида иқтисодчи-молиячилар учун давлатнинг мақсадли жамғармаларининг назарий, ҳуқуқий, ташкилий асослари ҳақида ҳозирги кундаги молия, бюджет соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишлари бўйича маълумотлар беришдан иборатdir. Ушбу фанни ўрганиш жараёнида талаба тегишли билимга, кўникма ва маҳоратларга эга бўлиши лозим.

## **Фан бўйича талабаларнинг билимига ва кўниумасига қўйиладиган талаблар:**

### **А) Тасаввурга эга бўлмоғи лозим:**

- билиши;
- амалиётда қўллай олиши;
- янгиликларни ўзлаштириши;
- назарий билим билан амалиётни солиштириш усулларини ўрганиши керак.

### **Б) Билишлари ва бажаришлари лозим:**

- давлат молияси тизимида давлат мақсадли жамғармалари фаолиятининг ҳозирги замон муаммоларини тадқиқ қилиш;
- Ўзбекистон Республикасида давлат мақсадли жамғармаларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
- Бюджетдан ташқари фонdlарни фаолиятининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;
- Бюджетдан ташқари фонdlар даромадларини шакллантириш ва харажатларини молиялаштириш борасида хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш;
- Давлат молияси тизимида давлатнинг мақсадли жамғармаларини самарали бошқариш механизмини такомиллаштиришни ўрганишдан иборат.

### **В) Кўниумаларга эга бўлиши керак:**

- талаба ўқиши тамомлагандан сўнг, кундалик фаолиятида учрайдиган долзарб амалий масалаларни еча олиши;
- замонавий иқтисодиётга доир адабиётларни ўрганиб, малакасини ошириши;
- бюджетдан ташқари фонdlар бўйича мустақил билим олишига ўрганиши лозим.

## **Ўқув режасидаги бошқа фанлар билингвистикаси**

«Бюджетдан ташқари фонdlар» фани «Молия», «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Иқтисодий назария», «Чет мамлакатлар молияси» каби фанлардан олинган назарий асосларга таянади.

Шу билан бирга «Бюджетдан ташқари фонdlар» фани катор маҳсус фанлар, жумладан, «Давлат бюджети», «Маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқариш», «Халқаро молия муносабат-

лари», "Корхона молияси", "Солиқ назарияси", "Суғурта асослари", "Қимматли қофозлар бозори" каби фанларни ўзлаштириш учун назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

## **Фанни ўқитишдаги янги технологиялар**

«Бюджетдан ташқари фонdlар» фанини ўқитишда педагогик технология элементларидан фойдаланилади. Жумладан, ўқитиш во-ситалари: маъруза матни, компьютер слайдлари, доска; ўқитиш усуллари: маъруза, блиц-сўров, пинборд техникаси; ўқитиш шакллари: фронтал, коллектив ишлашдан фойдаланилади; Компьютер, проектор ва LCD панель (ёки мультимедиа проекторлардан иборат ўқитиш шароити яратилади.

Мазкур фанни ўқитиш жараёнидаги ахборот-услубий таъми-нотида таълимнинг замонавий (хусусан, интерфаол) методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация (медиатаълим, амалий дас-тур пакетлари, презентацион, электрон дидактик) технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

«Бюджетдан ташқари фонdlар» фанини ўқитишнинг компьютер, ахборот ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларининг тар-кибий қисмлари қўйидагилар ҳисобланади:

- ўқув мақсадлари ва вазифалар каталогини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига кўчириш;
- ўқув мақсадларига эришиш;
- тарқатма материаллар, тестлар тўплами, слайдлар ва компью-тер дастурларидан фойдаланиш;
- режалаштирилган мақсадларнинг бажарилишини баҳолаш тав-сия этилади.

Талабага замонавий усулда фанни ўргатиш, унинг мустақил би-лим олишига шароит яратиш ҳамда олган билимини мустақил ра-вишда баҳолаш учун қўйидагилардан фойдаланилади:

талабани олдиндан тарқатма материаллар билан таъминлаш-га эришиш;

- талабага ўз билимини ўзи баҳолайдиган шароитни яратиб бериш;
- талабанинг билимини таянч иборалари асосида баҳолашни жорий қилиш;
- талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб, ўқитувчилар раҳбарли-гида мустақил билим олишга ўргатиш.

Бу фанни ўқитишида давлат молиясини бошқаришга тегишли Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари, Давлат инвестиция дастури, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йўриқномалари ва низомлари, компьютер дастурларидан, интернет сайтлардан, янги компьютер технологиялардан, тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин.

«Бюджетдан ташқари фондлар» фани 54 соатдан: маъруза 18 соат, амалий машғулотлар 18 соат, мустақил таълим 18 соатдан иборат.

### **«Бюджетдан ташқари фондлар» фанидан ўтиладиган мавзулар тақсимоти**

№	Ўтиладиган мавзулар	Умумий соат	5340600 – «Молия» бакалавриат йўналишида		
			Маъруза	Амалий машғулот	Мустақил таълим
1.	«Бюджетдан ташқари фондлар» фанининг предмети, мақсади ва вазифалари	4	2		2
2.	Бюджетдан ташқари фондларнинг моҳияти, мазмуни ва турлари	6	2	2	2
3.	Бюджетдан ташқари Пенсия фонди	8	2	4	2
4.	Ўзбекистон Республикасининг йўл фонди	6	2		2
5.	Ўзбекистон Республикасининг иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғармаси	6	2	2	2
6.	Мактаб таълими жамғармаси	6	2	2	2
7.	Давлат мулк Қўмитасининг махсус ҳисоб рақами	6	2	2	2
8.	Хорижий мамлакатларда бюджетдан ташқари фондларнинг фаолияти	6	2	4	2
9.	Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш фондлари	6	2	2	2
Ж А М И		54	18	18	18

**“Бюджетдан ташқари  
фондлар” ўқув курсининг  
мазмуни**

**1-мавзу. «Бюджетдан ташқари фондлар» фанининг предмети, мақсади ва вазифалари**

«Бюджетдан ташқари фондлар» фанининг жамият ривожланишидаги аҳамияти. «Бюджетдан ташқари фондлар» фанининг вазифалари. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида фанни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. «Бюджетдан ташқари фондлар» курсининг иқтисодий фанлар тизимидағи ўрни ва предмети. Фаннинг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.

**2-мавзу. Бюджетдан ташқари фондларнинг моҳияти, мазмуни ва турлари**

Бюджет ташқари фондларнинг моҳияти, функциялари ва жамият ривожланишидаги аҳамияти. Бозор иқтисодиёти шароитида бюджетдан ташқари фондларни ташкил этишнинг шарт-шароитлари ва хусусиятлари. Давлат мақсадли жамғармаларининг Давлат жамланма бюджетидаги ўрни.

Бюджетдан ташқари фондларнинг функционал жиҳатига кўра иқтисодий ва ижтимоий фондларга бўлиниши. Ижтимоий фондларнинг фаолияти. Ижтимоий фондларнинг ҳуқуқий асослари. Иқтисодий фондларнинг бозор шароитида иқтисодиётнинг ривожланишига таъсири, уларнинг моҳияти, аҳамияти ва турлари. Иқтисодий фондларнинг функционал вазифалари, жамият тараққиётига таъсири.

**3-мавзу. Бюджетдан ташқари Пенсия фонди**

Бюджетдан ташқари Пенсия фондининг моҳияти ва мазмуни. Бозор иқтисодиёти шароитида Пенсия фондининг асосий вазифалари. Пенсия фондининг даромадлари, уларнинг таркиби, шаклланыш механизми. Пенсия фонди харажатлари ва унинг таркиби. Ҳозирги шароитда мазкур фондни шакллантириш ва фойдаланиш муаммолари ҳамда уларни бартараф этиш йўллари. Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг жамғарив бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг аҳамияти.

## **4-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг йўл фонди**

Ўзбекистон Республикаси йўл фондининг мазмуни, аҳамияти ва ташкил этиш мақсади. Умумжамият аҳамиятига молик бўлган тадбирларни амалга оширишда йўл фондининг шаклланиш манбалари. Йўл фондидан фойдаланиш йўллари. Йўл фондини шакллантириш ва йўл фонди маблағларидан харажатларни молиялаштириш. Ҳозирги шароитда йўл фондининг фаолиятини такомиллаштириш йўллари.

## **5-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғармаси**

Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғарманинг моҳияти ва аҳамияти. Мазкур жамғармани ташкил этилишига таъсир этган объектив омиллар. Мазкур жамғармани ташкил этишининг асосий мақсади. Давлат ижтимоий ривожланишида унинг тутган ўрни. Мазкур фонднинг бошқа турдаги фонdlарга нисбатан хусусияти. Республикада ишсизликнинг олдини олиш ва унинг салмоғини камайтириш бўйича олиб борилаётган молиявий сиёsat стратегияси ва тактикаси. Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғармани молиявий ресурсларининг шаклланиш манбалари. Хўжалик субъектлари иш ҳақи фондидан мажбурий ажратмалари. Юридик шахслар ва тадбиркорларнинг мазкур фондга ҳомийлик маблағлари.

Меҳнат бозори, унинг шаклланиши ва иш ўринларини яратишдаги аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғармасидан фойдаланиш йўллари. Ушбу фонддан фойдаланиш мақомини олган фуқароларнинг ҳуқуқлари. Мазкур жамғармадан нафақа тайинлаш механизми. Янги иш жойлари бўйича маълумот йиғиш. Фуқароларнинг қайта малакасини ошириш. Иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғармани ташкил этиш ва улардан фойдаланиш борасидаги молиявий муаммоларни ҳал этиш йўллари.

## **6-мавзу. «Мактаб таълими» жамғармаси**

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 2004-2009 йилларга мўлжалланган “Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури”нинг аҳамияти. «Мактаб таълими» жамғармаси молиявий ресурсларининг шаклланиш йўллари. «Мактаб таълими» жамғармасининг харажатлар йўналишлари.

## **7-мавзу. Давлат мулк қўмитасининг маҳсус ҳисобрақами**

Давлат мулк қўмитасининг маҳсус ҳисобрақами ташкил этилиши сабаблари. Давлат мулк қўмитасининг маҳсус ҳисоб рақами даромад манбалари. Давлат мулк қўмитасининг маҳсус ҳисобрақами маблағлари ҳисобига молиялаштирувчи тадбирлар. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Давлат мулк қўмитасининг маҳсус ҳисоб рақами маблағларидан фойдаланиш хусусиятлари.

## **8-мавзу. Хорижий мамлакатларда нобюджет фондларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланиш йўллари**

Хорижий мамлакатларида бюджетдан ташқари фондлар шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари. Бюджетдан ташқари фондларнинг турлари. Бюджетдан ташқари фондларнинг шаклланиш механизmlари. Бюджетдан ташқари фондлардан фойдаланиш йўллари. Ривожланган хорижий мамлакатларда мақсадли фондларнинг давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар билан алоқалари. Хорижий мамлакатлардаги мақсадли фондлар фаолиятидан тажриба сифатида фойдаланиш йўналишлари. Россия Федерацияси бюджетдан ташқари фондлари. Россия Федерациясининг бюджетдан ташқари фондларининг гурухланиши. Россия Федерацияси Давлат ва нодавлат фондлари. Иқтисодий, ижтимоий ва экологик мақсадлардаги фондлар. Федерал ва муниципал мақсадли фондлар, уларнинг ташкилий, иқтисодий ва хуқуқий асослари.

## **9-мавзу. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш фондлари**

Халқаро «Экосан», «Орол», «Орол генофондини сақлаш» фондлари. Мамлакатда мавжуд экологик муаммоларни ҳал қилишда ва Орол бўйи аҳолисини тиббий, ижтимоий муҳофаза қилишда экологик мақсадлардаги фондларнинг аҳамияти. «Соғлом авлод учун», «Наврўз», «Амир Темур», «Улуғбек», «Болалар» фондларининг молиявий маблағларининг шаклланиш манбалари, улардан фойдаланиш йўлларини кенгайтириш. Бугунги шароитда ушбу фондларнинг молиявий маблағларини кўпайтириш йўлларини қидириб топиш масалалари. Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларига ёрдам бериш масалаларини такомиллаштириш йўллари.

**Фан бўйича маъруза ва  
амалий машғулотларда таълим  
технологияларини ишлаб  
чиқишининг концептуал  
асослари**

### III

## ФАН БЎЙИЧА МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛО- ГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан белгилаб берилган мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва унинг моддий таъминотини яхшилаш бўйича давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастири”, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг таълим тизимини яхшилашга қаратилган Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу соҳа бўйича қабул қилган қарорлари, республикамида таълим тизимининг молиявий таъминотига жавобгар бўлган вазирлик ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари шу соҳанинг ривожига ҳисса қўшмоқда.

Республикамида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастири» юртимиз таълим амалиётида тўплаган амалий тажрибалар ва ривожланган мамлакатлар ютуқларига таянган ҳолда ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастири” миллий таълим тараққиёти ва миллий кадрлар тайёрлаш тизими истиқболларини белгиловчи ҳужжат сифатида таълим хизматлари ва меҳнати бозорларини шакллантиришнинг янги усулларини излаш зарурлиги вазифасини қўйди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Бугунги кунда миллий ахборот тизимини шакллантириш жараёнида Интернет ва бошқа глобал ахборот тизимларидан фойдаланиш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга, бунга эришиш йигирма биринчи асрда мамлакат тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади”<sup>1</sup>.

Зеро, мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, биз тезкор техникавий тараққиёт, шиддат билан ривожланаётган ва мунтазам янгиланаётган замонавий юқори технологиялар, ахборот-компьютер тизимлари асрида яшаётганимизни унутмаслигимиз керак.

<sup>1</sup> Каримов И.А.Хал<sup>3</sup>имиз фаровонлигининг бар<sup>3</sup>арор ёсишини таъминлаш- устивор вазифа. // Хал<sup>3</sup> с'зи. 2001. 12 январ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мустақилликдан кейин кадрлар тайёрлаш соҳасини такомиллаштириш йўли билан мамлакатимиз салоҳиятини оширишни демократик давлат, бозор иқтисодиётига асосланган фукаролик жамияти қуришнинг муҳим шартларидан бири сифатида белгилади.

Ўзбекистон Республикаси Презеденти ва хукумати ахборот технологиялари дастурий воситалари, маълумотларнинг ахборот базалари, мультимедиа асосида таълим жараёнини ахборотлаштириш, узулуксиз таълим тизимини ахборот тармоғи билан таъминлаш асосида жаҳон андозаларига мос келадиган кадрлар тайёрлаш масалаларига эътиборни ошириб келмоқда. Миллий дастурда таълимнинг узлуксизлиги назарда тутилди. Узлуксиз таълимга ўтиш шароитида таълим муассасаларининг бу соҳадаги асосий вазифалари белгиланди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштириш тизимини янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида педагогика фани ва амалиёти олдига «ўрта ва олий таълимнинг таълим стандартларига мувоғик равишда электрон ўқитиш базасини яратиш, таълим муассасаларининг ахборот инфраструктузилмасини шакллантириш, барча ўқув муассасаларида инглиз тилини чуқур ўргатиш, шунингдек, республика ахборот тармоғида лотин алифбосига асосланган ўзбек тилидан фойдаланишнинг стандартлаштирилган механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастурний чора-тадбирлари»ни ишлаб чиқиш юклатилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи, таълим жараёнидаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш, яъни жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош, юқори савияга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашдир. Ушбу мураккаб муаммоларнинг ечими ни топиш, уларни амалда кенг қўллаш олий таълим тизими ходимлари олдига жуда катта вазифалар қўяди. Бунда аниқ вазифалар бевосита ўқув жараёнини яхшилаш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларни амалга жорий қилиш, техник воситалардан кенг фойдаланиш ва шу асосда масофадан ўқитишни кенг жорий қилишдан иборатdir.

Лекин, Ўзбекистон Республикаси Презеденти И.А.Каримовнинг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-3080-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 8-июндаги «2002-2010 йилларда компьютер-

лаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарорида таъкидланганидек, узлуксиз таълим тизимида, Олий ўқув юртларида таълим жараёнини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати илмий-техника, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг тез ўсиб борувчи талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Бошқача қилиб айтганда, аксарият, кўпчилик, мутахассислар тайёргарлигига ахборот технологиялари ўқитишнинг модулли тизими учун хос бўлган сифатлар – билимларнинг ҳаракатчанлиги, мустақил ва танқидий фикрлаш, ҳар қандай фаолиятда ижодийлик, мослашувчанлик етарли эмас.

Таълим сифати ва усулига қараб билим ҳосил бўлади, бу ўқитувчининг маҳоратинигина эмас, балки тингловчининг истак-хоҳиши, қобилияти ва билим даражасини ҳам белгилайди. Таълим узоқ давом этадиган жараёндир, билим эса таълимнинг узлуксизлиги воситасида бериладиган мавҳум тушунчага эга бўлган ҳодисадир. Билим хусусийликка эга бўлса, таълим умумийликка эга. Таълим барча учун бир хилда давом этадиган жараёндир. Билим объектив борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг инъикоси натижасида ҳосил бўладиган тушунчалар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Таълимдаги сифат уни беришда иштирок этадиган қишилар сифати билан белгиланса, билим индивидуалликка эга. Ўқитувчи билим эмас таълим беради, талаба эса мана шу таълим жараёнида билимга эга бўлади. Бунинг учун талаба мустақил ўқийди, тайёрланади, мушоҳада қиласи, тасаввурга эга бўлади, натижада билимга эга бўлади.

«Республикамида бугунги кунда ДТС талабарининг бажарилиши ўз навбатида таълим жараёнининг таркибий тузилишига, унинг мазмуни, олинган натижаларни баҳолаш ва назорат қилиш тизимига сифат жиҳатдан ўзгартиришлар киритиш мақсадида таълим жараёни йўналишини қайта ўзгартириш киритиш заруриятини асослаб беради. Бундай ўзгаришлар қаторида таълим жараёнининг ахборот-услубий таъминотини янгилаш, хусусан, ўқув адабиётлари, дарсликлар, ўқув қўлланмаларининг янги авлодини яратиш мухим аҳамият касб этади»<sup>1</sup>.

Демак, ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуйидагилардан иборат: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маъruzалар ўқиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмаларидан фойдаланиш,

<sup>1</sup> Ходиев. Б.Ю. Олий иқтисодий таълим тизими учун замонавий ўқув адабиётлар яратиш: янги стандарт талаблари, тузилиши, мазмуни. Т. ТДИУ. 2005. 168 б.

талабаларни ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, талабалар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка ундаш, эркин мулоқот юритишга, ижодий фикрлашга ўргатиш, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим усти-ворлигини таъминлайди.

Бугунги кунда таълим тизимида қўлланиб келинаётган «таълим технологиялари-педагогик тизимнинг компонентлари»дир. Педагогик тизим қўйидаги компонентлардан иборат: билим берувчи (маърузачи, ўқитувчи, амалий машғулот бўйича ўқитувчи, устоз); билим оловччи (талаба, магистрант, тингловчи); ўқитиш мақсади (билим олишдан мақсад); натижа (ўқитиш натижасида ўқувчи билади, баҳолайди, айтиб беради) ».<sup>1</sup>

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, “Бюджетдан ташқари фонdlар” фани бўйича таълим технологияларини лойиҳалаштиришни асосий концепцуал ёндашувларни келтирамиз.

**Шахсга йўналтирилган таълим.** Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштиришда албатта, маълум бир таълим оловчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда ёндашишни назарда тутади.

**Тизимли ёндашув.** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим. Жумладан, жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

**Фаолиятга йўналтирилган ёндашув.** Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим оловчининг фаолиятини активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имконияти, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

**Диалогли ёндашув.** Бу ёндашув ўқув жараёни иштирокчиларнинг психологияк бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруритини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиш каби ижодий фаолияти кучаяди.

**Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш.** Демократиклик, тенглик, таълим берувчи ва таълим оловччи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолияти мазмунини шаклланти-

---

<sup>1</sup> Интернет ресурсы: [www.pedagogika.ru](http://www.pedagogika.ru);

ришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

**Муаммоли таълим.** Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан биридир. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

**Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш** янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллашдир. «Бюджетдан ташқари фонdlар» фанининг мақсади, тузилмаси, ўқув ахборотининг мазмуни ва ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда, маълум шароит ва ўқув режасида ўрнатилган вақт оралиғида ўқитишни, коммуникацияни, ахборотни ва уларни биргаликдаги бошқаришни кафолатлайдиган усуллари ва воситалари танлови амалга оширади.

**Ўқитишнинг усуллари ва техникаси.** Маъруза (кириш, диалогли, мавзуга оид, визуаллаш, муаммовий усул), кейсстади, пинборд, лойиҳалаштириш усуллари, амалий ишлаш усули.

**Ўқитишни ташкил этиш шакллари.** Диалог, полilog, мулокот, давра сухбати, ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив ишлаш, гурӯҳда ишлаш усули.

**Ўқитишнинг воситалари.** Ўқитишнинг замонавий шаклларидарслик, ўқув қўлланма, маъруза матни билан бир қаторда компьютер ва ахборот технологиялари.

**Коммуникация усуллари.** Талабалар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар. Тескари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, оралиқ, жорий, якуний назорат натижаларининг таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

**Бошқариш усуллари ва воситалари.** Ўқув машғулоти босқичлари белгилаб берувчи технологик карта қўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва талабанинг биргаликдаги ҳаракатидир. Бунда нафақат аудитория машғулотлари, балки, аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

**Мониторинг ва баҳолаш.** Ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб боришдир. Курс охирида тест топшириқлари ёки оғзаки савол жавоблар ёрдамида талабаларнинг билимлари баҳоланади.

**1**

**МАВЗУ**

## **«Бюджетдан ташқари фондлар» фанининг предмети, мақсади ва вазифалари**

(маъруза – 2 соат, амалий машғулот - йўқ.)

### **Маърузани олиб бориш технологияси**

<b><u>Молия кафедраси</u></b>	<b>Ўқув курси</b> <b>Бюджетдан ташқари фондлар</b>	<b>Мавзу тартиб рақами</b> 1
		<b>Соат</b> 2
<b>Талабалар сони:</b> 30 -70	<b>Таълим технологияси муаллифи</b> Косимова Г.А.	<b>Ўқитувчи</b> Косимова Г.А.

<b>Машғулот шакли</b>	<b>Кириш-маъруза</b>
<b>Маъруза режаси</b>	<p>1. «Бюджетдан ташқари фондлар» фанининг жамият ривожланишидаги аҳамияти.</p> <p>2. «Бюджетдан ташқари фондлар» фанининг вазифалари.</p> <p>3. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида фанни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.</p> <p>4. «Бюджетдан ташқари фондлар» фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.</p>

<b>Ўқув машгулотнинг мақсади:</b>	<b>Ўқув курси ҳақида умумий масавурни берии</b>
<b>Таянч тушунча ва иборалар</b>	Давлат бюджети, молия тизими, бюджетдан ташқари фондлар, давлат мақсадли жамғармалари, давлат молияси, ижтимоий ҳимоя, ялпи ички маҳсулот.
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>
курснинг мақсади ва вазифалари билан таништиради;	– курснинг мақсади ва вазифаларини айтиб бера оладилар.

<ul style="list-style-type: none"> <li>– курснинг тузилмаси;</li> <li>– ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхати ҳақида маълумот беради;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– курснинг тузилмаси, ўқув фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва баҳолаш шаклларини тушунтириб бера оладилар;</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>– молия тизимида бюджетдан ташқари фондларнинг ўрни билан таниширади, давлат мақсадли жамғармаларининг иқтисодий табиатини тушунтиради;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– давлат мақсадли жамғармаларининг аҳамияти ва иқтисодий моҳиятини ёритиб бера оладилар;</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>– фаннинг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги тушунтирилади;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– фаннинг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатиб берадилар;</li> </ul>
<b>Ўқитиш воситалари</b>	<b>Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска.</b>
<b>Ўқитиш усувлари</b>	<b>Маъруза, блиц-сўров, пинборд техникаси.</b>
<b>Ўқитиш шакллари</b>	<b>Фронтал, коллектив ишилаш.</b>
<b>Ўқитиш шароити</b>	<b>Компьютер, проектор ва LCD панель (ёки мультимедиа проектор).</b>

## Маърузанинг технологик картаси

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Изоҳ	Талаба фаолиятининг мазмуни
<b>1-bosqich Mavzuga kiriш. (20 min)</b>	1.1. Ўқув курсини айтиб, курс доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари, талабалар билимларини баҳолаш мезонлари билан таниширади.		Тинглайдилар
	1.2. Мазкур курс бўйича, ўрганиладиган мавзулар бўйича назарий ва амалий машғулотлар, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради. Асосий адабиётларнинг рўйхати билан таниширади. Ўқув дастури ва тарқатма материалларни талабаларга тарқатади.		Ёзib оладилар, тинглайдилар
	1.3. Биринчи ўқув машғулоти мавзузи, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.		Мавзу номини, режасини ёзib оладилар
	1.4. Блиц-сўров усулида мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни санаб беришни сўрайди.	1.1.4-илова	Тушунчаларни санаб ўтадилар

<b>2 -босқич. Асосий бўлим. (50мин)</b>	2.1.Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан танишитиради.		Тинглайдилар
	2.2.Маъруза режасининг 1-5 пунктлари бўйича тушунтиради, ҳар бир пункт ниҳоясида умумлаштириб боради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	1.1.2-1.1.3-илова 1-2-слайдлар	Тинглайдилар Тарқатма материаллар тўпламида келтирилмаган қирраларини конспект қилиб борадилар
	2.3.Таянч ибораларга қайтилади. Тингловчилар иштирокида улар яна бир бор такрорланади (Пинборд усулида) Мавзуга оид бўлмаган иборалар олиб ташланиб, керакли тушунча ва иборалар қўшилади.	1.1.6-илова	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиласидилар, барча ахборотни тизимлаштирадилар, конспект қиласидилар.
<b>3-босқич Якунловчи (10 мин)</b>	3.1. Мавзу бўйича якунловчи хуносалар қиласиди. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлиги маълум қиласиди.		Саволлар берадилар
	3.2. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириқлар беради.		Мустақил ўрганиш учун топшириқларни ёзib оладилар.
	3.3. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради.	1.1.5-илова	Ёзадилар
	3.4. Кейинги мазву бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради. (таянч ибора ва тушунчалар).		Ёзадилар
	3.5. Мавзу мақсадига эришишдаги талabalар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.		

### **1.1.1-илова**

#### **Талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш мезони.**

Ушбу фан бўйича ўқув режада жами 81 соат ажратилган бўлиб, шундан 36 соат маъруза, 18 соат амалий машғулот, 27 соат мустақил таълим учун ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 30 сентябрдаги 217-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низомида кўрсатилганидек, талабанинг фан бўйича ўзлаштиришини баҳолаш мунтазам равишда олиб борилади ва қуидаги назорат турлари орқали амалга оширилади:

- Жорий баҳолаш (Ж.Б.);
- Оралиқ баҳолаш (О.Б.);
- Якуний баҳолаш (Я.Б.).

**Ж.Б.да** фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича талабанинг билимини ва амалий кўникмаларини аниқлаб бориш назарда тутилади ва у семинар машғулотларида узлуксиз амалга оширилади.

О.Б.да фаннинг бир неча мавзуларини қамраб олган қисми бўйича назарий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг, талабанинг назарий билимлари баҳоланади, яъни унинг муайян саволга жавоб бериши ёки муаммони ечишдаги маҳорати ва қобилияти аниқланади. Фан бўйича О.Б. 2 марта маъруза дарслари бўйича ўтказилади. Ўқитилаётган фанга масул бўлган кафедранинг қарори билан мавзуларнинг мураккаблигига ва зарурийлигига қараб баллар қуидаги кўрсаткичлар бўйича аниқланади:

- ✓ талабанинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- ✓ амалий машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- ✓ фан бўйича қонуний ва меъёрий хужжатларни конспектлаш;
- ✓ кафедра томонидан белгиланган мавзулар бўйича реферат ёзиш;
- ✓ мавзу бўйича маъruzalar чоп этиш;
- ✓ мустақил таълим доирасида берилган назорат ишларини бажариш.

Жорий ва оралиқ баҳолаш турлари «Ёзма иш» усулида ёки бошқа усувларда (офзаки, тест, химоя ва хоказо) ҳам ўтказилиши мумкин.

Бирор баҳолаш турини (ЖБ, ОБ) ўзлаштира олмаган талабага қайта ўзлаштириш учун мухлат, одатда, навбатдаги шу назорат туригача белгиланади. Сўнги ЖБ, ОБ турини қайта ўзлаштириш учун мухлат ЯБ гача белгиланади. ЖБ га ажратилган умумий балл ва ОБ га ажратилган умумий баллдан саралаш балини тўплаган талабага ЯБ га иштирок этиш хукуқи берилади.

Якуний баҳолаш 1-15 баллгача бўлган мезон асосида баҳоланади. Фан бўйича якуний баҳолаш босқичи ёзма иш ёки тест шаклида ўтказилиб талабалар сонидан кам бўлмаган варианtlар бў-

йича тузилади, варианлар ўқув дастурига тўлиқ мос келиши таъминланади ва талабалар билими рейтинг тизими асосида белгиланади. Барча рейтинг баҳолаш шакллари бўйича тузилган варианлар ва баҳолаш мезонлари кафедра мажлисининг баённомалари билан тасдиқланади. Талабанинг балларда ифодаланган ўзлаштириши қўйидаги мезонларга асосан аниқланади.

<b>Балл</b>	<b>Баҳо</b>	<b>Талабаларнинг билим даражаси</b>
86-100	Аъло	Хулоса ва қарор қабул қилиш, ижодий фикрлай олиш, мустақил мушоҳада юритиш. Амалда қўллай олиш, моҳиятини тушунтириб билиш, айтиб бериш, тасаввурга эга бўлиш.
71-85	Яхши	Мустақил мушоҳада юритиш, амалда қўллай олиш, моҳиятини тушунтириб билиш, айтиб бериш, тасаввурга эга бўлиш.
55-70	Қониқарли	Моҳиятини тушунтириб билиш, айтиб бериш, тасаввурга эга бўлиш.
0-54	Қониқарсиз	Аниқ тасаввурга эга эмаслик, билмаслик.


## 1.1.2-илова

### Слайд-1

**Давлат бюджети-давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдорлари назарда тутилади.**

### Слайд-2

#### Давлат молиясининг таркибий тузилиши



### 1.1.3-илова


#### Ўзбекистон Республикаси 2005-2006 йилги Давлат бюджетининг харажатлари таркиби

<b>Давлат бюджети харажатлари</b>	<b>2004 йил</b>	<b>2005 йил</b>	<b>2006 йил</b>
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий химоялаш харажатлари	1305416,5	1723777,2	2155663,9
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига дотация	-	28563,9	50000,0
Иқтисодиёт харажатлари	367022,5	461434,6	557508,3
Марказлашган давлат капитал қўйилмаларни молиялаштириш харажатлари	300000,0	363451,8	395000,0
Давлат ҳокимияти, давлат бошқарув органлари, суд органларининг харажатлари	524238,2	97445,7	116063,0
Вазирлар Маҳкамасининг резерв фонди	41300,0	16346,3	19450,0
Бошқа харажатлар	659557,7	771051,5	969584,0
Харажатлар	2743230,0	3462070,9	4263269,3
Бюджетдан ташқари мактаб таълими харажатлари	-	145740,7	190000,0
Мақсадли фондлар харажатлари	936386,6	1245437,2	1501175,8
<b>Жами харажатлар</b>	<b>3679616,7</b>	<b>4853248,8</b>	<b>5954445,1</b>

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари

## **1.1.4-илова**

### **Давлат мақсадли фондларининг хусусиятлари**



## **1.1.5-илова**

### **Мавзуни жонлаштириш учун саволлар**

1. «Нобюджет фондлар» фанининг аҳамиятини тушунтиринг.
2. Мазкур фаннинг вазифалари нималардан иборат?
3. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида фанни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.
4. Фаннинг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро боғлиқлигини тушунтиринг.

## **1.1.6-илова**

### **Мавзу бўйича адабиётлар**

1. Ваҳобов А.А. Қосимова Г.А., Жамолов Х.Н.. Бюджет-солик сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма «Молия». Т., 2004. 296 б.
2. Ваҳобов А., Сироҳиддинова З. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия. 2002.
3. Қосимова Г.А. Газначилик фаолиятини ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. «Иқтисод-молия». Т., 2005. 305 б.
4. Годин А.М., Максимова Н.С. Бюджетная система Российской Федерации. / Учебник. - М.: Дашков и К. 2005.
5. Финансы: Учебник. Под. ред. Бабича А.М., Павловой Л.Н. – М.: ФБК-ПРЕСС, 2004.
6. Финансы: Учебник. Под. ред. Ковалева. – М.: ПРОСПЕКТ, 2006.
7. Ҳайдаров Н.Ҳ. “Давлат молиясини бошқариш”. Ўқув-услубий қўлланма. Т.: “Академия”, 2005

## **1.1.7-илова**

### **Пинборд техникаси**

#### ***Пинборд техникаси***

**инглизчадан - (доскада маҳкамлаш маъносини билдиради ) муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш ва гурухлашни амалга оширишга, коллектив тарзда ягона ёки қарама-қарши позицияни шакллантиришга имкон беради.**

**Ўқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарларини баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий тўфон (мозговой штурм) бошланишини ташкил қиласи.**

**Фикрларни таклиф қиласи, мухокама қиласи, баҳолайдилар ва энг оптималь фикрни танлайдилар.  
Уларнинг хуносаси (2 сўздан кам бўлмаслиги керак)  
алоҳида қоғозларга ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар.**

**Гурух сардорлари доскага чиқадилар, маслаҳатлашадилар ва:**

- ✓ яққол хато бўлган ёки тақорланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;
- ✓ баҳсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадилар;
- ✓ фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларни аниқлайдилар;
- ✓ шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни гурухларга ажратадилар;
- ✓ уларнинг ўзаро муносабатларини чизиклар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар.

**Натижада коллективнинг ягона ёки қарама-қарши позициялари ишлаб чиқилади.**

**2****МАВЗУ**

## Бюджетдан ташқари фондларнинг моҳияти, мазмуни ва турлари

(маъруза – 2 соат, амалий машғулот – 2 соат.)

### Маърузани олиб бориш технологияси

<b><u>Молия кафедраси</u></b>	<b>Ўқув курси</b>	<b>Мавзу тартиб рақами</b>	2
	<b>Бюджетдан ташқари фондлар</b>	<b>Соат</b>	2
<b>Талабалар сони:</b> 30 -70	<b>Таълим технологияси муаллифи</b>  Қосимова Г.А.	<b>Ўқитувчи</b>  Қосимова Г.А.	

<b>Машғулот шакли</b>	<b>Маъруза-конференция</b>
<b>Маъруза режаси</b>	1. Бюджетдан ташқари фондларнинг иқтисодий моҳияти.  2. Бюджетдан ташқари фондларнинг функциялари ва жамият ривожланишидаги аҳамияти.  Бозор иқтисодиёти шароитида бюджетдан ташқари фондларни ташкил этишининг шарт-шароитлари ва хусусиятлари.
<b>Ўқув машғулотнинг мақсади:</b>	<b><i>Бюджетдан ташқари фондларнинг иқтисодий моҳиятини очиш, мазкур фондларнинг функцияларини кўрсатиш ва бозор иқтисодиёти шароитда бюджетдан ташқари фондларни ташкил этишининг шарт-шароитлари ва ўзига хос хусусиятларини ёритиш.</i></b>
<b>Таянч тушунча ва иборалар</b>	Бюджетдан ташқари фондлар, давлат мақсадли жамғармалари, давлат молияси, ижтимоий фондлар, иқтисодий фондлар, бюджет таснифи, жамланган бюджет.
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>
– бюджетдан ташқари фондларнинг иқтисодий табиатини кўрсатади;	- бюджетдан ташқари фондларнинг иқтисодий моҳиятини айтиб бера оладилар.
– бюджетдан ташқари фондларнинг функцияларини ҳакида маълумот беради;	– бюджетдан ташқари фондларнинг функцияларини тушунириб бера оладилар;

– молия тизимида бюджетдан ташқари фондларнинг ўрни билан таништиради;	– молия тизимида бюджетдан ташқари фондларнинг ўрнини ёритиб бера оладилар;
– бозор иқтисодиёти шароитида бюджетдан ташқари фондларни ташкил этишнинг шарт-шароитлари ва заруриятини ёритади;	– бозор иқтисодиёти шароитида бюджетдан ташқари фондларни ташкил этишнинг шарт-шароитлари ва заруриятини кўрсатиб берадилар;
– давлат мақсадли жамғармаларининг ўзига хос хусусиятларини ёритади.	– давлат мақсадли жамғармаларининг ўзига хос хусусиятларини бера оладилар.
<b>Ўқитиш воситалари</b>	<b>Маъруза матни, маъруза тезислари</b>
<b>Ўқитиш усуллари</b>	<b>Маъруза, мунозара, блиц-сўров.</b>
<b>Ўқитиш шакллари</b>	<b>Фронтал, коллектив ишилаш.</b>
<b>Ўқитиш шароити</b>	<b>Компьютер, проектор мавжуд бўлган гурухда ишлишни ташкил этиш мумкин бўлган аудитория</b>
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	<b>Кузатиш, тақризчиларнинг, маърузачиларнинг чиқишиларини баллик ва рейтинг баҳолаш, назорат ишини савол-жавоб шаклида бажариш.</b>

## **Маъруза-конференциянинг технологик картаси**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни</b>	<b>Изоҳ</b>	<b>Талаба фаолиятининг мазмуни</b>
<b>1-босқич Тайёрланыш</b>	<p>1.1. Маърузалар мавзусини аниқлайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>а) бюджетдан ташқари фондлар ва унинг моҳияти;</li> <li>б) бюджетдан ташқари фондларнинг функциялари;</li> <li>с) иқтисодиётни ривожлантиришда бюджетдан ташқари фондларнинг роли;</li> <li>д) бюджетдан ташқари фондларнинг афзаллеклари.</li> </ul> <p>1.2. Маърузачиларни мавзусини танлашни ташкиллаштиради ва ҳар бир чиқиши бўйича тақризчиларни аниқлайди.</p>		Мавзуларни танлаб оладилар, маъруза тезисларини тайёрлайдилар.
	1.3. Иккинчи ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.		Мавзу номини, режасини ёзиб оладилар
	1.4. Блиц-сўров усулида мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни санаб беришни сўрайди.		Тушунчаларни санаб ўтадилар

<b>2 -босқич. Асосий бўлим. (50мин)</b>	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.		Тинглайдилар
	2.2. Маъруза режасининг 1-5 пунктлари бўйича тушунтиради, ҳар бир пункт ниҳоясида умумлаштириб боради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.		Тинглайдилар, тарқатма материаллар тўпламида келтирилмаган қирраларини конспект қилиб борадилар.
	2.3. Таянч ибораларга қайтилади. Тингловчилик иштироқида улар яна бир бор такрорланади (Пинборд усулида). Мавзуга оид бўлмаган иборалар олиб ташланиб, керакли тушунча ва иборалар қўшилади.		Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиласидилар, барча ахборотни тизимлаштирадилар, конспект қиласидилар
<b>3-босқич Якун- ловчи (10 мин)</b>	2.4. Мавзу бўйича яқунловчи хulosалар қиласиди. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлиги маълум қиласиди.		Саволлар берадилар
	2.5. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириқлар беради.		Мустақил ўрганиш учун топшириқларни ёзиб оладилар.
	2.6. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради.		Ёзадилар
	2.7. Кейинги мавзу бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар ва тестлар беради (таянч ибора ва тушунчалар).		Ёзадилар
	2.8. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.		Баҳоланадилар.

## **2.1.1-илова**

### **Давлат мақсадли жамғармаларининг хусусиятлари**



**даромад манбаларининг аниқ белгиланганлиги;**



**маблағларнинг қатъий мақсадли ишлатилиши;**




**маблағларнинг шаклланиш ва ишлатилиш муддат-  
ларининг мос келмаслиги;**



**мустакил молия кредит ташкилоти сифатида фаолият  
кўрсатиши.**

## **1.2-илова**

### **Бюджетдан ташқари фондларнинг тақсимланиши**



**Иқтисодий фондларга функционал  
вазифаларига мувофиқ қуидагилар киради:**

**Ўзбекистон Республикасининг Йўл фонди;  
Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мулк  
Қўмитасининг маҳсус ҳисоб рақами;  
Ўзбекистон Республикасининг Мактаб таълими  
жамғармаси;  
Ўзбекистон Республикасининг Менерал хом-  
ашё ресурсларини тўлдириш фонди.**





Ижтимоий фондларга функционал вазифалариға мувофиқ қуийдагилар киради:  
Ўзбекистон Республикасинг Бюджетдан ташқари Пенсия фонди;  
Иш билан таъминлашга қўмаклашувчи давлат жамғармаси;  
Ўзбекистон Республикасининг Касаба уюшмалари Федерацияси фонди.

### 2.1.3-илова

**Гурухда савол бериш қоидалари !**

Саволни қандай бериш керак:

1. Агар .. бўлса нима қилишни маслаҳат берасиз?
2. .. масалада қандай фикрдасиз?
3. .. ни қандай амалга ошиrsa бўлади, деб ҳисоблайсиз?
4. Сизнинг фикрингизча, .. йўллари нималардан иборат?

**Ж Ҷадид тутинг!**

*Сизга берилган савол-нокомпетентликка ишора эмас*

### 2.1.4-илова

**Гурухда ишлаш қоидалари !**

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда, албатта, ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- Бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.
- Кемага тушганинг жони бир: ё бирга қутиламиш ёки бирга чўкамиз.

## **Таянч маъруза матни**

Давлат молияси таркибида Давлат бюджети, давлатнинг мақсадли жамғармалари, давлат кредити ва корхоналар молияси ажратиб кўрсатилади. Ушбу тузилмага кирувчи давлатнинг мақсадли жамғармалари кўп мамлакатлар амалиётида уларнинг асосий вазифаси ижтимоий вазифаларни - меҳнатга яроқизларни таъминлаш ишсизларга ёрдам кўрсатиш, ҳаётий муҳим харажатлар йўналишларини молия билан таъминлаш каби масалаларни ҳал этишдан ва давлатнинг иқтисодиётга аралashiш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат.

Ҳозирги шароитда бюджет билан бир қаторда бюджетдан ташқари фондларнинг ҳам аҳамияти ошиб бормоқда. Республикаизда аҳолининг ҳар қандай қатлами учун ҳар қандай шаклда ижтимоий ҳимояни таъминлашда, давлатнинг ижтимоий сиёсатини олиб бориша ҳамда ижтимоий дастурларни рўёбга чиқаришда доимо мурайян миқдордаги пул маблағларидан мақсадли фойдаланишини тақозо этади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг амалдаги механизми танқидий баҳолаш ва мустаҳкамлаш, унинг аниқ тоифадаги кишиларга қаратилишини кучайтириш лозим бўлади, қолаверса, бу ишларнинг ҳаммасига давлатга қарашли жамғармаларнинг маблағларини кенг жалб этиш лозим.

Давлатнинг мақсадли жамғармалари қўйидаги афзалликларга эга:

✓ ижтимоий ва иқтисодий харажатларни молиявий маблағлар билан таъминлашнинг қолдиқ тамойилларини бартараф этиш имконини беради;

✓ давлат бюджетини енгиллаштиради, бюджет харажатлари нинг бир қисмини ўз зиммасига олади ва бюджетни маблағ билан таъминлаш муаммосини маълум даражада ҳал қиласди;

✓ маблағлардан мақсадли фойдаланади;

✓ бюджетдан ташқари молиявий ресурсларни кўпайтириш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикасида бюджетдан ташқари фондларни, ташкилий тузилишига кўра, жамланган бюджетга қўшиладиган ва жамланган бюджетга қўшилмайдиган фондларга ажратиш мумкин. Функционал жиҳатига кўра ва бошқарув даражасига кўра бюджетдан ташқари ижтимоий ва иқтисодий фондларга бўлиш мумкин. Бюджетдан ташқари мақсадли фондларни ташкил этилишининг

мувофиқлигини таъминловчи яна бир муҳим омил бу бюджет тақчиллигидир. Бюджет харажатларининг даромаддан ошиб кетиши молиявий ресурсларни фақат қидириб топишда эмас, балки корхоналар, ташкилотлар ва аҳолидан тушган маблағларни қайта гурӯлашни талаб этади. Бюджетдан ташқари мақсадли фондлар иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг дастлабки белгилари десак муболаға бўлмайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу фондларнинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий аҳамияти катта.

Ўзбекистонда давлатнинг мақсадли жамғармаларини шакллантиришда уларнинг ташкил қилиниши бўйича жаҳон тажрибаси ўрганилиб, мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-иктисодий муносабатлар эътиборга олинган. Ушбу фондларнинг баъзилари бошқа мамлакатлардагига ўхшаш бўлса, бошқалари эса ўхшashi йўқ, яъни оригинал бўлиб, бозор муносабатларига ўтишда ўзига хос, миллий йўлимииз борлигини тасдиқлаб турибди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммолари қанчалик кенг қамраб олинганлиги ва илмий жиҳатдан чуқур ўрганлигига қарамай, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу масаланинг долзарблиги сақланиб қолаверади. Иқтисодиёт тараққий этган сари мазкур фондлар аҳамияти ҳам ортиб боради, бу эса мазкур фондларнинг моҳияти ва вазифасини илмий тарзда тушунишни, таҳлил этишни, улар фаолиятини яхшилашда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, такомиллаштиришни талаб этади.

Бюджетдан ташқари фондлар ўз функционал вазифаларига кўра, баъзилари ижтимоий, бошқалари эса иқтисодий характерга эга бўлади, буларни бошқарув даражасига қараб эса умумдавлат, республика ва худудий фондларга бўлиш мумкин.

Ижтимоий фондларга функционал вазифаларига мувофиқ қуидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикасининг Пенсия фонди;
- Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси;
- Ўзбекистон Республикасининг Касаба уюшмалари Федерацияси фонди.

Ижтимоий фондлар моҳияти жиҳатдан соф давлат фондлари эмас, чунки улар аралаш хусусиятга эга, улар шаклланиш манбаларига кўра, корхона ва муассасалар ажратадиган маблағлардан иборат бўлади, марказлашган ҳолда ва давлат назорати остида жамғарилади, давлат томонидан ўрнатилган қоидаларга мувофиқ тақсимланади ва фойдаланилади.

Бироқ, уларнинг шаклланиши ва тақсимланишида касаба уюшмалари сингари нодавлат ташкилотлар ҳам иштирок этади. Бу фондларнинг аралаш характерга эгалиги уларни ҳам бир бутун ҳолда, ҳам алоҳида-алоҳида кўриб чиқиши талаб этади. Иқтисодий ва ижтимоий фондларни ривожланишидаги ишнинг умумий ҳолатини тасаввур қилиш учун уларнинг таркиби ва динамикасини махсус таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иқтисодий фондларга функционал вазифаларига мувофиқ қуидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикасининг Йўл фонди;
- Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мулк Кўмитасининг махсус хисоб рақами;
- Ўзбекистон Республикасининг Мактаб таълими жамғармаси;
- Ўзбекистон Республикасининг Менерал хом-ашё ресурслари-ни тўлдириш фонди.

Жаҳон тажрибасида бюджетдан ташқари фондларнинг жуда кўп турлари мавжуд. Лекин бу фондларни икки катта гурухга ажратиш мумкин:

⇒ ижтимоий йўналтирилган фондлар (пенсия фондлари, мажбурий тиббий суғурта фондлари, давлат бандлик фондлари, ижтимоий суғурта фондлари, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш умуммиллий фондлари);

⇒ иқтисодий йўналтирилган фондлар (ўз йўналиши ва манбаларига эга).

Давлат иқтисодий фондларнинг маблағлари билан ишлаб чиқариш жараёнига аралашади, ташкилот ва муассасаларга кредитлар ва субсидиялар беради, шунингдек, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатади.

Японияда жуда кўп кредит фондлари мавжуд. Жумладан, молиявий корпорациялар фондлари (уй-жой қурилишини молиялаштириш корпорациялари, кичик ва ўрта корхоналарни молиялаштириш корпорациялари) ва махсус банклар жамғармалари (Япония экспорт ва импорт банки, Японияни ривожлантириш банки, қишлоқ хўжалиги учун марказий кооператив банки) мавжуд. Молиявий корпорациялар жамғармалари бюджет маблағлари, шунингдек, бериладиган кредитлар фоизлари хисобига ташкил этилади. Бу жамғармалар инқирозга учраган корхоналарни молиялаштириш ёки бошқа кредит манбасига эга бўлмаган компания-

ларга молиявий ёрдам бериш мақсадида уларга чегирма фоизларда қарз беради.

«Японияда траст фондларига тушадиган фондлар қисман давлат облигацияларини сотиб олишга йўналтирилади, уларнинг катта қисми эса давлат молия институтларини, маҳаллий органлар бюджетларини ва давлат корпорацияларини молиялаштириш, шунингдек, давлат бюджетидаги маҳсус ҳисобрақамга йўналтирилади. Нафақа ва суғурта бадаллари билан биргаликда, уларнинг тушуми ва сарфини ҳисобга олган ҳолда, улар «Инвестициялар ва қарзлар бўйича давлат дастури» деб аталадиган дастурни белгилайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, охирги йилларда Пенсия фонди бошқа бюджетдан ташқари ижтимоий фондларга нисбатан самаралироқ фаолият олиб бормоқда Бу ҳолат, айниқса, шакланаётган даромад таркиби ва маблағлардан мақсадли фойдаланишни кучайтиришда бир қатор ижобий ўзгаришлар кўринишида содир бўлмоқда. Мустақиллик йилларида пенсия фонди ўз даромадларини устун даражада таъминлабгина қолмасдан, маблағларнинг мақсадли сарфланишининг устивор тузилмасига қатъий риоя этишга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодексига, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги 444-сон “Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 498-сон “Бюджетдан ташқари пенсия фондининг маблағларини шакллантирилиш ва ишлатилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори асосан, бюджетдан ташқари Пенсия фондига давлат суғуртаси бадалларни, мажбурий тўловларни ва ажратмаларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича меъёрий хужжат ишлаб чиқилди. Унга асосан, суғурта бадалларининг миқдори тўловчиларга солиқ органлари томонидан етказилади ва пенсия фондига тўланадиган мажбурий тўловлар солиқлар ва йигимларга тенглаштирилади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, «Россия Федерациясининг Пенсия фонди-мақсадли ижтимоий фондлар ичида энг йиригидир. Россия Федерацияси Пенсия фондининг асосий вазифалари – мустақил молия-кредит ташкилоти сифатида қонун хужжатларига мувофиқ

мажбурий ажратмаларни тўплаш ва жамғарманинг маблағларини мақсадли ишлатишдан иборат»<sup>1</sup>.

Проф. Л.А.Дробозинанинг фикрича, бюджетдан ташқари мақсадли фондлар жамиятнинг айrim маблағларини молиялашириш ва комплекс равишда оператив мустақиллик асосида сарфлаш учун, давлат орқали жалб қилинадиган молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ва фойдаланиш усулидир. Айниқса, бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида Пенсия фондининг ҳам ижтимоий ҳам иқтисодий аҳамияти катта.

“Ўзбекистон Республикаси Пенсия фондига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаб чиқиши ва тўлаш тартиби бузилганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий жазолар қўлланилади, жумладан, тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун пеня ҳисобланади, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан эса, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарлик чора-тадбирлари қўлланилади”<sup>2</sup>.

“Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларининг пенсия тизимидаги асосий муаммолари бир хил - пенсияга чиқиши ёшининг барвақтлиги, бюджетга даромадларнинг тўлиқ тушмаслиги, пенсия тўловлари учун харажатларнинг катталиги, имтиёзли пенсияларнинг мавжудлиги, пенсияларга инфляциянинг таъсиридан иборат. Бошқача қилиб айтганда, аҳолининг қариши, туғилишининг пасайиши каби демографик муаммолар аҳолининг фаол қисми билан пенсионерлар ўртасидаги нисбатнинг бузилишига олиб келса, инфляциянинг юқори даражаси, ишсизликнинг қўпайиши, давлат бюджети тақчиллиги каби иқтисодий омиллар кучли таъсир этади”<sup>3</sup>.

Маълумки, пенсия тўловлари «авлодлар бирдамлиги» тамойилига асосланган, яъни пенсиялар ишлаётганларнинг бадаллари ҳисобига тўлаб борилади. Шунинг учун пенсионерлар ва ишлаётган фуқаролар сони ўртасида маълум бир мувозанат бўлиши керак. Лекин республикамиздаги демографик ҳолат ва ишсизлар сонини ортиб бориши натижасида келажакда бу мувозанат бузилиши мумкин.

<sup>1</sup> «Федеральный закон О бюджете Пенсионного фонда Российской Федерации на 1999 год.» от 30.03.1999 г. №56-ФЗ.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида Низом. 5-модда.

<sup>3</sup> Қосимова Г. А. «Реформа пенсионных систем: Цели и перспективы». // Российский страховой бюллетень. 2000 год..август. 44-45стр.

Мисол тариқасида шуни келтириш мумкинки, хатто 1992 йилда 1 нафар пенсионерга 3.7 нафар ишловчи тўғри келган бўлса, 1994 йилда 1 нафар пенсионерга 3.5 нафар ишловчи тўғри келди. Ҳисобкитобларнинг кўрсатишича, келажакда шундай вазият вужудга келиши мумкинки, ишловчиларнинг бадаллари пенсияларни тўлаш учун етмайди.

“Мустақилликка эришган мамлакатлар пенсия тизимида ўтказилаётган ислоҳотларга ёрдам бериш мақсадида Лондондаги иқтисод мактабида Пол Джонсон томонидан компьютерда ушбу тизимни такомиллаштиришнинг модели яратилди. Бу модел Жаҳон Банкининг Иқтисодий Ривожлантириш Институтининг консультантлари томонидан Қозоғистон Республикасида синаб кўрилди. Такдим қилинган модел ёрдамида 1995 йилдан 2075 йилгача йиллик прогнозлар қилинди, ушбу модел ёрдамида ҳар хил параметрлар ва комбинациялар билан келгусидаги давр учун хулосалар қилиш имконини берди.”<sup>1</sup>

Мазкур модел иккиласи пенсия фондларини жалб қилиш йўли билан пенсия тизимини фундаментал қайта қуриш йўлини кўрсатди. Моделда Жаҳон Банки маълумотлари асосидаги ахоли таркиби ўзгармас элемент бўлади, пенсионерлар умумий сони, бадал тўловчиларнинг сони, ўртacha иш хақи, ўртacha пенсия миқдори, пенсияни молиялаштириш учун керак бўладиган ажратмалар ставкаси ўзгаради. Агар шу параметрлар ҳар йилига киритилса, 2075 йилгача таҳлил натижаларини олиш мумкин.

Мазкур моделдан хулоса сифатида - ҳар йилги пенсия тизимини молиялаштириш учун керак бўладиган бадал ставкалари, пенсионерлар билан бадал тўловчилар ўртасидаги муносабат, ҳар йилги пенсияларнинг бошланғич йилдаги пенсияга нисбатан реал қиймати, ҳар йилги давлат, хусусий ва комбинациялашган тизимдаги ўртacha пенсия миқдори, бадал ставкалари каби маълумотлар аниқланади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ривожланган мамлакатларда давлат пенсия таъминоти тизими билан бир қаторда давлат тасаруфида бўлмаган хусусий пенсия таъминоти мавжуд, унинг зарурлиги қўйидаги икки асосий сабаблардан келиб чиқади.

---

<sup>1</sup> Ўша жойда.

Биринчидан, бозор муносабатлари ва демократия фуқароларга кўпроқ эркинлик ва давлат тасарруфидан мустақилроқ бўлиш имконини бериши билан бир қаторда, уларга ўз фаровон ҳаётларини қуриш, шу жумладан, ижтимоий жиҳатдан таъминлаш борасида катта масъулият юклайди. Ҳар бир фуқаро меҳнатга қобилиятили давридаёқ, яъни аввалдан, у қариганида ёки меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган тақдирда ўзини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига жиддий ёндашиши керак.

Иккинчидан, ҳар бир давлатнинг, у қанчалик ривожланган ва бой давлат бўлишидан қатъи назар, молиявий имкониятларининг чегараси мавжуд. Давлат фуқароларни улар меҳнат қобилиятларини йўқотгунларига қадар бўлган ижтимоий ҳимояланганлик даражасида ижтимоий таъминлаш имконига эга эмас. Шунинг учун ҳар бир давлат фуқароларнинг ижтимоий таъминланганлик даражасини ўз имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, давлат меҳнатга қобилиятсиз фуқароларни ўртacha турмуш даражасидан юқори микдорда таъминлай олмайди.

Маълумки, бозор иқтисодиётининг энг муҳим шартларидан бири - ҳар бир шахснинг ўз манфаатларини биринчи навбатда ҳимоя қилиши, ўз имкониятларини ифодалаши керак. Давлат фуқаролар ўз турмуш даражаларини оширишлари учун уларга тегишли қонунлар тизими орқали зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиши ва уларнинг бу борадаги интилишларини қўллаб-қувватлаши лозим. Бозор муносабатлари ривожланиши, иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторлари ўртасидаги ўзаро нисбат ўзгариб борган сари бу икки омил, албатта, ижтимоий таъминот тизимига ўз таъсирини кўрсатади. Бизнинг фикримизча, республикамиизда ҳам давлат тасарруфида бўлмаган хусусий пенсия таъминоти тизимини ташкил қилиш зарурияти туғилди.

Республикамиизда илмий жиҳатдан асосланган пенсия тизимини яратиш ва такомиллаштиришнинг зарур шарти жаҳон фани ютуқларидан ва бозор иқтисодиёти ривожланган етакчи мамлакатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, шунингдек, Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда пенсия таъминотининг янги тизими пайдо бўлди. Пенсия таъминоти тизими ҳуқуқини мустаҳкамлаш, иш берувчиларнинг пенсия ёшига етган ходимларнинг моддий аҳволини яхшилашдаги масъулиятини кучайтириш, пенсия олувчиларга амалдаги пенсия тўловларига қўшимча ра-

вишда даромад олиш манбаларини яратиш, шунингдек кексалик чоғида фуқароларнинг ўз фаровонлиги учун шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида мамлакатимизда ислоҳотлар олиб борилаяпти. Натижада 2005 йил 1-январдан бошлаб республикамизда “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизими” амалиётга жорий қилинди.

Икки ҳолатда ҳам давлат тизими олдингидагидек кексайган шахсларга минимал пенсия ёки камбағалликдан ҳимоялаш сифатида ижтимоий ёрдам кўрсатади. Агар мамлакатда камбағалликни камайтириш вазифаси ҳал этилмаган бўлса, давлатнинг пенсия тизимининг бюджетга босимини камайтириш муҳим ҳисобланади. Мамлакатимизга ушбу тизимни қўллаш давлат пенсия фонди фаолиятини амалий тартибга солиш ва унинг устидан назоратни амалга ошириш имкониятига эга бўлинган, шунингдек, янги тизимга ўтишини молиялаштириш учун маблағларнинг мавжуд бўлган шароитларида кўп даражали тизимни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг фикримизча, мамлакатнинг кўп даражали тизимиға ўтишига қараб жамғариб бориладиган пенсия фондларини бошқариш, қонунчилик базасини ишлаб чиқиш, ҳисоб-китобларни бошқариш, бадалларни йиғиш, пенсия фондлари фаолияти устидан назоратни давлат амалга ошириши лозим.

Мазкур тизимнинг мамлакатимизда қўланилиши жараёнида қуидаги тамойилларга амал қилиш кўзда тутилган:

**Ø** жамғариб бориладиган пенсиянинг умумий ва мажбурий характеристери, ижтимоий кафолатларини амалга оширишдаги имтиёзлар кишининг ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқининг таъминланиши;

**Ø** жамғариб бориладиган пенсия мажбурий ва ихтиёрий шаклларнинг бирлиги, teng ҳуқуқлилиги шахснинг ижтимоий таъминотга бўлган зарурый даражаси таъминланади ва унинг кексалик чоғида яхши яшashi учун таъсир кўрсатиши;

**Ø** турли хил пенсия тизимининг бир вақтнинг ўзида амал қилишидаги мустақиллиги ва ўзини-ўзи идора қилиш шароитида мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бўйича тўловлар даражаси ва тизимни барқарорлигининг давлат томонидан кафолатланиши;

**Ø** жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахс ва иш берувчини молиявий иштирокининг мажбурийлиги, зарурый ҳолатларда давлат субсидияларнинг жалб этилиши. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахсга унинг жамғарган бадаллари тўлашидаги молиявий иштироки туфайли ҳосил бўлган

маблағдан унга «қонунга кўра» турли шаклдаги моддий ёрдам ва хизматлар кўрсатиши таъминланади;

**Ø** аҳолининг тегишли ижтимоий категорияларни қамраб олувчи кишилар гуруҳи (ишчилар, хизматчилар, меҳнаткашларнинг алоҳида касб бўйича категориялари, алоҳида ҳудудларнинг барча ахолиси) ёки мамлакатнинг барча аҳолисининг у ёки бу пенсия таъминот туридан манфаатдорлиги;

**Ø** барча жамғарib бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахсларнинг харажатларини молиялаштириш бўйича мажбурият ва натижада эга бўлинган ҳуқуқ ва кафолатлар нуқтаи назаридан тенглиги;

**Ø** кишиларнинг соғлиги ёки уларнинг моддий аҳволига хавф со-лувчи барча олдиндан кўрилмаган ҳолатларда барча меҳнаткашларнинг ва уларнинг оила аъзоларини ҳуқуқий имкониятларини яратиши.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги 444-сон “Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 498-сон “Бюджетдан ташқари пенсия фондининг маблағларини шакллантирилиш ва ишлатилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан, бюджетдан ташқари пенсия фондига давлат сугуртаси бадалларини, мажбурий тўловларни ва ажратмаларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича меъёрий хужжат ишлаб чиқилди.

Мазкур қарорга асосан, сугурта бадалларининг миқдори тўловчиларга солиқ органлари томонидан етказилади ва пенсия фондига тўланадиган мажбурий тўловлар солиқлар ва йиғимларга тенглаштирилади. Бюджетдан ташқари Пенсия фондининг даромадлари ва харожатлари ҳар йили жамланган бюджетнинг таркибига киритилади. Иш ҳақи фондидан ажратмалар ва сугурта бадаллари бўйича ҳисоботлар ҳар чоракда солиқ инспекциясига топширилади. Иш ҳақининг иккинчи ярми тўланадиган кунда пенсия ва нафақалар тўланади.

Ҳисобот қилинаётган ойдан кейинги ойнинг 10 кунигача мажбурий тўловлар ва ажратмаларни тўлаш бўйича тўлов қофози олиб борилади. Тадбиркорлик билан шуғулланадиган, лекин ҳуқуқий

шахс мақомини олмаган жисмоний шахслар давлат солиқ органдарыда рўйхатга туришлари билан бюджетдан ташқари Пенсия фондининг ижтимоий суғурта бадаллари тўловчилари ҳисобланади. Буларнинг ижтимоий суғурта бадаллари миқдори энг кам иш хақи миқдоридан ошмаслиги керак. Бу тўловлар ҳар чоракда ҳисббот қилинаётган чоракдан кейин ойнинг 8 кунигача пулсиз ҳисбкитоблар билан ёки Халқ банки бўлимларида нақд пул билан тўланади, тўланган пуллар қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан белгилаб берилган мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва уни моддий таъминотини яхшилаш бўйича давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Конун, “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2004 йил 21 майдаги “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуми миллий дастури тўғрисида”ги умумий ва ўрта таълим тизимини яхшилашга қаратилган 3431-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу соҳа бўйича қабул қилган қарорлари, республикамизда таълим тизимининг молиявий таъминотига жавобгар бўлган вазирликлар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда республика Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари шу соҳанинг ривожига ҳисса қўшмоқда.

Умумий таълим мактаблари моддий-техника базаси ҳозирги ҳолатларини қайта кўриб чиқиш ва уни яхшилаш ҳамда ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 февралда Ф-1910 сонли Фармойиши билан Республика минтақаларида умумий таълим мактаблари моддий-техника базасининг ҳозирги ҳолатини танқидий ва батафсил ўрганиш учун Хукумат миқёсида Махсус комиссия ва ишчи гурухлари тузилди.

Махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилган саволнома ва мактабнинг бир хил типдаги паспорти асосида жойларга бориб барча умумтаълим мактабларни тўлиқ рўйхатдан ўтказилди ва хулосалар тайёрланди. Умумий таълим мактаблари паспортини ишлаб чиқиш асосида мактабнинг моддий-техника базаси ҳолатига, ичимлик суви ва иссиқлик билан таъминланиш даражасига, санитария шохобчаларининг ҳолатига, шунингдек, ошхоналар, спорт заллари ва май-

дончалар билан таъминланиш даражасига танқидий баҳо бериш мумкин бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан бюджетдан ташқари “Мактаб таълими жамғармаси” тузилди ва унинг маблағлари «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастури»ни молиялаштиришнинг асосий манбаси мақсадида фойдаланилади.

## **2.1.6-илова**

### **Мавзу бўйича адабиётлар**

1. Ваҳобов А.А. Қосимова.Г.А., Жамолов Х.Н., Ўқув қўлланма. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. «Молия». Т., 2004. 296 б.
2. Ваҳобов А., Сирожиддинова З. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия. 2002.
3. Қосимова Г.А. Ғазначилик фаолиятини ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. «Иқтисод-молия». Т., 2005. 305 б.
4. Годин А.М., Максимова Н.С. Бюджетная система Российской Федерации. / Учебник. - М.: Дашков и К. 2005.
5. Финансы: Учебник. Под. ред. Бабича А.М., Павловой Л.Н. – М.: ФБК-ПРЕСС, 2004.
6. Финансы: Учебник. Под. ред. Ковалева. – М.: ПРОСПЕКТ, 2006.
7. Ҳайдаров Н.Х. “Давлат молиясини бошқариш”. Ўқув-услубий қўлланма. Т.: “Академия”, 2005

**3****МАВЗУ**

**Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан  
ташқари Пенсия фонди**

(маъруза – 2 соат, амалий машғулот – 4)

**Маърузани олиб бориш технологияси**

<b><u>Молия кафедраси</u></b>	<b>Ўқув курси</b> <b>Бюджетдан ташқари фонdlар</b>	<b>Мавзу тартиб рақами</b>	3
		<b>Соат</b>	
<b>Талабалар сони:</b> 30 -70	<b>Таълим технологияси муаллифи</b> Қосимова Г.А.	<b>Ўқитувчи</b> Қосимова Г.А.	2

<b>Машғулот шакли</b>	<b>Эксперт таклиф қилинган маъруза</b>
<b>Маъруза режаси</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Пенсия фондининг моҳияти ва мазмуни.</li> <li>Бозор иқтисодиёти шароитида Пенсия фондининг асосий вазифалари.</li> <li>Бюджетдан ташқари Пенсия фондининг даромадларининг шаклланиш механизми.</li> <li>Бюджетдан ташқари Пенсия фонди харажатлари ва унинг таркиби.</li> <li>Ҳозирги шароитда мазкур фондни шакллантириш ва фойдаланиш муаммолари ҳамда уларни бартараф этиш йўллари.</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотнинг мақсади:</b>	<b>Бюджетдан ташқари Пенсия фонди даромадларини шакллантириши ва харажатларини молиялаштириши йўлларини ўргатиши</b>
<b>Таянч тушунча ва иборалар</b>	Бюджетдан ташқари фонdlар, мақсадли жамғармалар, иттифоқлар, мажбурий бадаллар, ҳомийлар ёрдами, ягона ижтимоий тўлов.
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>
- Бюджетдан ташқари Пенсия фондининг моҳияти ва мазмуни билан таништиради;	– Бюджетдан ташқари Пенсия фондининг ўзига хос хусусиятларини айтиб бера оладилар;
- бозор иқтисодиёти шароитида Пенсия жамғармасининг асосий вазифаларини тушунтиради;	– бозор иқтисодиёти шароитида Пенсия жамғармасининг асосий вазифалари тўғрисидаги топшириқни бажара оладилар;

<ul style="list-style-type: none"> <li>– Пенсия фондининг даромадларини шаклланиш механизмлари хақида маълумот беради;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– Пенсия фондининг даромадларини шаклланиш механизмларини ёритиб бера оладилар;</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>– Пенсия жамғармаси харажатлари ва унинг таркибини кўрсатади.</li> </ul> <p>– ҳозирги шароитда мазкур фондни шакллантириш ва фойдаланиш муаммоларини бартараф этиш йўлларини кўрсатиб беради;</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– Пенсия жамғармаси харажатлари ва унинг таркибини айтиб бера оладилар, мисоллар келтира оладилар.</li> </ul> <p>– ҳозирги шароитда мазкур фондни шакллантириш ва фойдаланиш муаммоларини бартараф этиш тўғрисидаги саволларга жавоб топа оладилар.</p>
<b>Ўқитиш воситалари</b>	<b>Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска.</b>
<b>Ўқитиш усуллари</b>	<b>Маъруза, блиц-сўров, тасвирли органайзерлар, ақлий тўфон, пинборд техникаси.</b>
<b>Ўқитиш шакллари</b>	<b>Фронтал, коллектив ишилаш.</b>
<b>Ўқитиш шароити</b>	<b>Компьютер, проектор ва LCD панель (ёки мультимедиа проектор).</b>

## Эксперт таклиф қилган маъruzанинг технологик картаси

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни		Тингловчи фаолиятининг мазмуни
<b>1-босқич. Мавзуга кириш. (10 мин)</b>	<p>1.1. Ўқув машғулоти шакли, мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.</p> <p>1.2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан келган мутахассис билан таништиради.</p>		Мавзу номини ёзib оладилар, тинглайдилар
<b>2-босқич. Асосий бўлим. (60мин)</b>	<p>2.1. Янги мавзуни амалиёт ва назарияни таққослаш асосида ўрганишни ташкил қиласди.</p> <p>2.2. Мавзуни маъруза режасининг 1-6 пунктлари бўйича қисқача тушунтиради.</p> <p>2.3. Маъруза жараёнини компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб боради.</p> <p>2.4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан келган мутахассисни маъruzанинг асосий масалалари бўйича сўзга чиқишига таклиф қиласди.</p>	3.1.3.- 3.1.4., 3.1.5- илова	<p>Мавзу режасини ёзib оладилар, тинглайдилар</p> <p>Тинглайдилар.</p> <p>Тарқатма материаллар тўпламида келтирилмаган кирраларини конспект қилиб борадилар.</p> <p>Тинглайдилар. Конспект қиласди.</p>

	2.5. Талабаларга саволлар беришлари мумкинлигини айтади.	3.1.1-илова	Саволлар берадилар
	2.6. Экспертнинг жавоблари асосида олинган ахборотлар билан маъруза режасининг ҳар бир пункти бўйича хulosалар қиласди.		Тинглайдилар. Конспект қиласди.
	2.7. Ўкув жараёнининг давоми гурухларда ишлаш билан давом этишини эълон қиласди. Талабаларни икки гурухга бўлади. 2.9. Гурухларда мавзу мухокамасини ташкил қиласди. 2.10. Гурухларда ишлаш натижаларини гурух вакилларининг презентация қилишини бошлаш мумкинлигини эълон қиласди. 2.11. Экспертдан жавоблар ҳақида ўз фикрини билдиришини сўрайди.		
<b>3-босқич Якун- ловчи (10 мин)</b>	3.1. Мавзу бўйича якунловчи хulosалар қиласди. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлиги маълум қиласди.		Саволлар берадилар
	3.2. Экспертга миннатдорчилик билдиради.		
	3.3. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириқлар беради.	3.1.2-илова	Мустақил ўрганиш учун топшириқларни ёзиб оладилар.
	3.4. Мавзу бўйича билимларни чукурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради.	2.1.5-илова	Ёзадилар
	3.5. Кейинги мазву бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар ва кейс беради (таянч ибора ва тушунчалар).		Ёзадилар

### **3.1.1-илова**

#### **Молия вазирлигининг вакилига бориладиган саволлар**

1. Пенсия фондининг лойиҳасини тузиш ва тасдиқлаш процедуралари тўғрисида гапириб беринг.
2. Бугунги кунда Пенсия фондининг хуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича қандай ўзгаришлар мавжуд?
3. Сизнинг фикрингизча, Пенсия фондининг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида Пенсия фондининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.
5. Пенсия фонди даромадларининг шакллантириш механизмини ва унда эътиборга олинадиган кўрсаткичлар тўғрисида нима дея оласиз?
6. Пенсия жамғармаси харажатларининг таркибий тузилиши динамикаси тўғрисида маълумотлар бера олсизми?
7. Фазначилик тизимида Пенсия фонди маблағлари қандай бошқарилади?
8. Жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси тўғрисидаги фикрларингизни айтинг.
9. Ҳозирги шароитда мазкур фондни шакллантириш ва фойдаланиш муаммоларини бартараф этиш йўллари бўйича таклифларингизни айтинг.
10. Молия вазирлигида Пенсия фондининг фаолиятини яхшилаш бўйича тадқиқот ишлари олиб бориляптими?

### **3.1.2-илова**

#### **Топшириқлар**

##### **1-топшириқ. Пенсия фонди даромадларини бошқариш технологияси**

1. Пенсия фонди даромадларини йиғиб олиш масъулияти қайси органга юклатилган?
2. Пенсия фонди даромадларининг манбаларини айтинг.
3. Пенсия фондига жорий йил бюджетининг назорат рақамлари қандай муддатда етказилади?
4. Пенсия тизимини молиялаштиришдаги Чили ва Германия моделининг тавсифини келтиринг.

##### **2-топшириқ. Пенсия фонди харажатларини бошқариш технологияси**

1. Пенсия фонди харажатлари қандай таснифланади?


2. Пенсия фонди харажатларини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

3. Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети таркибида Пенсия фондининг ўрнини кўрсатинг.

4. Пенсия фонди харажатларини оптималлаштириш йўлларини кўрсатинг.

### 3.1.3-илова

#### Талабаларни гурухлашнинг оптимал варианти!



### 3.1.4-илова

#### Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси

#### даромадларининг таркиби

(фоиз хисобида )

Даромадлар	2001 йил	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Корхона, ташкилотларнинг суғурта бадаллари	67,1	66,2	67,9	69,7	65,7
Фукароларнинг мажбурий суғурта бадаллари	5,7	6,5	6,3	6,4	6,3
Корхона, ташкилотларнинг пенсия нафақа тўлашга сарф. суғурта бадллари,	12,9	11,0	10,6	10,5	11,6
Бадаллар ва тўловлар ўз вақтида тўланмаганилиги учун пеня ва жарималар	1,0	1,1	1,0	1,0	0,2
Сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий хажмидан 0,7 % тўловлар	7,8	11,0	12,1	11,4	14,1
Бошқа даромадлар лар	0,3	3,2	0,5	0,5	0
Бюджетдан трансферлар	5,2	1,0	1,66	0,5	2,0

Манба. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари

### **3.1.5-илова**

#### **Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси харажатларининг таркиби**

(фоиз ҳисобида )

Харажатлар	2001 йил	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Пенсияларни тўлаш	83,2	81,6	87,1	88,8	88,2
Ҳарбий хизматчиларга пенсия тўлаш	0,8	1,3	1,3	1,1	1,1
Корхона, ташкилотларнинг пенсия, нафақа тўлаш харажатлари	11,8	10,0	9,6	9,3	9,0
Бошқарув аппаратини таъминлаш	1,4	1,6	1,7	0,5	1,1
Бошқа харажатлар	2,8	5,5	0,3	0,3	0,6
Тақчиллик	-1492,9	2414,9	2760,1	3777,0	1627,7

Манба. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари

### **3.1.6-илова**

#### **Ўзбекистон Республикасида ўртacha пенсия ва ўртacha иш ҳақи микдори нисбати**

Кўrsatkiчlar	2001 йил	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил
Ўртacha пенсия микдори (сўм)	7252	10684	14118	17167	21560
Ўртacha иш ҳақи микдори (сўм)	12469	166641,7	30206	40044	53201
Қоплаш коэффиценти	53	64	47	43	41

Манба. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари

#### **Баҳолаш мезони ва кўrsatkiчлари**


Маъ- руза- чилар	Маърузачиларни баҳолаш				
	Маърузада ахборотлар тўлиқлиги	Ишлатилаёт- ган ахборот янгилиги	Ахборотни тақдим қилиш воситалари	Регламент- га риоя қилиш	Жами
					50%
1					
2					
3					
4					

Тақризчи-лар	Баҳолаш мезони				Жами	
	Маърузага қўшимча (45%)	Мунозарада қатнашиш (25%)	Саволлар			
			сони (15%)	Мазмуни (15%)		
1.						
2.						
3.						
4.						
N						

Мунозара қатнашчилари	Баҳолаш мезони				Жами
	саволлар (хар бирига 0,1 )	мазмуни (0,3)	қўшимча (хар бирига 0,2)	Жами	
1					
2					
3					
N					

### 3.1.8-илова

#### Мунозара қатнашчиларига эслатма!



**J Эсада тутинг!**  
**Пресс-конференция сизнинг гурӯҳдошлиарингиз  
маслаҳатларидир!**

## **1.1.9-илова**

### **Назорат саволлари ва топшириқлар**

1. Ижтимоий фондларнинг аҳамиятини тушунтиринг.
2. Ижтимоий фондларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида ижтимоий фондларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.
4. Ижтимоий фондлар тушунчасининг моҳиятини очиб беринг.
5. Давлат бюджети ва ижтимоий жамғармалар тушунчаларининг боғлиқлигини тушунтиринг.

## **3.2.1-илова**

### **Пенсия жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбалари**

1	Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг юридик шахс бўймасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг, шунингдек, деҳқон хўжаликлари аъзоларининг ихтиёрий суғурта бадаллари.
2	Фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари
3	Сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳақиқий ҳажмидан мажбурий ажратмалар
4	Муддатидан олдин ва имтиёзли пенсиялар тайинланиши муносабати билан қопланадиган маблағлар
5	Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ регресс талаблар (даъволар) бўйича иш берувчилар ва фуқаролардан ундириладиган маблағлар
6	Суғурта бадаллари ўз вақтида тўланмаганлиги ва маблағ ажратилмаганлиги учун ҳисобланган жарималар ва пенялар
7	Юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари

### **3.2.2-илова**

#### **Пенсия жамғармаси харажатларининг асосий йўналишлари**

	Харажатлар
1	Фуқароларга ижтимоий таъминот органлари томонидан тайинланадиган пенсиялар
2	Болаликдан ногиронларга, давлат пенсия таъминоти хукуқига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар
3	Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари
4	Корхона тугатилганда, меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майибланган, касб касаллигига учраган ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилган ходимга зарарни қоплаш учун тўланадиган тўловлар
5	Бола туғилганда бериладиган нафақалар
6	Дафн маросими нафақалари
7	Вояга етмаган ногирон боланинг ота-оналарига қўшимча таътил учун тўлов
8	Қонун ҳужжатларига мувофиқ Пенсия жамғармасидан маблағ билан таъминланадиган бошқа ижтимоий тўловлар

Манба. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 444-сон «Ўзбекистон Республикаси Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори

### **Мавзу бўйича адабиётлар**

1. Вахобов А.А. Қосимова Г.А., Жамолов Х.Н., Ўқув қўлланма. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. «Молия». Т., 2004. 296 б.
2. Вахобов А.В. Иқтисодиётнинг ижтимоий йуналтирилганлиги ва ижтимоий фондлар. Ўзбекистон Иқтисодий ахборотномаси. 2000. №9. 32-35 б.
3. Вахобов А. Ўзбекистонда ижтимоий фондларнинг ривожланиш истиқболлари. Ўзбекистон Иқтисодий ахборотномаси. 2001. №7. 36-39 б.
4. Мысляева И.Н. Государственные и муниципальные финансы. М.: ФиС. 2003.
5. Финансы: Учебник. Под. ред. Бабича А.М., Павловой Л.Н. – М.: ФБК-ПРЕСС, 2004.
6. Финансы: Учебник. Под. ред. Ковалева. – М.: ПРОСПЕКТ, 2006.

**4****МАВЗУ**

# Ўзбекистон Республикасининг Йўл фонди

(маъруза – 2 соат, амалий машғулот – йўқ)

## Маърузани олиб бориш технологияси

<u><b>Молия кафедраси</b></u>	Ўқув курси  Бюджетдан ташқари фондлар	<i>Mavzu тартиб раками</i>
		<i>Соат</i>
<b>Талабалар сони:</b> 30 -70	<b>Таълим технологияси муаллифи</b>  Қосимова Г.А.	<b>Ўқитувчи</b>  Қосимова Г.А.
<b>Машғулот шакли</b>	<b>Мавзу бўйича маъруза</b>	
<b>Маъруза режаси</b>	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Йўл фондининг мазмунни, аҳамияти ва ташкил этиш мақсади.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Йўл фондининг шаклланиш манбалари.</p> <p>3. Республикадаги жамият аҳамиятига молик бўлган тадбирларни амалга оширишда Йўл фонди маблағларидан фойдаланиш йўллари.</p> <p>4. Йўл фондини шакллантириш ва харажатларини молиялаштиришнинг такомиллаштириш йўллари.</p>	
<b>Ўқув машғулотнинг мақсади:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Йўл фондининг молиявий фаолиятини ўргатиш</b>	
<b>Таянч тушунча ва иборалар</b>	Бюджетдан ташқари фондлар, давлат бюджети, иқтисодий фондлар, ижтимоий фондлар, мажбурий ажратма, Ўзбекистон Республикасининг Йўл фонди.	
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>	
-Ўзбекистон Республикаси Йўл фондининг мазмунни, аҳамияти ва уни ташкил этишнинг мақсадини айтиб бера оладилар, мисол келтира оладилар;	<p>– Ўзбекистон Республикаси Йўл фондининг мазмунни, аҳамияти ва уни ташкил этишнинг мақсадини айтиб бера оладилар, мисол келтира оладилар;</p>	
- Ўзбекистон Республикаси Йўл фондининг шаклланиш манбалари хақида маълумот беради;	<p>– Ўзбекистон Республикаси Йўл фондининг шаклланиш манбаларини кўрсатиб бера оладилар;</p>	

<p>- республикадаги жамият аҳамиятига молик бўлган тадбирларни амалга оширишда Йўл фонди маблағларидан фойдаланиш йўлларини тушунтиради;</p> <p>– Ўзбекистон Республикаси Йўл фондини шакллантириш ва харажатларини молиялаштиришнинг такомиллаштириш йўлларини кўрсатиб беради.</p>	<p>республикадаги жамият аҳамиятига молик бўлган тадбирларни амалга оширишда Йўл фонди маблағларидан фойдаланиш йўллари тўғрисидаги топшириқни бажара оладилар;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Йўл фондини шакллантириш ва харажатларини молиялаштиришнинг такомиллаштириш йўлларини тўғрисидаги саволларга жавоб топа оладилар.</p>
<b>Ўқитиш воситалари</b>	<i>Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска.</i>
<b>Ўқитиш усуслари</b>	<i>Маъруза, блиц-сўров, тасвири органайзерлар, ақлий тўфон, консультация бериши, пинборд техникаси.</i>
<b>Ўқитиш шакллари</b>	<i>Фронтал, коллектив ишилаши.</i>
<b>Ўқитиш шароити</b>	<i>Компьютер, проектор ва LCD панель (ёки мультимедиа проектор).</i>

## Маърузанинг технологик картаси


<b>Иш босқич-лари</b>	<b>Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни</b>		<b>Тингловчи фаолиятининг мазмуни</b>
<b>1-босқич. Мавзуга кириш. (10 мин)</b>	1.2. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.		Мавзу номини ёзиб оладилар
	1.2. Блиц-сўров усулида мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни сабаб беришни сўрайди. Блиц-сўров натижасида ўқув жараёнинидаги талабаларнинг фаоллиги оширилади.	4.1.1- илова	Блиц-сўровда иштирок этадилар.
<b>2 -босқич. Асосий бўлим. (60мин)</b>	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.		Мавзу режасини ёзиб оладилар Тинглайдилар

	<p>2.2. Маъруза режасининг 1-4 пунктлари бўйича тушунтиради, ҳар бир пункт ниҳоясида умумлаштириб боради.</p> <p>2.3. Маъруза жараёнини компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб боради.</p>		Тинглайдилар. Тарқатма материаллар тўпламида келтирилмаган қирраларини конспект қилиб борадилар.
	<p>2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор тақрорланади (Пинборд усулида). Мавзуга оид бўлмаган иборалар олиб ташланиб, керакли тушунча ва иборалар қўшилади.</p>		Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиласидилар. Барча ахборотни тизимлаштирадилар. Конспект киласидилар.
<b>3-босқич Яқунловчи (10 мин)</b>	<p>3.1. Мавзу бўйича яқунловчи хуносалар қиласиди. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлигини маълум қиласиди.</p>		Саволлар берадилар
	<p>3.2. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.</p>		
	<p>3.3. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириқлар беради.</p>		Мустақил ўрганиш учун топшириқларни ёзиб оладилар.
	<p>3.4. Мавзу бўйича билимларни чукурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради.</p>	4.1.2-илова	Ёзадилар
	<p>3.5. Кейинги мазву бўйича тайёрланниб келиш учун саволлар беради (таянч ибора ва тушунчалар).</p>		Ёзадилар

#### **4.1.1-илова**

#### **Иқтисодиётдаги солик юкининг тузилиши**

(ЯИМга нисбатан % ҳисобида)



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида.

#### **4.1.2-илова**

#### **Билимларни жонлаштириш учун саволлар (Блиц-сўров) .**

1. Ўзбекистон Республикаси Йўл фонди ҳақида нима биласиз?
2. Ўзбекистон Республикаси Йўл фонди ёрдамида қандай муаммоларни ечиш мумкин?
3. Иқтисодий фондлар тизимида Ўзбекистон Республикаси Йўл фондининг ўринини кўрсатинг.
4. Ўзбекистон Республикаси Йўл фонди фаолиятининг зарурлигини қандай ифодалаш мумкин?
5. Ўзбекистон Республикаси Йўл фонди даромадларини шакллантириш ва харажатларни оптималлаштириш йўлларини тушуниринг.

#### **4.1.3 -илова**

### **Ўзбекистон Республикасида аҳоли солиқ тўловларининг ЯИМга нисбати**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2003</b>	<b>2004</b>	<b>2005</b>
ЯИМ, млрд.сўм	100,0	100,0	100,0
Аҳолининг давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлари, млн.сўм	358,5	492,9	643,4
ЯИМга нисбатан % ҳисобида	4,8	5,1	5,3
Шу жумладан, бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар	4,3	4,5	4,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

#### **4.1.4 -илова**

### **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фондига ажратмалар ва йиғимлар ставкаси**

<b>Корхоналар, ташкилотлар ва хўжалик бирлашмалари томонидан махсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш ҳажмидан ажратмалар (ҚҚС, акциз солигини чегирган ҳолда)</b>	1,5
Тайёрлов, воситачилик, таъминот-сотиш ташкилотлари маблағлардан ажратмалар-товар айланмасидан (ҚҚС солигини чегирган ҳолда)	1,0
Савдо корхоналари, жумладан, умумий овқатланиш корхоналари томонидан ажратмалар- товар айланмасидан	1,0
Улгуржи ва чакана дорихоналарнинг ялпи даромадидан ажратмалар	1,0
Банклар, сугурта ташкилотлари, видеосалонлар, аукционлар, казинолар, видео ва аудиокассеталарни кўпайтириш, ижарага бериш, пул ютуқли автомат ўйинлар, лотерея ўйинларидан, шунингдек, оммавий концерт-томуша тадбирларнини ўтказишдан даромад олувчи корхоналар маблағларидан –даромаддан ажратмалар	1,5
Асосий фаолияти мол-мулкни лизинга бериш бўлган корхоналар маблағларидан ажратмалар – лизинг берувчи даромад (маржа) суммасидан	1,5
Курилиш, курилиш-монтаж, ремонт-курилиш ва илмий текшириш ташкилотлари томонидан маблағларидан ажратмалар-ҚҚСни чегирган ҳолда ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажмидан	1,5
Коммунал хўжалик тизими корхоналарининг маблағларидан ажратмалар-маҳсулот (ишлар, хизматлар ) сотилиши ҳажмидан, иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик энергияси, сув таъминоти корхоналари учун сув, газ таъминоти корхоналари учун табиий газнинг харид қийматини чегирган ҳолда	1,5

Автотранспорт корхоналари томонидан маблағлардан ажратмалар-ҚҚСни чегирган ҳолда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажмидан	2,5
Сотиб олинган ва вақтингачалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари қийматидан ушбу воситаларни сотиб олганлар (фойдаланувчилар) томонидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ органларида рўйхатдан ўtkазиш чоғида тўланадиган йиғимлар	
Сотиб олинган ва вақтингачалик олиб кириладиган енгил автомобилнинг нархидан йиғим	6,0
Сотиб олинган ва вақтингачалик олиб кириладиган бошқа автотранспорт воситалари: автобуслар, юқ машиналари, маҳсус автомобиллар нархидан йиғим	20,0
«Ўзавтойўл» ДАҚ корхона ва ташкилотларининг мол-мулкини сотиб олишдан тушган маблағаларнинг бюджетга тушиши лозим бўлган умумий суммасидан ажратмалар	50,0

Манба. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон қарори.

#### **4.1.5-илова**

### **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Йўл жамғармасига 2006 йилги ажратмалар ва йиғимлар ставкалари**

Корхоналар, ташкилотлар ва хўжалик бирлашмалари томонидан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиши ҳажмидан ажратмалар (ҚҚС, акциз солигини чегирган ҳолда)	1,5
Тайёрлов, воситачилик, таъминот-сотиши ташкилотлари маблағлардан ажратмалар-товар айланмасидан (ҚҚС солигини чегирган ҳолда)	1,0
Савдо корхоналари, жумладан, умумий овқатланиш корхоналари томонидан ажратмалар-товар айланмасидан	1,0
Ултуржи ва чакана дорихоналарнинг ялпи даромадидан ажратмалар	1,0
Банклар, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар, аукционлар, казинолар, видео ва аудиокассеталарни кўпайтириш, ижарага бериш, пул ютуқли автомат ўйинлар, лотерея ўйинларидан, шунингдек, оммавий концерт-томуша тадбирларнини ўтказишдан даромад олувчи корхоналар маблағларидан-даромаддан ажратмалар	1,5
Асосий фаолияти мол-мулкни лизинга бериш бўлган корхоналар маблағларидан ажратмаларлизинг берувчи даромад (маржа) суммасидан	1,5
Қурилиш, қурилиш-монтаж, ремонт-қурилиш, ва илмий текшириш ташкилотлари томонидан маблағларидан ажратмалар-ҚҚСни чегирган ҳолда ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажмидан	1,5
Коммунал хўжалик тизими корхоналарининг маблағларидан ажратмалар-маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши ҳажмидан, иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик энергияси, сув таъминоти корхоналари учун – сув, газ таъминоти корхоналари учун – табиий газнинг харид қийматини чегирган ҳолда	1,5
Автотранспорт корхоналари томонидан маблағлардан ажратмалар-ҚҚСни чегирган ҳолда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажмидан	2,5

Сотиб олинган ва вақтингчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари қийматидан ушбу воситаларни сотиб олганлар (фойдаланувчилик) томонидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган йифимлар:	
Сотиб олинган ва вақтингчалик олиб кириладиган енгил автомобилнинг нархидан йифим	<b>6,0</b>
Сотиб олинган ва вақтингчалик олиб кириладиган бошқа автотранспорт воситалари: автобуслар, юк машиналари, махсус автомобиллар нархидан йифим	<b>20,0</b>
«Ўзавтойўл» ДАК корхона ва ташкилотларининг мол-мулкини сотиб олишдан тушган маблағларнинг бюджетта тушиши лозим бўлган умумий суммасидан ажратмалар	<b>50,0</b>

Манба. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги 244-сон қарори.

#### 4.1.6-илова

### Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Йўл жамғармасининг 2005 йилги асосий параметрлари

(млн. сўмда)

<b>Кўрсаткичлар</b>		<b>Микдори</b>
<b>Даромадлар</b>		
<b>1</b>	<b>Автомобил йўлларидан фойдаланувчилардан мажбурий ажратмалар</b>	<b>149619,5</b>
	Жумладан:	
1.1	Корхоналар, ташкилотлар ва хўжалик бирлашмалари томонидан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиши ҳажмидан ажратмалар (ҚҚС, акциз солигини чегирган ҳолда)	114543,5
1.2	Тайёрлов, воситачилик, таъминот-сотиши ташкилотлари маблағлардан ажратмалар- товар айланмасидан (ҚҚС солигини чегирган ҳолда); савдо корхоналари, жумладан, умумий овқатланиш корхоналари томонидан ажратмалар-товар айланмасидан; улгуржи ва чакана дорихоналарнинг ялпи даромадидан ажратмалар	28557,8
1.3	Банклар, сугурта ташкилотлари, видеосалонлар, аукционлар, казинолар, видео ва аудиокассеталарни кўпайтириш, ижарага бериш, пул ютуқли автомат ўйинлар, лотерея ўйинларидан, шунингдек, оммавий концерт-томуша тадбирларнини ўтказишдан даромад олувчи корхоналар маблағларидан - даромаддан ажратмалар	6518,2
<b>2</b>	Автотраспорт корхоналари томонидан маблағлардан ажратмалар-ҚҚСни чегирган ҳолда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажмидан	<b>2999,8</b>
<b>3</b>	Сотиб олинган ва вақтингчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари қийматидан ушбу воситаларни сотиб олганлар (фойдаланувчилик) томонидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган йифимлар	<b>12206,3</b>

	<b>Жумладан:</b>	
3.1	енгил автомобилнинг нархидан йифим	9303,4
3.2	бошқа автотранспорт воситалари: автобуслар, юк машиналари, махсус автомобиллар нархидан йифим	2902,9
<b>4</b>	Чет эл давлатларидан Ўзбекистон Республикаси территорииясига кириб келган автотранспорт воситалари учун тўлов	<b>7395,4</b>
	<b>Жами даромадлар</b>	<b>172221,0</b>
	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Микдори</b>
	<b>Харажатлар</b>	
1	Умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини лойиҳалашибтириш харажатлари	2450,0
2	Умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш харажатлари	31500,0
3	Умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини ремонт қилиш ва сақлаш харажатлари	109944,0
4	Умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини сақлаш учун машина ва механизмларни сотиб олиш харажатлари	8500,0
5	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Йўл жамғармасининг бошқарув аппарати харажатлари	274,0
6	«Ўзавтойўл» ДАК марказий бошқарув аппарати харажатлари	250,0
7	«Ўзавтойўл» ДАК худудий йўл-қурилиш корхона ва ташкилотларининг бошқарув аппарати харажатлари	1450,0
8	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарори бўйича резерв харажатлар	7573,0
9	Тошкент шаҳрининг айланма йўлларини реконструкция қилиш харажатлари	10000,0
10	Бошқа жорий харажатлар	280,0
	<b>Жумладан:</b>	
10.1	Республика йўл жамғармалари ўртасидаги ўзаро шартномаларни бажариш, ДБҚ ва банк ходимларини божхона постларида валюта тушумларини йиғиш ва назорат қилиш харажатлари	280,0
	<b>Жами даромадлар</b>	<b>172221,0</b>

Манба. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон қарори.

## **4.1.7-илова**

### **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг асосий вазифалари**

**Республика йўл жамғармаси маблағлари тушиши ва сарфланишининг ҳар  
йиллик ва чораклик балансларини шакллантириш.**



Инвестиция лойиҳаларининг техник  
иқтисодий асослашларини ҳамда умумий фойдаланиладиган автомобиль  
йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича  
тендер жужжатларини экспертизадан ўтказиш.



Йўл хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва  
жиҳозлашнинг аниқ рўйхатларини белгиланган тартибда келишиш.



Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларидан фойдаланиш ва уларни  
сақлаш бўйича харажатлар сметаларини рўйхатдан ўтказиш



Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш,  
таъмирлаш ва жиҳозлашни тасдиқланган харажатларга мувофиқ  
молиялаштириш, Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлиги ва  
мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш.

## 4.1.8-илова

### Ўзбекистон Республикаси 2005-2006 йилги Давлат бюджетининг харажатлари таркиби

<b>Давлат бюджети харажатлари</b>	<b>2004 Йил</b>	<b>2005 Йил</b>	<b>2006 Йил</b>
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш харажатлари	1305416,5	1723777,2	2155663,9
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига дотация	-	28563,9	50000,0
Иқтисодиёт харажатлари	367022,5	461434,6	557508,3
Марказлашган давлат капитал қўйилмаларни молиялаштириш харажатлари	300000,0	363451,8	395000,0
Давлат ҳокимияти, давлат бошқарув органлари, суд органларини харажатлари	524238,2	97445,7	116063,0
Вазирлар Маҳкамасининг резерв фонди	41300,0	16346,3	19450,0
Бошқа харажатлар	659557,7	771051,5	969584,0
Харажатлар	2743230,0	3462070,9	4263269,3
Бюджетдан ташқари мактаб таълими харажатлари	-	145740,7	190000,0
Мақсадли фондлар харажатлари	936386,6	1245437,2	1501175,8
<b>Жами харажатлар</b>	<b>3679616,7</b>	<b>4853248,8</b>	<b>5954445,1</b>

Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон «Ўзбекистон Республикаси 2005 йил Давлат бюджетининг асосий мақроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрлари тўғриси» даги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий мақроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 244-сон Қарори.

## **4.1.9-илова**

### **Мавзу бўйича адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 244-сон Қарори. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2005 йил.

2. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 362-сонли «Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағларни тақсимлаш, тушумларни ҳисобга олиш ва уларни ишлатилишини назорат қилишнинг тартибини тасдиқлаш тўғрисида» ги Қарори.

3. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 октябрдаги 481-сон «Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ишлатилишини такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори.

4. Каримов. И. Мирная жизнь и безопасность страны зависят от единства и твердой волы нашего народа. Узбекистан. НМИУ. 2004.

5. Каримов И. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий баркарорлик тўғрисида. Т., Ўзбекистон. 2005. 526 б.

6. Годин А.М., Максимова Н.С. Бюджетная система Российской Федерации. / Учебник. - М.: Дашков и К. 2005.

7. Финансы: Учебник. Под. ред. Ковалева. – М.: ПРОСПЕКТ, 2006.

8. Қосимова Г.А., Муроджўжаева Т. Мақсадли жамғарма: унинг жамиятдаги ижтимоий аҳамияти нимада?// Мулкдор. 2006 йил. 2 июн. 22(605)-сон. 5 б.

# 5

МАВЗУ

## Ўзбекистон Республикасининг иш билин таъминлашга кўмаклашувчи жамғармаси

(маъруза – 2 соат, амалий машғулот – 2 соат)

### Маърузани олиб бориш технологияси

<u>Молия кафедраси</u>	Ўқув курси Бюджетдан ташқари фонdlар	<i>Мавзу тартиб рақами</i> 5
<i>Талабалар сони:</i> 30 -70	<i>Таълим технологияси муаллифи</i> Қосимова Г.А.	<i>Соат</i> 2
		<i>Ўқитувчи</i> Қосимова Г.А.

Машғулот шакли	Муаммоли – маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	<p>1. Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарманинг моҳияти ва аҳамияти.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарманинг ташкил этишининг асосий мақсади.</p> <p>3. Республикада ишсизликнинг олдини олиш ва унинг салмоғини камайтириш бўйича олиб борилаётган молиявий сиёsat стратегияси ва тактикаси.</p> <p>4. Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарманинг молиявий ресурсларининг шаклланиш манбалари.</p> <p>5. Мехнат бозори, унинг шаклланиши ва иш ўринларини яратишдаги аҳамияти.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғармасидан фойдаланиш йўллари.</p>
<i>Ўқув машғулотнинг мақсади:</i>	<i>Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарманинг молиявий фаолиятидаги муаммони ҳал этиши</i>
<i>Таянч тушунча ва иборалар</i>	Давлат бюджети, меҳнат ресурслари, бюджетдан ташқари фонdlар, давлат мақсадли жамғармалари, ишсизлик нафақаси, ижтимоий ҳимоя, ялпи ички маҳсулот, меҳнат бозори, жамланган бюджет.

<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғарманинг мөхияти ва аҳамиятини ёритиб беради;	- Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғарманинг мөхияти ва аҳамиятини ёритиб беради;
– Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғармани ташкил этишнинг асосий мақсадини кўрсатиб беради;	– Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғармани ташкил этишнинг асосий мақсадини тушунтириб беради;
– Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғарманинг молиявий ресурсларининг шаклланиш механизмини таҳлил қиласди;	– Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғарманинг молиявий ресурсларининг шаклланиш механизмини ёритиб беради;
-Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғармасидан фойдаланиш йўлларини асослайди;	– Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғармасидан фойдаланиш йўлларини кўрсатиб берадилар.
– мазкур муаммони ечиш учун кичик муаммоларни топади;	– мазкур муаммони ечиш учун кичик муаммоларнинг ечимини топадилар;
– мавзуга оид кичик муаммоларнинг ечимини, умуман муаммони ечимини аниқлайди;	– мавзуга оид кичик муаммоларнинг ечимини, умуман муаммони ечимини топадилар;
– муаммони ечимини берадиган турли варианtlарни баҳолайди.	– муаммонинг ечими сифатида турли варианtlарни тақдим қиласди.
– мавзуга оид муаммо бўйича якуний хуносани шакллантиради.	–

### **Мустақил тайёрланиш учун топшириқлар**

- 1.Қисқа маъруза матни билан танишиш.
- 2.Муаммонинг ечимини берадиган кичик муаммоларни назарий асослаш.
- 3.Ўзбекистон Республикаси шаротида иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғарманинг даромадларини шакллантириш механизмини тушунтириш.
- 4.Ўзбекистон Республикасида Иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғарманинг фаолиятини такомиллаштиришни кўрсатиш.
- 5.Баҳолаш усули методи билан энг мақбул вариантни таклиф этиш.
- 6.Тест ечиш.

<b>Баҳолаш шакли:</b> <b>Оғзаки сухбат, ёзма равища тест ечиш, рефератни баллик баҳолаш.</b>	<b>Максимал 5 балл.</b> <b>Хақиқий балл _____</b>	<b>Маърузачининг имзоси</b>
---	--	-----------------------------

## Маъruzанинг технологик картаси

Иш босқич лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Изоҳ	Талаба фаолиятининг мазмуни
	1.1. Ўқув режасидаги мавзуни айтиб, умумий тасаввурни беради ҳамда муаммоли маъruzанинг услугубий ва ташкилий томонлари, талабалар билимларини баҳолаш мезонлари билан таништиради.		Тинглайдилар
	1.2. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади, ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.		Мавзу номини, режасини ёзиб оладилар
	1.3. Блиц-сўров усулида мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни санаб беришни сўрайди.		Тушунчаларни санаб ўтадилар
	3.1. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириклар беради.		Мустақил ўрганиш учун топширикларни ёзиб оладилар.
	3.2. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради		Ёзадилар
	3.3. Кейинги мазву бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради (таянч ибора ва тушунчалар).		Ёзадилар
	3.4. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қиласи ва баҳолайди.		

### 5.1.1-илова

#### **«Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғармаси» мавзусида қисқа маъруза матни**

Республикамида кишиларнинг меҳнат қилиш хуқуқи, тадбиркорлик билан шуғулланиши, имконияти ҳамда ўз меҳнатидан даромад олиш хуқуқи меҳнаттага яроқли аҳолининг иш билан бандлиги муаммосини ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ эканлиги кўрсатиб берилди.

Республикамида давлатнинг қўлида миллий бойликнинг бир қисми бўлганлиги сабабли, шу маблағлар хисобидан аҳолини

ижтимоий ҳимоясини таъминлайди, лекин ижтимоий сиёсат ҳозирги реал вазиятни, албатта ҳисобга олиши керак, чунки ижтимоий сиёсат ижтимоий тизимдаги ўзгаришларга мослашувчан бўлгандагина бундай сиёсат фаол бўлади. Бозор иқтисодиёти ривожланган сари иқтисодиётнинг нодавлат секторининг малакали ишчи кучига талаби ошади. Шу боис малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига, инфляция таъсиридан аҳоли харид қобилиятини ҳимоя қилиш, нарх ошишидан аҳоли кўрадиган зарарни аҳоли даромадини ошириш орқали қоплаш мумкин. Аҳолига ишсизлик учун бериладиган нафақаларга ажратилган молиявий маблағларни аҳолини ишга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун, меҳнат қилишга қайтариш учун субсидиялар, дотациялар кўринишида бериш ўз самарасини кўрсатиши мумкин.

Биринчидан, ижтимоий сиёсат фақатгина ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда меҳнат қилиш қобилиятини йўқотганлар, ёшлар ва қарияларни ҳимоя қилмасдан, у табақаланиш жараёнини юматиши, сиёсий барқарорликка кафолат бериши лозим, ижтимоий сиёсат иқтисодий аҳволдан келиб чиқиши, иқтисодий ўсишни рағбатлантириши, иқтисодиётга кучли таъсир кўрсатиши, ҳозирги реал вазиятни ҳисобга олиши, ижтимоий сиёсат фаол бўлиши мақсадга мувофиқ деб биламиз. Иккинчидан, республикамизда аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-куватлашда, маҳсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керакки, бу аҳолининг айrim қатламларига йўналтирилган мақсадли дотациялар асосида молиялаштириши лозим деб ўйлаймиз.

Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсат олиб борилар экан, Президентимиз кўрсатмалари бўйича қуйидаги муаммоларга алоҳида эътибор берилади:

- ✓ иқтисодиётнинг социал соҳаларини, социал инфратизимни ривожлантириш;
- ✓ таълимни, соғлиқни сақлашни, спортни ривожлантириш бўйича дастурларни амалга ҳолда этиш;
- ✓ ишсизликка қарши курашиш, меҳнатга қобилиятли аҳолини иш жойлар билан таъминлаш муаммоларини ечиш;
- ✓ кам таъминланган оиласаларни кучли ижтимоий ҳимоялаш.

Иш билан банд бўлган аҳолини таркибий жиҳатдан қайта тақсимлаш ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшларни фаолиятининг янги илғор тармоқларга ва соҳаларга жалб қилиш меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг хусусиятларидир. Ҳозирги қишлоқ хў-

жалигига барча ижтимоий ишлаб чиқариш ходимларининг учдан бир қисмидан кўпроғи банд. Уларни бўшатиб олиш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига йўналтириш, таркибий ўзгаришлар қилиш ҳамда уни жадал ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб беради. Шунинг учун ҳам ҳозир республикада ҳар бир фуқарога меҳнат фаолиятининг тури ва шаклини эркин танлаш учун чинакам имкониятлар яратилмоқда.

Ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш учун уларнинг жисмоний имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларни ўқитиш, қайта ўқитиш ва ишга жойлаштириш ташкил этилди. Ногирон болаларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан реабилитация қилиш бўйича болалар ногиронлигини олдини олишни, уларга мадад бериш ва меҳнат қобилиятини тиклашни, касбга ўргатиш ва ишга жойлаштириш кўзда тутилган маҳсус давдат дастури ишлаб чиқилди.

Меҳнат бозорини шакллантириш, янги иш жойларини барпо қилиш ва аҳолини иш билан бандлигини оқилона таъминлаш-фаол ижтимоий сиёsatнинг асосий йўналишлариdir. Бу борада ишсизликнинг олдини олиш, меҳнатга яроқли ҳар бир фуқаро ўз меҳнатидан даромад топиб, ўз эҳтиёжларини қондириши, ўз турмуш дараҷасини, оиласи ва болалари фаровонлигини ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси барча даражадаги ҳокимликлар билан биргаликда 2000-2005 йилларда, аввало, қишлоқ жойларда, ислоҳотлар давомида қишлоқ хўжалигидан бўшаб келаётган ортиқча ишчи кучларни жалб этишни ҳисобга олган ҳолда, молиявий манбалар мустаҳкамланган янги иш жойлар барпо этилмоқда. Шу билан бирга жойларда ишсиз сифатида рўйхатга олинган кишилар ҳудудларни ободонлаштириш, йўллар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш каби ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларига жалб этилмоқда.

Республикамизда ислоҳотларнинг иккинчи босқичида хотин-қизларни, айниқса, оналарни меҳнат билан банд қилиш ва уларнинг саломатлигини яхшилаш масалаларини ижтимоий сиёsatнинг муҳим йўналиши сифатида ҳал этиш вазифаси қўйилди. Шу боисдан соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Янги демократик жамиятни қуриш, ислоҳотларнинг тақдирни, халқнинг интеллектуал кучига, ёшларнинг маданий ва профессионал савиясига эгалигига боғлиқ. Шу боисдан таълим тизимини қайта қуриш муҳим аҳамият касб этади. Бу янги ти-

зим маънавий жиҳатдан етук комил инсонни тарбиялашга хизмат қиласиган бўлиши лозим.

Ижтимоий барқарорликка давлатнинг ижтимоий сиёсатининг йўналишлари орқали эришилиши маълумдир. Иқтисодий адабиётларда кўрсатилишича, ижтимоий сиёсатни асосий йўналишлари қўйидагилар ҳисобланади:

1. Фуқороларнинг иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, касб ва меҳнат соҳасини эркин танлаш бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш. Меҳнатга лаёқатли аҳолини ўзи меҳнат фаолияти шаклини эркин танлаш ҳуқуқидан фойдалана бориб, ўзини ва ўз оиласини моддий жиҳатдан зарур даражада таъминлаши, оиласининг фаровонлиги, соғлом авлодни камол топтириш учун жавобгар бўлиши керак.

2. Ижтимоий муҳофазалаш аниқ ва мақсадли йўналтирилган бўлиши керак. Аҳолини турли қатламларига алоҳида-алоҳида ёндашиш – ижтимоий муҳофаза янги тизимининг ўзига хос хусусияти бўлиб қолмоғи лозим.

Самарали ижтимоий муҳофазалаш деганда, жамиятнинг ҳар бир аъзосига маълум турмуш даражасини, ўз қобилиятини (меҳнат, тадбиркорлик, шахсий) ривожлантириш ва улардан фойдаланиш, у ёки бу қобилиятлар йўқотилган тақдирда (кексалар, ногиронлар, касаллар, болалар ва бошқалар) кафолатларни таъминлайдиган иқтисодий муносабатлар тизими тушунилади.

Ижтимоий муҳофаза мазмунини аниқлашга бундай ёндашилганда қўйидаги кафолатлар унинг таркибий қисмларига айланади:

✓ меҳнатга лаёқатлилар учун иш билан бандликни таъминлаш (ишсизликдан муҳофаза қилиш);

✓ меҳнатга лаёқатсизлар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий заиф гуруҳларини нафақалар билан таъминлаш;

✓ меҳнат фаолиятидан олинган даромад ёки нафақа асосида нормал турмуш даражасини таъминлаш (бунга асосий моддий бойликлар, энг аввало, озиқ-овқат маҳсулоти истеъмоли ҳам киритилади);

✓ турар-жой маданий хизматлар ва соғлиқни сақлаш хизматларини минемал тенг меъёрда таъминлаш;

✓ замонавий малакалий ишчи қучини шакиллантириш учун зарур бўладиган маълумотни олиш.

Ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим мезони иш билан бандликка боғлиқ муносабатлардир. Иш билан бандлик

ижтимоий сиёсатнинг ажралмас қисми деб қаралади. Иш билан бандлик муаммосининг ижтимоийлиги унинг аввал бошдан инсонга, унинг манфаатларига ва меҳнат соҳасидаги эҳтиёжларига қаратилганлиги билан белгиланади.

Ижтимоий сиёсатнинг бошқа жиҳатлари билан бирга қўшиб қаралганда иш билан бандлик ривожланишининг асосий йўналишларидан бири деб қаралиши керак, Ушбу йўналишлар миллий иқтисодиётдаги молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларини қайта гурухларга ажратишни, фан-техника тараққиётининг устивор йўналишларини, шунингдек, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, турмуш сифати даражасини ошириш йўлларини белгилаб беради. Бу ғоят муҳим муаммолардан бири бўлиб, иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилиш, бинобарин, бутун иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг муваффақияти ана шу муаммони эътироф қилиш ва ҳал этишга маълум даражада боғлиқдир.

Иш билан бандликнинг тўрт жиҳатини ҳисобга олиш керак бўлади:

- иш билан бандлик инсоннинг Конститутцияда белгилаб берилган энг муҳим ҳуқуқи-меҳнат ҳуқуқи билан мустаҳкам боғлиқлигидир;
- иш билан бандлик – ҳозирги кунда меҳнат фаоллигини ошириш, меҳнатга қобилиятли фуқаролар ва уларнинг оиласаларини турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим кафолати эканлигидир;
- ҳар кимнинг ва жамият фаровонлигининг негизи бўлган юқори унумли меҳнатни шакллантирилишидир;
- меҳнат фаолияти инсонни ўзгартириши, унинг касбий имкониятларини очиб бериши ва кўпайтириши ҳамда шахснинг ривожланишини рағбатлантирилишидир.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида иш билан бандликнинг асосий хусусиятлари қўйидагилардан иборат бўлади:

- ✓ иш билан тўлиқ ва самарали бандликни бирга қўшиб олиб боришни балансли ҳолга келтириш;
- ✓ меҳнат самарадорлигини ошириш йўлида уни тармоқлари, соҳалари, касблар ва ҳудудлар ўртасида ишчи кучининг эркин ҳаркатини шакллантириш;
- ✓ янгича меҳнат, тадбиркорлик ва ходимларнинг юқори унумли меҳнат қилишдан кучли манфаатдорлигини таъминлаш;
- ✓ бозор иқтисодиётининг салбий оқибатларидан меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб, аниқ мақсад билан ҳимоялаш;

▼ меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги ва меҳнат соҳасида инсон ҳуқуқлари ҳамда вазифаларнинг уйғунлашуви, ходимларнинг ижтимоий боқимандалигига барҳам бериш, муносиб турмушни таъминлайдиган иш топиш имконияти учун фуқаро билан давлатнинг баравар масъулият юкланганлигидир.

Бу хусусиятлар иш билан бандликнинг янги сифат хусусиятларини белгилаб беради, уларнинг шаклланишига тегишли иш билан бандлик сифатига мос келиши лозим. Биз иш билан бандликни ва ижтимоий сиёсатини қўйилган мақсадларга эришиш учун жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиш чоралари мажмуи сифатида қараймиз. Бунда иш билан бандлик сиёсатининг мақсадлари иш билан бандликнинг норматив ҳолатини акс эттириши керак, ҳозирги кун муаммолари ни ҳал қилиш билан бундай ҳолатга эришиш мумкин.

Иш билан бандлик сиёсати бир неча даражага эга: умумдавлат, минтақавий ва маҳаллий даражалардир.

Умумдавлат иш билан бандлик сиёсати ижтимоий бозор иқтисодиётидаги иш билан бандликнинг асосий хусусиятларини шакллантиришга: фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш ва юқори турмуш даражасига эришишнинг зарур шарти бўлган иш билан тўлиқ бандликни таъминлашга қаратилганлигидир.

Маълумки, бозор иқтисодиёти бошқарув усулларида иқтисодиёт самарадорликни оширишга, хўжалик юритиш соҳаси иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган иш ўринларини сиқиб чиқаришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва аҳолининг исътемол талабини қондириш учун иш кучини қайта гурухларга бўлишга қаратилганлигидир. Бундай шароитда иш билан тўлиқ бандликка кўмаклашиш давлатнинг стратегик мақсади бўлиб қолади. Энг яқин тактик мақсад иш ўринларига бўлган талаб ва таклфни баланслаштиришdir. Бунга фақат ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф балансли бўлишига эришиш шартларига комплекс ёндашув билан эришиш мумкин. Бу муаммони ечишда, кўпинча, оммавий ишсизликнинг олдини олишнинг зарур шарти бўлган иш ўринлари тизимини ривожлантиришга эътибор берилади.

Ишсизлик ва у билан боғлиқ муаммолар меҳнат бозоридаги ижтимоий меҳнат муносабатларининг асосий мазмунини ташкил қиласи. Ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад аҳолининг иш билан бандлигини яхшилаш орқали мамлакатда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхши-

лашга алоқадор чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат. Жамиятдаги ишсизлик даражасини пасайтириш учун қўшимча ишчи ўринларни яратиш, уларни ишга тушириш аҳолининг табиий ўсишидан орқада қолмаслиги керак.

Маълумки, Ўзбекистон дунё ҳамжамияти давлатлари ўртасида аҳолининг жадал ўсиб бораётганлиги билан ажralиб турди. Республикаиз аҳолиси сони ҳар йили ўртacha 550-600 минг кишига, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони эса 250-300 минг кишига кўпаймоқда. Бундай вазият ўз навбатида, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, бунинг учун эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш борасида узлуксиз иш олиб боришни тақозо этади. Акс ҳолда, аҳолининг турмуш даражасининг пасайиб бориши, мамлакатда ишсизлар сонининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар келиб чиқиши керак.

Иқтисодий нуқтаи назардан ишсизлик деганда – ишчи кучининг иш жойи билан таъминланмаганлиги ва натижада, унинг бирон-бир қонуний даромад манбаига эга бўлмаслигининг муайян ҳолати тушунилади. Одатда, «ишсизлик» тушунчаси БМТ, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш жамияти талабларига кўра ишлаб чиқилади.

Халқаро ташкилотларнинг берган таърифига кўра, «ишсиз шахслар» деганда – ишга эга бўлмаган, ишлашга тайёр ва иш излаётган фуқаролар тушунилади. Мана шу асосий шартларга риоя қилган ҳолда, турли мамлакатларда фуқарони ишсиз шахс, деб эътироф этиш учун қўшимча шартлар талаб этилади.

Масалан, Америка Кўшма Штатларида, сўнгги бир ҳафта мобайнида иш билан банд бўлмаган, сўнгги тўрт ҳафта давомида ишга жойлашишга ҳаракат қилган, меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган фуқаролар, ишсиз шахс деб эътироф этилади.

Японияда ишсиз шахс деб, сўнгги бир ҳафта давомида бир соат ҳам ишламаган, Буюк Британияда эса, сўнгги, бир ҳафта мобайнида ишламаган, шу давр мобайнида иш қидирган ёки касаллиги туфайли иш қидириш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар тушунилади. Айрим мамлакатларнинг қонун ҳужжатларига биноан, ишсиз деб, ишдан бўшатилган ва меҳнат стажига эга бўлганлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунига биноан ишсиз шахс деб, «ўн олти ёшдан бошлаб, пенсия билан таъминлаш ҳуқуқини олишгача ёшдаги меҳ-

натга қобилиятли, ишга ва иш ҳақига эга бўлмаган, иш қидиувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, мамлакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахслар эътироф этилади»<sup>1</sup>.

Республикамида ижтимоий ёрдам тизимини ҳуқуқий асосда барпо этиш ва бу борадаги қонунларнинг ижро этилишини таъминлаш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари асосий қонунимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясида ижтимоий соҳаларни ривожлантириш ва аҳолининг кенг қатламларини, энг аввало, унинг ночор гуруҳларини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш чора-тадбирларини кўриш зарур деб қаралди, чунки мамлакатдаги ижтимоий барқарорликка давлатнинг ижтимоий сиёсатининг йўналишлари орқали эришилиши маълумдир.

Кучли ижтимоий сиёсат мураккаб ўтиш даврида одамларнинг манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилишдангина иборат эмас. Бу энг аввало, сермаҳсул меҳнат қилиш учун яхшироқ рағбат ва имкониятлар яратишдан, иқтисодий йўл танлаш ва фаолият кўрсатиш эркинлигидан бўлган кафолатли ҳуқуқни қарор топтиришдан, аҳолининг меҳнат ва ижтимоий фаоллигини оширишдан иборат.

Ислоҳотларнинг энг муҳим вазифаларидан бири бир киши меҳнатининг қадрини ошириш, унинг ижодий фаолият кўрсатиш имкониятларини намоён этиш учун шароит яратишдан иборат. Ўз ижодий қобилияtlари ва имкониятларига таянишни назарда тутган муносабатлар ҳар бир киши фаровонлигининг ягона ва барқарор манбаидир. Меҳнат қилиш ҳуқуқи, тадбиркорлик билан шуғулланиш имконияти ҳамда ўз меҳнатидан даромад олиш ҳуқуқи меҳнатга ярокли аҳолининг иш билан бандлиги муомаласини ҳал этиш билан боғлиқ.

Соҳибқирон “Амир Темур тузуклари”да шариат қонунларига риоя қилиш асосида давлатни идора қилишнинг 12 тамойили берилган, жумладан фуқароларнинг аҳолидан хабардор бўлиш, тинчликни ва осойишталиктини, ободончиликни авж олдириш Амир Темур давлатининг бош хусусияти бўлган. Амир Темур таъкидлаганидек, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш миллатнинг улуғ

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни. З-модда.

мартабасини, саодатини сақламоқ миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ барчамизниң муқаддас бурчимиздир.

Республикамида Она тўғрисида, унинг фарзанди тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатимизниң муқаддас бурчиридан. Бу борада, энг аввало, соғлиқни сақлаш бутун тизимини ва унинг асосий бўғини - кўп соҳали туман касалхоналари ҳамда қишлоқ тиббиёт муассасаларини ривожлантириш, уларни техника билан таъминлаш зарур. Ўзбекистонда кенг қўламли янгиланиш ва тараққиёт ўзгаришларини кучли ва соғлом кишиларгина амалга оширишга қодирлар.

Айтмоқчимизки, бизнинг республикамида бозор иқтисодиётига ўтиш – шунчаки мақсад эмас у инсон учун, унинг ҳаёти фаровон бўлиши, манфаатлари ва эҳтиёжлари рўёбга чиқишига шароит яратиш учун амалга оширилади. Бу ижтимоий сиёсатнинг бизнинг республикамида алоҳида аҳамиятга эгалиги фақат иқтисодий вазиятларгагина боғлиқ эмас, балки соғлом авлодни тарбиялаш ҳақида, кўп болали ўзбек оиласига мадад бериш ҳақидаги ғамхўрлик ҳам, халқнинг маънавий қадриятларига асосланган ҳолда кексаларга, ҳимоясизларга, анъанавий ёрдам бериш эҳтиёжи билан боғлиқдир.

Аҳоли турмуш даражаси тушунчасини уларнинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда кишилар эҳтиёжини шу неъматлар билан қондирилиш даражаси сифатида аниқланади. Шунга кўра, аҳоли турмуш даражасига таъсир этувчи омилларни кўриб чиқиш мумкин (-чизма).

Иқтисодиётда бозор қонунлари ва талабларига мувофиқ равишида рўй берадиган ўзгаришлар иш билан бандлик концепциясининг ўзгаришини келтириб чиқаради. Мулкчилик муносабатлари бирламчидир, улар иккиласми ишлаб чиқариш муносабатлари сифатида намоён бўладиган иш билан бандлик муносабатларини белгилайди. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқилаётган иш билан бандлик янги концепциясида уйда, уй хўжалигида бажариладиган меҳнат фаолияти шаклларини мутлақо қонуний ва ижтимоий эътироф этилган шакллар сифатида кўрсатилади.

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда давлатнинг узоқ муддатли стратегияси мавжудлиги бозор иқтисодиётининг эҳтиёжларига жавоб берадиган иш билан бандлик замонавий кўринишнинг қарор топиши юз бўрмоқда (-чизмага қаранг).

Инглиз олими Жон Мейнард Кейнс бозор иқтисодиётини тартибга солишига давлат аралишиши зарурлигини асослаб чиқди. Ж. Кейнс назариясида бизни унинг маҳсулотлар нархи турли омиллар

таъсири остида шаклланиб бориш жараёнини тушунтириши қизиқтиради. Ўзининг «Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» асарида Ж. Кейнс ялпи талабнинг ялпи таклифга тенглиги тўғрисидаги «Сэй қонуни»ни танқид қилиб, бозор ўзини-ўзи тартибга сола оладиган кўнгилдагидек механизм бўла олмайди, у самарали талабни таъминлашга қодир эмас, чунки бозор субъектларининг даромадлари ундан юқорироқ бўлади, деб таъкидлайди. Шу боис Кейнснинг фикрича, давлат кредит-пул ва бюджет сиёсати ёрдамида тўловга қобилиятли талабнинг ошиб боришини рағбатлантиришга аралашиб бориши зарур.

Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсатида ҳам, ахолини ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим шарти сифатида ҳам иш билан бандлик ва ишсизликдан ҳимоялаш сиёсатини давлат бюджетидан молиялаштириш дунёдаги кўргина ривожланган мамлакатларнинг бой тажрибасига асослангандир. Аммо бу тажрибаларни кўпчилиги Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсатининг туб моҳиятига такомиллаштирилиши керак.

Ўзбекистонда ишсизликнинг кескин кўпайиши иш билан бандлик сиёсатининг нормал эволюцияси йўлидан изчил боришига вақт қолдирмайди. Шунинг учун, иш билан бандликни таъминлашнинг хилма-хил дастурлари мўлжалланганларни давлатнинг ҳақиқий молиявий имкониятларини яхшилаб, мувофиқлаштириб олмай, иш билан бандлик ишининг барча йўналишларини бир йўлга қамраб олишга эътибор қаратилмоқда.

Куйидаги чизмада келтирилган ахолини иш билан бандлик сиёсатининг асосий йўналишлари иш билан бандлик сиёсатининг тарихий-мантиқий тасвирини беради. Аслини олганда, мамлакатда иш билан бандликнинг фаол сиёсатидан олдин яхши йўлга қўйилган ишсизларни ҳисобга олиш, рўйхатга қўйиш, ишсизларни самарали қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни ижтимоий ҳимоялаш услублари амалга оширилиши зарур. Мазкур чора-тадбирларга йўналтирилган маблағларнинг самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

## Аҳолининг иш билан бандлик даражасини яхшилашнинг йўналишлари



Бизнинг фикримизча, энг аввало, иш билан бандлик сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган молиявий маблағларни мувофиқ тарзда тақсимлаб, меҳнат бозорини тартибга солишнинг умумдавлат ва минтақавий соҳаларини белгилаб олиш керак. Маҳаллий меҳнат бозорини таҳлил қилиш асосида ажратилган маблағларнинг ҳар бир сўмини иш билан бандликнинг ўсиши кўринишидаги самара билан қайтиши уни қаерга йўллаш кераклигини аниқлаш керак бўлади. Иш билан бандлик сиёсатини амалга ошириш усувлари ҳам қайта кўриб чиқилиши керак.

Маъмурий усуллар меҳнат бозори ишига бевосита, баъзида ҳатто бозор механизмини бузиб аралашувни назарда тутади. Тартибга солишининг иқтисодий усуллари буйруқ берадиган эмас, тавсиявий, рағбатлантириш усуллари асосида амалга ошади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш тамоилилар асосида бўлиб, унда маълум даврда иқтисодиётни бошқаришда давлат томонидан тартибга солишининг устиворлиги назарий ҳамда амалий жиҳатдан муҳим ўрин эгаллади ва шу билан бу бозор иқтисодиётида ўз-ўзини бошқариш ғоясини ҳам инкор этмади.

Шундай қилиб, иш билан бандликни тартибга солишининг фаол иқтисодий усулларига қўйидаги тадбирларни киритиш мумкин:

- мамлакатдаги иқтисодий вазиятни умумий соғломлаштиришда Давлат бюджетининг ўрнини ошириш, инвестицион фаолликни рағбатлантириш, барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсишга эришиш;
- иқтисодиётда нодавлат секторларни ривожлантириш ва кенгайтириш учун шарт-шароитларни яратиш, жумладан, хусусий бизнес ва ўз-ўзини иш билан банд қилишни қўллаб-қувватлаш;
- иш билан бандликнинг оқил тузилмасини яратиш мақсадида касбий ўқитиш, қайта тайёрлаш ва маслаҳат беришни таъминлаш.

Юқоридагилардан қўриниб турибдики, бу вазифаларни амалга ошириш бугун ҳам, келажакда ҳам муҳим омил ҳисобланади. Аҳолини иш билан таъминлаш ишсизлик даражасининг камайишига ва республикамиизда кучли ижтимоий сиёsatни олиб боришга имкон беради.

Республикамиизда «ходимнинг иш жойига ва бажараётган иш хусусиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда, иш вақтида ўқиши давом этириш ҳуқуқи берилиши нафақат ишлаб чиқариш заруриятидан, балки, шахснинг ўзининг манфаати ҳамда ўзининг эҳтиёжи учун керак бўлади»,<sup>1</sup> бунда ишсизларнинг мактабда олган бошланғич билимларига мос равишда дастурлар тузилади, шу йўл билан давлат уларга таълим олиш имкониятини яратади.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонуннинг «Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёsatининг асосий принциплари» номли 5-моддасида тарькидланганидек, «давлат иш қидираётган ва меҳнат органларига мурожаат қилган фуқароларни янги касбга бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув

<sup>1</sup> Худойбердиев З. Профессиональная подготовка кадров: как это делается в западноевропейских компаниях? Экономический вестник Узбекистана. 2001. № 11. 42стр.

юртларида стипендия тўлаб малакасини оширишни кафолатлади»<sup>1</sup>.

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш чора-тадбирларини молиялаштириш ва меҳнат органларини самарали фаолият кўрсатиши учун Давлат бюджети таркибида жамлантириладиган мақсадли «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи» давлат мақсадли жамғармаси маблағларидан фойдаланилади.

Бозор иқтисодиётининг таркибий қисмларидан бири меҳнат ресурслари бозоридир. Меҳнат ресурслари бозоридаги мувозанатни белгилайдиган қуйидаги мезонлар мавжуд:

- аҳолининг демографик ҳолати;
- пенсия ёши;
- оиласа бериладиган нафақаларнинг миқдори ва характеристи;
- иқтисодий ўсиш суръати;
- хусусийлаштиришнинг суръати;
- ўз-ўзини банд қилиш имконияти;
- илмий-техника сиёсати;
- ички меҳнат миграцияси;
- ташқи меҳнат миграцияси;
- давлат харидининг камайиши ва кўпайиши.

Давлат томонидан тартибга солиш тадбирлари ёрдамида ва бандликка таъсир этувчи таркибий соҳа структураларини яратишини рағбатлантириш билан бандлик муаммоларини ечиш мумкин. Ана шундай муассасалардан бири Бандликка кўмаклашиш жамғармаси бўлиб, у янги иш ўринлари яратиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, шунингдек, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш орқали бандликни қўллаб-қувватлашга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Конунда аҳолининг иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш чора-тадбирларини молиялаштириш ва меҳнат органларининг самарали фаолият кўрсатиши учун «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи» давлат жамғармаси тузилиши кўрсатилган. Мазкур қонуннинг 21-моддасида таъкидланишича, «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи» давлат жамғармаси бюджетдан ташқари жамғарма ҳисобланади.

«Давлат мақсадли жамғармаларини тузиш, жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Конуни. 5-модда.

Давлатнинг мақсадли жамғармалари маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, маҳаллий ҳокимият органлари ва давлат солиқ инспекцияси томонидан амалга оширилади. Давлатнинг мақсадли жамғармалари маблағларини тақсимловчилари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига жамғарма даромадлари ва харажатлари тўғрисида ахборот беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда қуидагилар ҳисобидан ҳосил этилади:

**§** корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан мажбурий ажратмалар;

**§** республика ва маҳаллий бюджетлар маблағларидан тегишли бюджетларни шакллантиришдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат органлари томонидан белгиланадиган миқдордаги дотациялар;

**§** қонун хужжатларида назарда тутилган талабларни бузганлик учун маҳаллий меҳнат органлари томонидан солинадиган жарима, ҳисоблаб чиқариладиган пенялар суммаси;

**§** жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, чет эллик жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий бадаллари;

**§** жисмоний ва юридик шахсларнинг қўшимча ва янги иш жойларини яратиш учун иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларидан шартнома асосида фойдаланганидан келган даромадлар;

**§** қонун хужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ажратмалари ҳисобига ҳосил этиладиган «Иш билан билан таъминлашга кўмаклашувчи» давлат жамғармаси маблағларининг 70 % и туманлар ва шаҳарлар ўртасида қайта тақсимлаш шарти билан вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат органларнинг тасарруфида қолади, 30 % и республика миқёсида марказлаштирилади. «Иш билан билан таъминлашга кўмаклашувчи» давлат жамғармаси маблағларини сарфлаш йўналишлари аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги тегишли республика, худудий ва бошқа маҳсус дастурларга мувофиқ белгиланади.

Амалда маблағ келадиган асосий манба–иш берувчи тўлайдиган иш ҳақи фондидан мажбурий ажратмалар мавжуд. Бу ўринда ҳам

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисидаги Қонун»и. // Халқ сўзи. 2000. 14 декабр. 20-модда.

фондни таъминлаш, асосан, корхона ва муассасалар зиммасига тушишини таъкидлаб ўтиш зарур. Фонд ўз тасарруфига келиб тушаётган маблағларни тижорат фаолияти ҳисобидан кўпайтириш ҳуқуқига эга бўлса-да, бу имкониятлардан кам фойдаланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Иш билан билан таъминлашга кўмаклашувчи» давлат жамғармаси аҳолининг бандлик давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш учун ташкил қилинган. Бу жамғармани ташкил этиш зарурияти, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзига хос шакли ишсизларнинг юзага келиши билан изоҳланади, тадбиркорликни ривожлантириш орқали бандликни қўллаб-қувватлашга кўмаклашади.

«Иш билан билан таъминлашга кўмаклашувчи» давлат жамғармаси маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида шаклланади. Жамғарма маблағлари мамлакатнинг давлат мулки ҳисобланади. Жамғармани бошқариш иш билан таъминлаш марказлари зиммасига юклатилади.

Жамғарманинг маблағлари қуйидагиларга йўналтирилади:

§ бандликнинг фаол сиёсати дастурларини - касбий ўқитиш, консультация, иш жойларини яратиш ва сақлаш, компенсация тўловларини тўлаш, жамоат ишларини ташкил қилиш;

§ ишсизларни моддий қўллаб-қувватлаш дастурлари – моддий ёрдам, ишсизлик нафақаси билан таъминлаш;

§ бандлик дастурини ахборотлар билан таъминлаш;

§ суғурта захирасини ташкил қилиш;

§ жамғарманинг жорий харажатларини таъминлаш.

Мазкур жамғарманинг фаолияти ижтмоий ҳимояга муҳтож аҳолига иш ўринларини яратиш ва сақлаб қолишга қаратилиши керак ва бу фонднинг устувор харажатларида яққол ўз аксини топиши лозим. Бу республиканинг ўсиб бораётган аҳолисини иш ўринлари билан таъминлашни эркинлаштириш шароитидаги ислоҳотлар амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур тадбир «Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийнадиган ва меҳнат бозорида teng шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш тартиби тўғрисида»ги Низом билан белгиланади ва амалдаги йўриқномага мувофиқ жамғарма маблағларидан ташкил топади.

## **Тест топшириқлари**

### **#1. Давлат бюджети – бу .....**

А. Умумжамият миқёсида марказлашган ва давлат иштирокида ҳосил бўлувчи ва сарфланувчи молиявий ресурслар.

@Б. Давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

В. Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

С. Давлат ихтиёри билан сарфланувчи молиявий маблағлар.

### **#2. Республикаизда 2006 йилда жорий қилинган юридик шахсларнинг иш ҳақи фондидан тўланадиган ягона ижтимоий тўлов миқдори қанча?**

@А. Пенсия фонди-24,2%, Профсоюзлар федерациясига-0,3%, Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фондига-0,5%.

Б. Пенсия фонди-30%, Профсоюзлар федерациясига-0,5%, Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фондига-0,5%.

В. Пенсия фонди-31,3%, Профсоюзлар федерациясига-1,5%, Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фондига-1,2%.

С. Пенсия фонди-33,3%, Профсоюзлар федерациясига-1,2%, Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фондига-2,5%.

### **#3. Давлат мақсадли жамғармалари маблағларини шаклантириш ва улардан фойдаланиш тартибини ким белгилайди?**

А. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

@Б. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

В. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси.

С. Ўзбекистон Республикасининг Божхона қўмитаси.

**#4. Вояга етмаган боласи учун бериладиган нафақаларни молиялаштириш манбасини кўрсатинг.**

- А. Давлатнинг мақсадли жамғарма маблағлари.
- @Б. Маҳаллий бюджет маблағлари.
- В. Бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари.
- С. Республика бюджети маблағлари.

**#5. Жамланган Давлат бюджет таркибига қандай жамғармалар киради?**

- @А. Давлатнинг мақсадли жамғармалари.
- Б. Давлатнинг маҳсус жамғармалари.
- В. Давлатнинг инвестиция жамғармалари.
- С. Давлатнинг хусусийлаштирилган жамғармалари.

**#6. Куйидагилардан қай бири Давлатнинг мақсадли жамғармалари таркибига киради?**

- А. Давлатнинг инвестиция жамғармалари.
- Б. Давлатнинг маҳсус жамғармалари.
- @В. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси.
- С. Давлатнинг хусусийлаштирилган жамғармалари.

**#7. Ҳозирги кунда Давлатнинг мақсадли жамғармалари сони нечтадан иборат?**

- А. 5 та.
- Б. 6 та.
- @В. 4 та.
- С. 2 та.

**#8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар эътиборига улар учун белгиланган даромадлар ва харажатлар миқдорини қайси муддатда етказади?**

- @А. Давлат бюджети қабул қилингандан кейин ўн кун ичида.
- Б. Давлат бюджети қабул қилингандан кейин бир ҳафталик муддат ичида.
- В. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг белгиланган муддатида.
- С. Давлат бюджети қабул қилингандан кейин уч кун ичида.

**#9. Газначиликнинг ягона ҳисоб рақамига ..... ўтказилади:**

@А. Давлат маблағларининг миллий валютада ва чет эл валютасида тушган барча тушумлари, солиқли ва солиқсиз тушумлари, давлатнинг мақсадли жамғармаларига тушган тушумлари ва бюджет ташкилотларининг даромадлари.

Б. Давлат маблағларининг миллий валютада ва чет эл валютасида тушган барча тушумлари.

В. Солиқли ва солиқсиз тушумлари, давлатнинг мақсадли жамғармаларига тушган тушумлари.

С. Бюджет ташкилотларининг даромадлари.

# 6

## Мактаб таълими жамғармаси

### МАВЗУ

(маъруза – 2 соат, амалий машғулот -2 соат)

### Маърузани олиб бориш технологияси

<u>Молия кафедраси</u>	Ўқув курси Бюджетдан ташқари фонdlар	<i>Мавзу тартиб рақами</i> 6 <i>Соат</i> 2
<i>Талабалар сони:</i> 30 -70	<i>Таълим технологияси муаллифи</i> Қосимова Г.А.	<i>Ўқитувчи</i> Қосимова Г.А.
<b>Машғулот шакли</b>		<b>Мавзу бўйича маъруза</b>
<i>Маъруза режаси</i>		<ol style="list-style-type: none"> <li>Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини ривожлантиришда «Мактаб таълими» жамғармасининг аҳамияти.</li> <li>«Мактаб таълими» жамғармасининг ҳукукий асослари.</li> <li>«Мактаб таълими» жамғармасининг вазифалари.</li> <li>«Мактаб таълими» жамғармаси молиявий ресурсларининг шаклланиши.</li> <li>«Мактаб таълими» жамғармасининг маблағларини ишлатилиши.</li> </ol>
<i>Ўқув машғулотнинг мақсади:</i>		<i>Мактаб таълими жамғармасининг молиявий фаолиятини ўргатиши</i>
<b>Таянч тушунча ва иборалар</b>		Бюджетдан ташқари фонdlар, таълим тизими, давлат бюджети, мактаб таълими жамғармаси, директорлар фонди.
<b>Педагогик вазифалар:</b>		<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>
-Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини ривожлантиришда «Мактаб таълими» жамғармасининг аҳамиятини тушуниради;		- Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини ривожлантиришда «Мактаб таълими» жамғармасининг мазмуни, аҳамияти ва уни ташкил этишнинг мақсадини айтиб бера оладилар;
-«Мактаб таълими» жамғармасининг ҳукукий асослари ҳақида маълумот беради;		- Ўзбекистон Республикаси «Мактаб таълими» жамғармасининг ҳукукий асосларини айтиб бера оладилар;

-«Мактаб таълими» жамғармасининг вазифаларини тушунтиради;	- Республикадаги -«Мактаб таълими» жамғармасининг вазифалари тўғрисидаги топшириқни бажара оладилар;
- «Мактаб таълими» жамғармаси молиявий ресурсларининг шакллантириш йўлларини кўрсатиб беради.	- «Мактаб таълими» жамғармаси молиявий ресурсларининг шакллантириш йўлларини тўғрисидаги саволларга жавоб топа оладилар.
- «Мактаб таълими» жамғармасининг маблағларини ишлатилишини ёритади.	- Ўзбекистон Республикаси «Мактаб таълими» жамғармасининг харажатлар йўналишини кўрсатиб бера оладилар
<b>Ўқитиш воситалари</b>	<b>Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска.</b>
<b>Ўқитиш усуллари</b>	<b>Маъруза, блиц-сўров, тасвири органайзерлар, ақлий тўфон, консультация бериш, пинборд техникаси.</b>
<b>Ўқитиш шакллари</b>	<b>Фронтал, коллектив ишиш.</b>
<b>Ўқитиш шароити</b>	<b>Компьютер, проектор ва LCD панель (ёки мультимедиа проектор).</b>

## **Маъruzанинг технологик картаси**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни</b>		<b>Тингловчи фаолиятининг мазмуни</b>
<b>1-босқич. Мавзуга кириш. (10 мин)</b>	1.1.Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.		Мавзу номини ёзиб оладилар
	1.2. Блиц-сўров усулида мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни санаб беришни сўрайди. Блиц-сўров натижасида ўқув жараёнинидаги талабаларнинг фаоллиги оширилади.	4.1.1-илова	Блиц-сўровда иштирок этадилар
<b>2 -босқич. Асосий бўлим. (60мин)</b>	2.1.Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.		Мавзу режасини ёзиб оладилар. Тинглайдилар
	2.2.Маъруза режасининг 1-4 пунктлари бўйича тушунтиради, ҳар бир пункт ниҳоясида умумлаштириб боради. 2.3.Маъруза жараёнини компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб боради.		Тинглайдилар. Тарқатма материаллар тўпламида келтирилмаган кирраларини конспект қилиб борадилар.

	2.4.Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор тақрорланади (Пинборд усулида) Мавзуга оид бўлмаган иборалар олиб ташланиб, керакли тушунча ва иборалар кўшилади.		Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Барча ахборотни тизимлаштирадилар. Конспект қиладилар.
<b>З-боскич Яқунлов чи (10 мин)</b>	3.1.Мавзу бўйича якунловчи хуносалар қилади. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлиги маълум қилади.		Саволлар берадилар
	3.2.Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.		
	3.3.Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириклар беради.		Мустақил ўрганиш учун топширикларни ёзib оладилар.
	3.4.Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради.	4.1.2-илова	Ёзадилар
	3.5.Кейинги мавзу бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради (таянч ибора ва тушунчалар) .		Ёзадилар

## 6.1.1-илова

### Таянч маъруза матни

Жамиятнинг деярли барча асосий муаммоларини ҳал қилишда инсон омили роли оширилиши ҳозирги кунда барча мамлакатлар учун тобора барқарор ривожланишнинг ўзига хос жиҳатига айланиб бормоқда, айниқса, Ўзбекистон учун ҳам бу нарса катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлабоқ, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосида ахолини ижтимоий ва иқтисодий ҳимоя қилишни ўз зиммасига олди. Мустақил ривожланиш йўлига қадам қўйиш вақт жиҳатдан мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий янги-

лашга тўғри келиши бутун кадрлар сиёсатида туб ўзгаришлар ясаш заруриятини вужудга келтирди.

Бизнинг республикамизда фуқароларимизнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқлари асосий қонунимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланди. Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ислоҳ қилинишининг ҳуқуқий асослари «Таълим тизими тўғрисида»ги Қонуни билан қабул қилинди.

Ҳозирги шароитдаги таълим мажмuinи, кадрлар тайёрлаш кўп даражали тизимини ривожлантириш, бу борада янги концепцияни рўёбга чиқаришга, иқтисодиётда зарур силжишларни амалга оширишга, жумладан, асосий ишлаб чиқарувчи куч – инсоннинг иқтисодиётдаги ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришларга доимий мослашувини таъминлашга имкон беради. Айниқса, бу жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнининг энг муҳим бўғини, жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг, республикани жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг зарур ва мажбурий шарти сифатида таълим соҳасини ислоҳ қилиш сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда, яъни ислоҳотларнинг натижалари бевосита таълим тизимида тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг салоҳиятига боғлиқдир. Чунки, чукур ислоҳотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётига ўтиш, биринчи навбатда, кадрлар потенциалига, уларнинг касб жиҳатдан тайёргарлигига боғлиқ бўлади. Бу эса бутун таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этади.

Ўзбекистонда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги 3431 сонли Фармонининг қабул қилиниши ислоҳотлар йўлида муҳим босқичга айланди. Пировардида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, миллий дастурнинг рўёбга чиқарилиши, муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг стратегик мақсадимиз – демократик давлат, фуқаровий жамиятга эришишимиз учун пойdevor бўлиши керак. Бу дастурларнинг қабул қилиниши ва амалий жиҳатдан рўёбга чиқарилиши мамлакат меҳнат потенциалини ривожлантириш, унинг сифат кўрсаткичларини ошириш учун алоҳида аҳамият касб этади.

Умумий таълим мактаблари моддий-техника базаси ҳозирги ҳолатларини қайта кўриб чиқиш ва уни яхшилаш ҳамда ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2004 йил 19 февралда Ф-1910 сонли Фармойиши билан Республика минтақаларида умумий таълим мактаблари моддий-техника базасининг ҳозирги ҳолатини танқидий ва батафсил ўрганиш учун Хукумат миқёсида Махсус комиссия ва ишчи гурухлари тузилди.

Махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилган саволнома ва мактабнинг бир хил типдаги паспорти асосида жойларга бориб барча умумтаълим мактабларни тўлиқ рўйхатдан ўтказилди ва хулосалар тайёрланди. Умумий таълим мактаблари паспортини ишлаб чиқиш асосида мактабнинг моддий-техника базаси ҳолатига, ичимлик суви ва иссиқлик билан таъминланиш даражасига, санитария шоҳобчаларининг ҳолатига, шунингдек, ошхоналар, спорт заллари ва майдончалар билан таъминланиш даражасига танқидий баҳо бериш мумкин бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан бюджетдан ташқари “Мактаб таълими жамғармаси” тузилди ва унинг маблағлари «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастури»ни молиялаштиришнинг асосий манбаси мақсадида фойдаланилади. Дастурда минтақалар, айниқса, қишлоқ жойларда қуйидаги чора-тадбирлар комплекси қўзда тутилди:

- ✓ мактабларни ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш;
- ✓ таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;
- ✓ умумий таълим мактабларида спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш;
- ✓ умумий таълим мактаблари, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, педагог кадрлар таркиби сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш;
- ✓ мактаблар шу жумладан, бориш қийин бўлган минтақалар ва қишлоқларда жойлашган мактабларнинг биноларини капитал реконструкциялаш, капитал ҳамда жорий таъмирлашнинг манзиллари аниқ кўрсатилган дастурларини ишлаб чиқсан ҳолда, умумий таълим мактабларининг моддий-техника базасини ривожлантиришдан иборат.

Бу дастур қабул қилиниши ва амалий жиҳатдан рўёбга чиқарилиши мамлакат меҳнат потенциалини ривожлантириш, унинг сифат

кўрсаткичларини ошириш учун алоҳида аҳамият касб этади. Мехнат потенциалини ривожлантириш омили сифатида кадрлар билан таъминлаш масалалари ҳар доим катта аҳамиятга эга бўлган, бироқ Ўзбекистонда бозор ислоҳотлари кенг авж олдирилиши ва чуқурлаштирилиши мамлакат меҳнат потенциалини сифат жиҳатидан ривожлантириш вазифаларини ҳал қилишда, барча умумтаълим масканларининг моддий – техника таъминоти ёмон аҳволдалиги ва бу катта муаммолар эканлиги ҳамда унинг тез ва белгиланган муддатларда ечиш кераклиги масаласини янгидан қўйди.

Шунингдек, мазкур дастурни амалга оширишнинг заминида ижтимоий ҳимояни кафолатлаш масаласини ечиш, умумий ва ўрта таълим соҳасини бутун чоралар билан такомиллаштириш, мазкур тизимни янги тарихий шароитларда янгича талаблар асосида қайта қуроллантириш вазифаси кўндаланг қўйилмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, буларнинг барчаси таълим тизимида кескин бурилиш ясаш, келажакда мамлакатни кучли билимдон кадрлар билан таъминлаш имкониятини беради.

Таълим соҳасига Давлат бюджетидан маблағларнинг ажратилиши йил сайин ўсиб бормоқда, бу ҳолатни республикамизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ мамлакатимизда таълим сифатини янада ошириш учун замон талабларига мос ўқув даргоҳларини қуриш, унинг моддий-техника базасини янада кучайтириш, педагогик кадрларни қайта ўқитиш, уларнинг иш ҳақи таъминотини янада мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини яхши ташкил этиш учун Давлат таълим стандартларига мувофиқ янги турдаги ўқув дарслари, ўқув қўлланмалари билан таъминлаш ва бошқа бир қатор харажатларни молиялаштириш учун бюджетдан маблағларнинг салмоқли миқдорларда ажратилиши зарурлиги келтириб чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 15 иудаги 335 - сонли “Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида”ги қарорига асосан, бошлангич синфлар ўқитувчиларига ойлик устамалар, ўқитувчиларга синф раҳбарлиги, дафтарларни текширганлик, ўқув кабинетлари ва лабораторияларига мудирлик қилганлик учун қўшимча ҳақ белгиланди ва 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб эксперимент ўтказиш учун жорий қилинди. Давлат таълим

стандартлари талабларига мувофиқ ўқитувчилар учун педагогик юкламалар мақбуллаштирилди.

Шу билан бирга, ўқув ва тарбия жараёнига ўқитувчиларнинг шахсий улушини холисона баҳолаш масаласи ниҳоятда мураккаб эканлигини ҳисобга олган ҳолда, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да ва “2004-2009 йилларда Мактаб таълимими ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури”да олдинга қўйилган вазифаларни ҳал этиш юзасидан ўқитувчилар ва методистлар меҳнатини баҳолаш механизмини ва мезонларини ишлаб чиқиш ишларини янада давом эттириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида ҳисобга олиниб, умумий ва ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларнинг ўқув-тарбия жараёнига шахсий улуси мезонларини аниқлашга ёндашувларни ишлаб чиқиш ва умумтаълим муассасаларининг қобилияতли, ўз касбига содик ўқитувчиларини моддий рағбатлантиришнинг самарали механизмини барпо этиш мақсадида Республика педагогика жамоатчилиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Республика Молия вазирликларининг биргаликдаги қўшма хулосаларидан келиб чиқиб 2004 / 2005 ўқув йили мобайнида, 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб:

– умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ улуси, юқори самарадорлик ва ўқитиши сифати учун - ўқувчиларни тест синови натижалари бўйича аниқланадиган ўқувчиларнинг таълим стандартларини ўзлаштириб олиш даражасига қараб 25 фоизгача миқдорда;

– умумий ва ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларига улар томонидан тарбиявий ишлар ва синфдан ташқари ишлар олиб борилганлиги учун - ўқувчиларнинг тўгараклар ва секциялардаги мунтазам машғулотларга ва ижодий фаолиятга жалб этилиши даражасига қараб 15 фоизгача миқдорда;

– методика кабинетлари методистларига ўқув жараёнида фойдаланиладиган ўқув-методик материаллар ишлаб чиқишига, янги педагогика технологиялари жорий этишига, ўқитувчиларнинг илфор тажрибаси кенг ёйилишига қўшган шахсий улуси учун 25 фоизгача миқдорда тариф сеткасига ойлик маҳсус устамалари жорий этилди.

**Маъруза мавзуси бўйича кўргазмали слайдлар**

**Бюджетдан ташқари Мактаб таълимини  
жамғармасининг асосий вазифалари  
қўйидагилардан иборат:**

- бюджет маблағларини ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағларини хорижий кредитлар ва грантларни уларни кейинчалик улардан 2004-2006 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумиётлий дастурининг рӯёбга чиқариш мақсадли фойдаланиш учун жамлаш.

- мактаб таълимини ривожлантириш дастурида назарда тутилган бузиб ташланадиган мактабларни ўрнига янги мактаб қуриш, мактабларни мукаммал реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш уларни ўқув лаборатория асбоб-ускуналар, компьютер техникаси, мактаб парталари ва мебеллар, спорт анжомлари билан жихозлаш жараёнларини молиялаштириш;
- жамғарма маблағларидан Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун қатъий мақсадли фойдаланиши устидан мониторинг олиб борилишини таъминлаш.

№	Харажатлар йўналишлари	2005 й. млн. сўм	2005 й. салмоғи	2006 й. режа млн. сўм	2006 й. салмоғи
1	Курилиш ва қайта тиклаш ишлари:	104097.0	71.2 %	207751.0	79.3%
1.1	Янги курилиш ишларига	23300.0	15.9 %	41793.0	15.9 %
1.2.	Капитал реконструкция ишларига	45070.0	30.8 %	109747.0	41.9 %
1.3.	Капитал таъмирлаш ишларига	29419.0	20.1	9586.0	17.8 %
1.4.	Жорий таъмирлаш ишларига	6608.0	4.5 %	9586.0	3.6 %
2.	Мактабларни моддий техник базасини мустаҳкамлаш	41910.0	28.7 %	54104.0	20.6 %
2.1.	Мебел ва жихозлаш ишларига	12102.0	8.2 %	23001.0	8.9 %
2.2.	Махсус лаборатория ускуналари билан жихозлаш	17695.0	12.1 %	24001.0	9.1 %
2.3.	Компьютер техникаси билан жихозлаш	8421.0	5.7 %	2345.0	0.8 %
2.4.	Спорт ускуналари ва жихозлари сотиб олиш.	3692.0	2.5 %	4276.0	1.6 %
	Жами харажатлар	146007.0	100%	261855.0	100 %
	Қолдиқ йил охирига			2615.0	0.9 %

**Бюджетдан ташқари Мактаб таълими  
жамғармасини бошқариши  
кенгаши таркиби**

- Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Кенгаши раиси.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазири, Кенгаш раисининг ўринбосари.
- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири, Кенгаш раисининг ўринбосари.

## **Кенгаш аъзолари**

- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари
- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири
- Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари
- Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси раиси
- Маҳалла жамғармаси раиси
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари.

## **Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасини маблағларини шакллантириш манбалари ва жамланиши тартиби.**

- Давлат бюджетидан алоҳида сатрда назарда тутиладиган бюджет маблағлари, (шу жамладан давлат бюджетини ишлаб чиқариш ҳар йилда назарда тутиладиган ставка бўйича мажбурий ажратма тарзида тушумлар);
- маҳаллий бюджетларнинг солиқлар ва йифмалари бўйича прогноздан ортиқча тушумларни жалб қилишдан олинадиган маблағлар;
- Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норизидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларининг ҳомийлик ёрдамлари;
- Жамғармани вақтинча бўш бўлган маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги № 610 сон “Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарорининг 22 иловасига мувофиқ 2005 йил 1 январдан бошлаб барча корхона ташкилотлар учун жумладан солиқقا тортишнинг алоҳида тартибини қўллаётган корхоналар учун 1 % миқдорда мажбурий ажратма ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ.

- Улгуржи ва чакана савдо дорихоналари учун ялпи даромаддан.
- Долларлар комиссион рағбатлантиришдан.
- Курилиш, қурилиш-монтаж корхоналари ўз маблағлари ҳисобидан бажарган ишлар ҳажмидан ҚҚСни чегирилган ҳолда.
- савдо ва умумий овқатланиш ва тайёрлов таъмирлаш корхоналари, товар айланиш ҳажмидан.
- Лизинг компаниялари даромадидан (маржадан).
- Коммунал хўжаликлари, сув ва газ таъминоти тизими корхоналари сотилган маҳсулотлардан (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳажмида сотиб олинган қийматни чиқарган ҳолда).
- Бошқа барча корхоналар сотилган маҳсулотлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар ҳажмидан ҚҚС ва Акциз солиғини чиқарган ҳолда тўлашади.

№	Даромадлар манбалари	2005 йил млн. сўм	2005 й. салмоғи	2006 й. режа млн. сўм	2006 й. салмоғи
1.	Йил бошига қолдиқ			20867.0	7.9 %
2.	Б.Т.М.Т.Ж. га мажбурий аж-ратмалар	123265.7	84.4 %	190020.0	71.8 %
3.	Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий ҳокимият маблағлари	18066.1	12.3 %	16680.0	6.3 %
4.	Қ.Р. ва М.Б.ларнинг солиқ ва йиғмалар бўйича прогноз қилингандан ортган тушумларни сафарбар қилиш	10923.6	7.5 %	14870.05.	6 %
3.2.	Қ.Р. ва Max. Бюд.ларнинг эркин қолдиги	4393.4	3.0 %	600.0	0.2 %
3.3.	Қ.Р. ва Max. Ҳокимият хусусийлаштириш ва давлат тасаруфидан чиқаришдан тушим маблағлардан ажратма	1937.7	1.3	1200.0	0.4 %
3.4.	Қорақалпоғистон Республикаси ва Max. Бюд.ларнинг резерв фонdlари	811.4	0.5 %		
4.	Ҳомийларнинг маблағлари бошқа давлат тушумлари.	4675.2	3.2 %	36043.0	1.37 %
	Жами даромадлар	146007.7	100 %	264470.0	100 %

## Давлат мулк қўмитасининг маҳсус хисоб рақами

(маъруза – 2 соат, Амалий машғулот -2 соат)

### Маърузани олиб бориш технологияси

<b><u>Молия кафедраси</u></b>	Ўқув курси  Бюджетдан ташқари фондлар	<i>Мавзу тартиб рақами</i>	7
		<i>Соат</i>	2
<b>Талабалар сони:</b> 30 -70	<b>Таълим технологияси муаллифи</b>  Қосимова Г.А.	<b>Ўқитувчи</b>  Қосимова Г.А.	

<b>Машғулот шакли</b>	<b>Маъруза-конференция</b>
<b>Маъруза режаси</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Давлат мулк қўмитасининг маҳсус хисоб рақамини ташкил этилиши сабаблари.</li> <li>Давлат мулк қўмитасининг маҳсус хисоб рақамининг даромад манбалари.</li> <li>Давлат мулк қўмитасининг маҳсус хисоб рақами маблағларидан молиялаштириладиган характеристлар йўналишлари.</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотнинг мақсади:</b>	<b>Давлат мулк қўмитасининг маҳсус ҳисоб рақами тўғрисида билимга эга бўлиш.</b>
<b>Таянч тушунча ва иборалар</b>	Давлат бюджети, молия тизими, бюджетдан ташқари фондлар, давлат мақсадли жамғармалари, давлат молияси, ижтимоий фондлар, ижтимоий ҳимоя, ялпи ички маҳсулот, жамланган бюджет, Давлат мулк қўмитасининг маҳсус ҳисоб рақами.
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>
– Давлат мулк қўмитасининг маҳсус хисоб рақамининг ташкил этилиши сабабларини тушуниради;	– Давлат мулк қўмитаси маҳсус ҳисоб рақами ташкил этилиши сабабларини айтиб бера оладилар.
– Давлат мулк қўмитасининг маҳсус хисоб рақамининг даромад манбалари хақида маълумот беради;	– Давлат мулк қўмитасининг маҳсус ҳисоб рақамининг даромад манбалари кўрсатиб берадилар;

– Давлат мулк қўмитасининг маҳсус ҳисоб рақами маблағларидан молиялаштириладиган харажатлар йўналишларини ёритади.	– Давлат мулк қўмитасининг маҳсус ҳисоб рақами маблағларидан молиялаштириладиган харжатлар йўналишларини ёритиб бера оладилар.
<b>Ўқитиш воситалари</b>	<b>Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска.</b>
<b>Ўқитиш усуллари</b>	<b>Маъруза, блиц-сўров, пинборд техникаси, Венна диаграммаси.</b>
<b>Ўқитиш шакллари</b>	<b>Фронтал ишилаш, коллектив ишилаш.</b>
<b>Ўқитиш шароити</b>	<b>Компьютер, проектор ва LCD панель (ёки мультимедиа проектор).</b>
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	<b>Маърузачиларни, дискуссия қатнашчиларини баллик ва рейтинг баҳолаш, кузатиш, назорат савол-жавобларни баҳолаш.</b>


## Маърузанинг технологик картаси

Иш босқич лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Изоҳ	Талаба фаолиятининг мазмуни
<b>1-босқич. Тайёр-ланиш</b>	1.1. Маърузалар мавзуларини аниқлайди: 1.2. Маърузачилар мавзусини танлашни ташкил қиласди. 1.3. Ҳар бир чиқиши бўйича тақризчи аниқлайди. 1.4. Маърузачиларга режа тузиш вазифани беради.		Маъруза мавзуларини танлайдилар, Маъруза тезисларини тайёрлайдилар.
	1.6. Маърузачиларнинг режасини муҳокама қиласди. 1.7. Зарурият туғилганда консультация беради, кўшимчалар қиласди ва аниқлайди. 1.8. Маъруза қилиш таркибини, кўринишини муҳокама қиласди.		Маърузачилар режаларини ўзгартирадилар, аниқлайдилар кўшимчалар қиласдилар.
<b>Маърузага кириш. (10 мин)</b>	1.9. Ўқув машғулоти мавзусини эълон қиласди. Мавзу бўйича назорат саволлари ва топшириқлар билан талабалар иштирокини фаоллаштиради. Маърузачилар ва тақризчилар билан таништиради. Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини эълон қиласди.		
<b>2 -босқич. Асосий</b>	2.1. Ҳар бир маъруза учун регламент белгилайди: маъруза-5 минут, тақриз ва мунозара 10 минут.		Тинглайдилар

<b>бўлим. (60мин)</b>	<p>2.2. Биринчи маъruzачига сўз беради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.</p> <p>2.3. Маъruzачини мавзу мазмунини очиб беришига эътибор қаратади. Талабаларнинг ахборотни қабул қилишларини кузатади.</p>		
	<p>2.4. Маъruzачига саволлар беради, маъruzанинг асосий қисмини умумлаштиради, маъruzачининг алоҳида камчиликларини кўрсатади.</p> <p>2.5. Тақризчиларга сўз беради. «Мунозара қатнашчилариға эслатма»га эътибор беришларини сўрайди.</p> <p>2.6. Мунозара бошланганлигин эълон қиласди.</p>	2.1.2- илова 1-3- слайдлар	Маъруза мазмунини коллектив бўлиб муҳокама қиласдилар, Мунозарада қатнашадилар.
<b>3-босқич Якунловчи (10 мин)</b>	3.1. Мавзу бўйича якунловчи хуолосалар қиласди. Маъруза – конференция натижаларига баҳо беради. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлиги маълум қиласди.		Саволлар берадилар
	3.2. Маъruzачилар тайёргарлигини, мунозара пайтида маъруза қатнашчиларининг фаолиятини баҳолайди.		
	3.3. Мавзу мақсадига эришишдаги талabalар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.		
	3.4. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириқлар беради.		Мустақил ўрганиш учун топшириқларни ёзиб оладилар.
	3.5. Мавзу бўйича билимларни чукурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради		Ёзадилар
	3.6. Кейинги мазву буйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради (таянч ибора ва тушунчалар).		Ёзадилар

## **7.1.1-илова**

### **Мунозара қатнашчилариға эслатма!**



**Мунозара - муаммолар ечимиning усулидир,  
муносабатларни ойдинлаштириш эмас.**

**Жуда кўп гапирманг, бошқаларга ўз фикрини  
билдириш имкониятини беринг!**

**Оппонент ҳолатини тушинишга ҳаракат қилинг, у  
билин хушмуомала бўлинг!**



**J Эсда тутинг!**

**Пресс-конференция сизнинг гурӯҳдошлиарингиз  
маслаҳатларидир!**

## **7.1.1-илова**

### **Талабалар учун тарқатма материал**

Давлат мулк қўмитаси маҳсус ҳисобрақами даромадларини ташкил топиши ва ишлатилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 октябрдаги 481-сон «Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ишлатилишини такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 362-сон «Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағларни тақсимлаш, тушумларни ҳисобга олиш ва уларни ишлатилишини назорат қилишнинг тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорига асосан, амалга оши-рилади ва бу тартибга риоя қилинади.

Бу тартибнинг 2-бандида кўрсатилишича, Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси жамланган бюджетининг ажрал-мас қисми ҳисобланади ва қуйидагилар ҳисобига ташкил топади:

- акционерлик жамиятига айлантирилган давлат корхоналари акцияларини сотишдан тушган даромад;
- давлат мулки объектларини аукционда, конкурсда, савдо биржаси ва савдо биржасидан ташқарида сотилганда;
- давлат мулкини арендага беришдан тушган ижара тўловлари;
- қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда, айrim фуқароларнинг меросини ва ер участкаларини аукционда сотишдан, ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар;
- Давлат Мулки қўмитасининг олдин заёмчиларга берилган кредит ва заёmlар ҳисобига кредитларни, заёмларни ва уларга ҳисобланган процентларни қайтариб олишдан тушган даромадлар;
- Давлат Мулки Кўмитасининг депозит ҳисоб рақамидаги бўш маблағларини тижорат банкларида жойлаштиришдан тушган маблағлар;
- Давлат Мулки Кўмитасининг депозит ҳисоб рақамига тушган бошқа даромадлар.

Бу тартибининг 3-бандига асосан, давлат мулкини давлат тасарру-  
фидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан чет эл валютасида тушган  
маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитаси томони-  
дан ҳар ойда қўйидаги пропорцияда алоҳида тартибда тақсимланади:

- 40% - бюджет тақчиллигини қоплашнинг манбаи сифатида давлат бюджетига кўрсатилган маблағларни мақсадли ишлатилиш мақсадида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун;
- 15 % - бизнес фондига яъни тадбиркорликни, ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун;
- 15 % - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимиятларига ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлан-  
тириш лойиҳаларни молиялаштириш, бозор инфраструктураси инс-  
тиутларини ташкил қилиш учун;
- 3%- Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитасининг хи-  
соб рақамига бошқариш ва тақсимлаш функцияларини амалга оши-  
риш учун ;
- 2%-Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитасининг ҳи-  
соб рақамига бошқариш ва тақсимлаш функцияларини амалга оши-  
риш учун ;
- 25% - хусусий корхонанинг ўзида қолади, бу мақсадли маб-  
лағлар ишлаб чиқаришнинг янгидан модернизациялаш, янги техника  
 билан қуроллантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун  
ишлатилади.

**2006 йил январдан бошлаб давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитаси томонидан ҳар ойда қўйидаги пропорцияда алоҳида тартибда тақсимланади:**

- 65 фоиз- бюджет тақчилигини қоплашнинг манбаи сифатида – давлат бюджетидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштирилади;
- 25 фоиз – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятларига ижтимоий-иктисодий соҳаларни ривожлантириш лойиҳаларни молиялаштириш ва бозор инфраструктураси институтларини ташкил қилиш учун берилади;
- 5 фоиз – Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатасига тадбиркорликни, ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун берилади;
- 1 фоиз – хусусийлаштириш ва ахборот таъминоти давлат дастурларини амалга ошириш ва давлат мулкини сотишда тендер савдоси ўтказишдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитасининг харажатлари учун ажратилади;
- 2 фоиз – Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши кураш, тадбиркорликни ва рақобатни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, корхоналарни таркибини қайта ўзгартириш фондини шакллантириш учун ажратилади;
- 2 фоиз - Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитасининг ҳисоб рақамига бошқариш ва тақсимлаш функцияларини амалга ошириш учун ажратилади.

# 8

МАВЗУ

## Хорижий мамлакатларда бюджетдан ташқари фондларнинг фаолияти

(маъруза – 2 соат, амалий машғулот – 4 соат)

### Маърузани олиб бориш технологияси

<b><u>Молия кафедраси</u></b>	<b>Ўқув курси</b>	<i>Мавзу тартиб рақами</i>	8
	<b>Бюджетдан ташқари фондлар</b>	<i>Соат</i>	2
<b>Талабалар сони:</b> 30 -70	<b>Таълим технологияси муаллифи</b> Қосимова Г.А.	<b>Ўқитувчи</b> Қосимова Г.А.	

Машғулот шакли	Мавзу бўйича маъруза
<b>Маъруза режаси</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Хорижий мамлакатларида бюджетдан ташқари фондлар шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари.</li> <li>Бюджетдан ташқари фондларнинг турлари.</li> <li>Бюджетдан ташқари фондларнинг шаклланиш механизмлари.</li> <li>Бюджетдан ташқари фондлардан фойдаланиш йўллари.</li> <li>Хорижий мамлакатлардаги мақсадли фондлар фаолиятидан тажриба сифатида фойдаланишни кенгайтириш ўналишлари.</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотнинг мақсади:</b>	<b>Хорижий мамлакатларда бюджетдан ташқари фондларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланиши йўлларини ўргатиш</b>
<b>Таянч тушунча ва иборалар</b>	Давлат бюджети, молия тизими, бюджетдан ташқари фондлар, давлат мақсадли жамғармалари, давлат молияси, ижтимоий фондлар, ижтимоий химоя, ялпи ички маҳсулот, жамланган бюджет, ижтимоий фондлар, нотижорат ташкилотлар.
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>
– хорижий мамлакатларда бюджетдан ташқари фондлар шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари билан таништиради;	- хорижий мамлакатларда бюджетдан ташқари фондлар шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини айтиб бера оладилар;

<ul style="list-style-type: none"> <li>– бюджетдан ташқари фондларнинг турларини тушунтиради;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– бюджетдан ташқари фондларнинг турлари тўғрисидаги топширикни бажара оладилар;</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>– бюджетдан ташқари фондларнинг шаклланиш механизмлари ҳақида маълумот беради;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– бюджетдан ташқари фондларнинг шаклланиш механизмларини ёритиб бера оладилар;</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>– бюджетдан ташқари фондларнинг фойдаланиш йўлларини ўргатади;</li> <li>– ривожланган хорижий мамлакатларда мақсадли фондларнинг бюджет билан алоқаларини кўрсатиб беради.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– бюджетдан ташқари фондлардан фойдаланиш йўлларини айтиб бера оладилар, мисоллар келтира оладилар.</li> <li>– Мақсадли фондларнинг бюджет билан алоқалари тўғрисидаги саволларга жавоб топа оладилар</li> </ul>
<b>Ўқитиш воситалари</b>	<b>Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска.</b>
<b>Ўқитиш усуллари</b>	<b>Маъруза, блиц-сўров, тасвири органайзерлар, пинборд техникаси.</b>
<b>Ўқитиш шакллари</b>	<b>Фронтал, коллектив ишилаш.</b>
<b>Ўқитиш шароити</b>	<b>Компьютер, проектор ва LCD панель (ёки мультимедиа проектор).</b>

## Маърузанинг технологик картаси

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни		Тингловчи фаолиятининг мазмуни
<b>1-босқич. Мавзуга кириш. (10 мин)</b>	1.1.Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.		Мавзу номини ёзиб оладилар
	1.2. Блиц-сўров усулида мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни санаб беришни сўрайди.		Тушунчаларни санаб берадилар
<b>2 -босқич. Асосий бўлим. (60мин)</b>	2.1.Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таниширади.		Мавзу режасини ёзиб оладилар Тинглайдилар
	2.2.Маъруза режасининг 1-5 пунктлари бўйича тушунтиради, ҳар бир пункт ниҳоясида хulosаларни умумлаштириб боради. 2.3.Маъруза жараёнини компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб боради.		Тинглайдилар. Тарқатма материаллар тўпламида келтирилмаган қирраларини конспект қилиб борадилар.

	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор тақрорланади (Пинборт усулида) Мавзуга оид бўлмаган иборалар олиб ташланиб, керакли тушунча ва иборалар қўшилади.		Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиласидилар. Барча ахборотни тизимлаштирадилар. Конспект қиласидилар.
<b>3-босқич Якунловчи (10 мин)</b>	3.1.Мавзу бўйича якунловчи хуносалар қиласиди. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлиги маълум қиласиди.		Саволлар берадилар
	3.2.Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириқлар беради.		Мустақил ўрганиш учун топшириқларни ёзиб оладилар.
	3.3.Мавзу бўйича билимларни чукурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради.		Ёзадилар
	3.4. Кейинги мазву бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради (таянч ибора ва тушунчалар) .		Ёзадилар

## **8.1.1-илова**

### **Таянч маъруза матни**

#### **Хорижий мамлакатларда бюджетдан ташқари фондларнинг шаклланиши ва фаолияти**

Ҳар қандай мамлакат ўз тараққиёт йўлини белгилашда молия тизимининг қай даражада ташкил этилганлигига алоҳида эътибор қаратиши табиий ҳол, албатта. Шундан келиб чиқсан ҳолда, бугунги кунда республикамиз молия тизимида муҳим ўрин тутган давлат мақсадли жамғармаларининг самарали бошқарилишида ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан ўринли фойдаланилмоқда.

Республикамиз иқтисодий тараққиётида ривожланган мамлакатлар тажрибасининг ўзига хос аҳамият касб этгани боис, қуйида ушбу мамлакатлар молия тизимида амал қилаётган мақсадли жамғармалар ҳақида маълумот беришни жоиз деб топдик.

Маълумки, хорижий мамлакатлар молия тизимида мақсадли фондлар алоҳида ўрин тутади. Уларда жамланадиган маблағлар ҳажми юқори бўлиб, масалан, Францияда маҳсус фондларнинг миқдори

жихатдан мамлакатнинг давлат бюджетига яқин. Японияда давлат харажатларининг ярмидан кўпи ана шундай жамғармалар ҳисобидан молиялаштирилса, Буюк Британияда бу кўрсаткич бюджетнинг учдан бир қисмини ташкил этади. Албатта, бу фондларнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифалари мавжуд. Давлат бу фондларнинг маблағлари билан ишлаб чиқариш жараёнига аралашади, ташкилот ва муасасаларга кредитлар ва субсидиялар беради, шунингдек, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатади.

Амалиётдан маълум бўлишича, Ғарб мамлакатларида фондлар ва нотижорат ташкилотларини ваколатли мулк негизида тузиш кенг тарқалган. Фондлар ва нокоммерция ташкилотларининг айни шу турлари муайян ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун йўналтирилган. Бу ташкилотлар бюджети бир қатор манбалар: таъсисларнинг таъсис ҳужжатида белгиланган тушумлари, ҳукумат субсидиялари ва солиқ тўлашдаги имтиёзлари кўринишида, аъзоларнинг бадаллари ва ихтиёрий бадаллари, ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг мулкий бадаллари ва хайрия улушлари ҳисобидан, нокоммерция ташкилотлар тузилишига сабаб бўлган ижтимоий мақсадларга эришиш учун зарур бўлган тадбиркорлик фаолиятидан олинган тушумлар, акция, облигация ва бошқа қимматли қофзлардан олинадиган дивидентлардан олинадиган даромадлардан шаклланади<sup>1</sup>. Чет элдаги кўплаб моделларда улар пенсия фондлари, давлат ижтимоий суғурта фондлари, мажбурий тиббий хизмат таъминоти фондлари, аҳоли бандлиги фондлари кўринишида ифодаланади.

«Инсоният тараққиёти» концепцияси пайдо бўлиши билан камбағалликка, саводсизликка, ишсизликка қарши курашга оид маҳсус бандлик схемалари ва воситалари ишлаб чиқилди, ижтимоий инвестиция жамғармалари пайдо бўлди, аҳолини иш билан таъминлаш масаласига эътибор кучайди. Халқаро меҳнат ташкилоти раҳбарлигига, бутун дунё миқёсида меҳнат билан бандлик, аҳолини озиқ-овқат, туар жой, кийим-кечак билан таъминлаш, таълимга ва соғлиқни сақлашга бўлган эҳтиёжларни қондиришга аниқ режа асосида ёрдам кўрсатишга киришилди»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ваҳобов А. Бозор муносабатлари тизимидағи ижтимоий фондлар. Т.: Шарқ. 2003. №7. 220 б.

<sup>2</sup> Исамиддинова Д. Социальные фонды: их роль в условиях экономических реформ. // Экономическое обозрение. 1998. №4. 29стр.

Хорижий мамлакатларда махсус фонdlарга турли хил автоном ва бирлаштирилган бюджетлар, бюджетдан ташқари фонdlар, махсус смета ва ҳисобрақамларни киритишимиз мумкин. Уларга энг аввало, ижтимоий ва ижтимоий вазифалар юклатилади. Давлат бундай жамғармалар маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқариш жараёнига аралашиши, корхоналарга турли хил субсидиялар ва кредитлар таклиф қилиши, шу билан бирга, ташқи қарзларни тұлаши ва ахолига ижтимоий хизмат күрсатиш чора-тадбирларини күриши мумкин. Махсус фонdlар номининг ўзи айтиб турибдики, уларда маблағларнинг ишлатилиши мақсадли характерга эга. Масалан, ижтимоий суғурта фондидан пенсия ва нафақалар тұланади, кредит фонdlаридан муассаса ва ташкилотларга, компанияларга ва бошқа мамлакатларга ссудалар берилади.

Масалан, аксарият ривожланған давлатлардаги ижтимоий суғурта жамғармалари суғурталанувчиларга пенсия ва түловларни тұлаши, шу билан бирга нафақат мамлакат миқёсидаги тадбиркорларга, балки чет мамлакатларга ҳам ссуда маблағлари бериш мақсадида ташкил қилинганды. Шуни алохіда таъкидлаш жоизки, ҳамма мақсадли фонdlарда ҳам харажат турлари аник күрсатилавермайды, Бунга мисол қилиб, Буюк Британия бош ғазначиси (молия вазири) фондини олишимиз мумкин. Бу жамғарма вазирлик ва идоралар ҳисобидаги қолдик маблағлардан ташкил топған бўлиб, бошқа фонdlардаги мувозанатни сақлаб туриш учун йўналтирилади.

Қуйида эса бир неча хорижий мамлакатларда амалдаги мақсадли фонdlарнинг таснифланишини кўриб чиқамиз.

Мақсадли жамғармалар ҳуқуқий мақоми ва ишлатилиш мақсадларига кўра фарқланади. Ҳуқуқий мақомига кўра, махсус фонdlар давлат ва маҳаллий фонdlарга ажратилади. Федератив давлатлар (АҚШ, Канада)да федерация аъзолари ҳам махсус фонд ташкил қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат махсус фонdlари марказий ҳокимият ихтиёрида бўлади. Буларга энг муҳим фонdlар: инвестиция фонди, валюта фонди, ижтимоий суғурта ва бошқа жамғармаларни киритишимиз мумкин. Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрида эса кўп миқдорда маҳаллий жамғармалар мавжуд бўлиб, улардан энг каттаси заём жамғармаси ҳисобланади. Буюк Британияда бундай жамғармалар XIX асрдан буён мавжуд бўлиб, улардан, асосан, капитал жамғармаларни молиялаштиришда фойдаланилади.

Мақсадли фондлар ишлатилиш мақсадларига кўра, иқтисодий, илмий-тадқиқий, кредит, ижтимоий, шахсий ва мулк сугуртасига оид, ҳарбий-сиёсий ёки давлатлараро ривожлантириш бўйича давлат дастурлари асосида фаолият юритувчи фондларга бўлиниши мумкин. Кредит жамғармалари Францияда катта аҳамиятга эга бўлиб, улар жумласига «Франция банки», «Ташқи савдо банки», «Депозит-омонат касса фонд»ларини киритишимиз мумкин. «Инвестициялар ва қарзлар бўйича давлат дастури» қонун чиқарувчи орган томонидан тасдиқланган бўлиб, “иккинч” бюджетга айланади. Давлат молия институтлари миллий иқтисодиётнинг устивор, жорий вазифаларини ҳар томонлама ва тезкор қўллаб-қувватлаш ҳамда амалга ошириш мақсадларига хизмат қиласи<sup>1</sup>. Бу институтлар минтақавий ривожланишни молиялаштириш тизимини ташкил қиласи. Давлат молия институтлари мустақил бўлиб, “ўз-ўзини молиялаштириш” тамойилига асосланган ҳолда иш олиб бориши, инвестициялаш ва кредитлар бўйича мустақил ҳамда холис, сиёсий ва молиявий нуқтаи назардан қарорлар қабул қилиниши керак. Японияда давлат дастурларини инвестициялашнинг устивор йўналишларини, инвестициялар, заёмларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ташкил этилиши чизмада берилган.

Кредит жамғармалари бу давлат жамғарма кассалари ва бошқа кредит ташкилотлари ихтиёридаги маблағлар бўлиб, қайтариб бериш ва фоиз тўлаш шарти билан берилади. Бу жамғармалар давлат буюртмаларини бажаради ва мамлакатни бевосита ривожлантириб боради. Шуни ҳисобга олган ҳолда, ҳар қандай иқтисодиётда ҳам мақсадли жамғармаларнинг мавжудлиги шу давлатнинг барқарор тараққиёти учун мезондир.

Японияда эса солиқ тушумларини қайта тақсимлашни амалга оширувчи маҳсус ҳисобрақам мавжуд. Солиқ тушумларининг маълум қисми унинг ҳисобрақамида жамланиб, эҳтиёжларига кўра маҳаллий бюджетларга ўтказиб берилади. Бунда қайта тақсимлашиши аҳоли сонидаги фарқлар ва ҳудудлар иқтисодиёти ривожланиш даражасига қараб амалга оширилади.

Маҳсус фондлар ҳуқуқий асоси ва маблағларнинг ишлатиш мақсадига кўра бир-биридан фарқ қиласи. Улар марказлашган ва маҳаллий фондлар бўлиши мумкин. Марказлашган фондлар-инвес-

<sup>1</sup> Фозибеков Д.Ў. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. Т.: Матбаачи. Банк-Молия Академияси. Молия. 2003. 131 б.

тиция фонди, валюта фонди бўлиши мумкин. Маҳаллий фондларнинг сони жуда кўп. Масалан, Буюк Британияда барпо этилган фонднинг маблағлари, асосан, капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун ишлатилади.

«Ижтимоий жамғармалар – аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишга йўналтирилган ресурслардир. Ушбу фондларнинг кенгайиш зарурияти ишлаб чиқариш ривожланиши, ёлланма меҳнат билан шуғулланувчиларнинг сони ортиши, илмий-техник ривожланиш билан вужудга келган жамиятнинг турли гурухлари қарашлари орасидаги фарқнинг ортиши ва мамлакат аҳолисининг ёш даражаси ортиши натижасида вужудга келди. Охирги ўн йилликда саноати ривожланган мамлакатлар ижтимоий жамғармалари ҳажми абсолют миқдорда 5-6 баробарга ортди»<sup>1</sup>.

Ижтимоий фондлар ҳажмининг ортиши ижтимоий тўловларни ошириш имконини берди, Жамғармалар уч манба ҳисобидан ташкил топади: суғурталанувчиларнинг суғурта бадаллари, тадбиркорларнинг суғурта бадаллари ва давлат субсидиялари.

Суғурталанувчиларнинг бадаллари бевосита уларнинг фойдасидан ажратилади ва моҳиятига кўра, тўғри мақсадли солик ҳисобланади. Бадал ставкалари кўпгина ривожланган мамлакатларда даромад ҳажмидан қатъи назар, маълум фоизларда белгиланади ва бу йиллик максимал бадал суммаси ёки максимал даромад ставкасини белгилашда инобатга олинади. Суғурталанувчилар ва тадбиркорлар учун эса суғурта ставкалари амал қиласди. Баъзи давлатларда (ГФР) ставкалар иккала гурӯҳ тўловчилари учун бир хил бўлса, бошқа бир мамлакатларда (Буюк Британия, Франция) ставкалар турлича бўлади. Кўп давлатларда суғурталанувчилар учун ставкалар даромадига кўра фоиз ҳисобида белгиланади, тадбиркорлар учун эса жами иш ҳақи жамғармасига эмас, балки олдиндан белгилаб қўйилган жами максимал иш ҳақига қараб белгиланади ва бу максимал ҳажмдан ошган сумма ҳисобга олинмайди. Шунинг учун ҳам компанияда малакали мутахассислар улушкининг кўплиги улар иш ҳақининг ижтимоий жамғармаларга шунчалик кам пул маблағлари ўтказишига олиб келади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, маҳсус фондларнинг маблағлари ишлатилишига қараб иқтисодий, ижтимоий, шахсий ва мол-

<sup>1</sup> Мақсадли фондлардан самарали фойдаланиш (хориж тажрибаси). // Бозор, пул ва кредит. 2006 йил. №9. 45-47 б.

мулкини суғурталаш, илмий-тадқиқот, ҳарбий-сиёсий, халқаро фондларга бўлинади. Иқтисодий фондларнинг маблағлари хусусий компаниялар ва кам рентабелли давлат корхоналарини, асосан, иқтисодиётни ривожланиш цикларининг кризис пайтида молиялаштириш учун йўналтирилади. Уларнинг асосийларини қўриб чиқайлик.

Иқтисодий жамғармалар хўжалик фаолиятини тартибга солиш учун мўлжалланган бўлади, масалан инвестиция ва конъюнктурага оид жамғармалар шулар жумласидандир. Бундай жамғармаларнинг маблағлари даврий инқизор даврида хусусий компаниялар ва паст рентабелли давлат корхоналарига йўналтирилади. Бундай ёрдамлар эса, беғараз субсидиялар ва имтиёзли кредитлар қўринишида кўрсатилади.

АҚШда федерал бюджетнинг маблағлари ҳисобидан шаклланадиган иқтисодиётни қайта қуриш ва ривожлантириш фонди мавжуд. Унинг асосий вазифаси – хусусий саноат компанияларини банк операцияларида суғурталашдан иборат.

Францияда иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан кейин «Модернизация фонди» шаклланди, бошқа фондлар билан бирлашгандан сўнг, 1955 йилда «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш фонди» шакллантирилди. Фонд инвестиция дастурларини, шунингдек, мантақаларни ривожлантириш режаларини, мамлакатда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришни, ишчи кучларини қайта тайёрлаш ва саноат корхоналарини индустрисал марказлардан бошқа районларга ўтказишни молиялаштиради.

Миллийлаштирилган ва хусусий корхоналарга умумдавлат ривожлантириш дастурлари асосида маблағлар қайтарилмайдиган ссуда қўринишида ва узоқ муддатли имтиёзли кредит қўринишида берилади.

Японияда ҳам турли хилдаги иқтисодий жамғармалар мавжуд:

✓ инвестицион бюджет ёки давлат инвестициялари ва қарзлари дастури;

✓ марказий ва маҳаллий хукуматнинг автоном бюджетлари;

✓ маҳсус ҳисобракамлар киради.

Энг йирик фондлардан бири – «инвестицион бюджет» бўлиб, унинг мақсади – давлат томонидан инвестициялар йўналтириш ва қарзлар бериш дастурини бажаришdir. Бу фонд суғурта қилинган, жамғарилган пенсия ва бошқа маблағлардан шаклланади ва субсидиялар ва имтиёзли кредитлар қўринишида давлат секторини

молиялаштиришга ишлатилади. Пасайтирилган нарх ва таърифлар сиёсатидан фойдаланиб давлат корпорацияларни фаол фаолият кўрсатишиши учун шароит яратилади. «Инвестицион бюджет» фонди корпаратияларга шундай хизмат кўрсатиб, мазкур фонд ёрдамида кенг тармоқли хусусий секторни қўллаб-қувватлади.

Фан ва техника янада тараққий этиши натижасида, саноатда илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватловчи ва шу йўналишдаги турли тадқиқотларни амалга оширувчи давлат илмий марказларини таъминлашга йўналтирилган илмий тадқиқот жамғармалари ташкил қилиниш зарурияти туғилди. Шунга кўра кўпгина ривожланган мамлакатларда турли илмий жамғармалар ташкил қилинган бўлиб, улар федерал бюджет тушумлари, саноат корхоналари фойдаларидан ажратмалар, шу билан бирга университет ва коллежлардан тушадиган бадаллар ҳисобидан шаклланади. Бу жамғарма фундаментал тадқиқотлар бўйича турли дастурлар, илмий даражага эришганлик учун мукофотлар, илмий марказлар қуриш, кадрлар тайёрлаш, тажриба ўтказувчи компаниялар фаолияти ва унда олинган натижаларни саноат ва қишлоқ хўжалигида қўлланилиш ва бошқа шу каби соҳаларни молиялаштиришни кўзда тутади.

АҚШда 2 та йирик фонд-«Миллий илмий фонд» (национальный научний фонд), «Бюро стандартларнинг илмий фонди» (научний фонд бюро стандартов) дейилади. Биринчи фонднинг маблағлари Федерал бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобига, саноат корхоналарининг фойдасидан ажратмалар ҳисобига ва университет ва коллежларнинг ажратмалари ҳисобига шаклланади.

Фонддан фундаменал тадқиқот дастурларини амалга ошириш, илмий изланишлар учун мукофотлар, илмий марказлар қуриш кадрлар тайёрлаш каби харажатлар молиялаштирилади.

Иккинчи фонддан компанияларнинг экспрементлар ўтказишда шароит яратиш учун, илмий изланишларни саноат ва қишлоқ хўжалигида етказиш учун молиялаштирилади.

Буюк Британияда давлат бюджетига боғлиқ бўлмаган ва алоҳида мустақил балансга эга бўлган илмий тадқиқотларни ривожлантириш «Миллий корпорация фондига» мавжуд. Унинг маблаглари янги ихтиrolарни ишлатиш хуқуқини берадиган лицензияни сотишдан тушган маблағлар ҳисобига шаклланади. Давлат фондга муддатсиз аванслар ва ҳар йили субсидиялар беради. У илмий текшириш натижаларини ишлаб чиқаришга жалб этаётган хусусий

корхоналарнинг капитал кўйилмаларини ва унга боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш харажатларини молиялаштиради.

Буюк Британияда Миллий корпорация фонди давлат бюджетидан холи равишда тадқиқотларни ривожлантириш бўйича мустақил балансга эга. Давлат бу жамғармага муддатсиз аванс ва йиллик субсидиялар беради. Бу маблағлар ҳисобидан эса турли муаммоларнинг илмий ечимлари ва олинган натижаларни ишлаб чиқаришга жалб этувчи хусусий муассасалар фаолияти молиялаштириб борилади. Шунингдек, давлат университетлари, миллий ва хусусий компаниялар лабараторияларида олиб бориладиган тажриба ишларини қўллаб-қувватлаб, уларнинг саноатда ўзлаштирилишига кенг имкониятлар яратиб беради.

Ижтимоий фондлар – аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишга йўналтирилган ресурслардир. Кейинги йилларда АҚШда ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун турли даражада бошқариладиган кўп сонли ижтимоий фондлар фаолият кўрсатади. Булардан учта энг йирик фондларни кўрсатиш мумкин. «Қариганликни, ногиронликни ва бокувчини йўқотганда суғурталаш фонди», «Давлат хизматчиларини суғурталаш фонди», «Муҳтоҷларга ёрдам фонди» мавжуд.

«Японияда давлатнинг маҳсус фондлари молия ресурсларини ташкил этишнинг шакли бўлиб, улар марказий ёки маҳаллий хукумат тасарруфида ва мақсадга қаратилган ҳолда мавжуд бўлади. Улар молия тизимининг муҳим бўлаги ҳисобланади. Бу фондларни ташкил этиш ва сарфлаш тартиби молия хуқуқи орқали аниқ ва қатъий белгиланади. Бюджетдан ташқари фондлар давлат мулки ҳисобланади ва кўрсатганларидан бошқа мақсадларга сарф қилиниши мумкин эмас.

Бюджетдан ташқари фондлар марказлашган ягона пул фонди - бюджетдан анча аввал маҳсус фондлар ва ўзига хос ҳисобрақамлар кўринишида мавжуд бўлган. Давлат ўзининг фаолият доирасини кенгайтирилиши билан тобора янги харажатларга эҳтиёж сеза бошлади. Уларни қоплаш учун маблағлар маҳсус фондларда тўпланди ва маҳсус мақсадларга қаратилди»<sup>1</sup>. Фондларнинг микдори доимо ўзгариб боради, баъзилари ташкил этилади, баъзилари эса тугатилади. Умуман олганда, фондлар сонининг ошиши ва ҳажмининг катталашиши анъанаси кузатилади. Маҳсус фондларнинг кўпайиб кетиши маълум молиявий ноқулайликларни келтириб чиқарди ва

<sup>1</sup> Ваҳобов А. Бозор муносабатлари тизимидағи ижтимоий фондлар. Т.: Шарқ. 2003. №7. 117 б.

уларни бошқаришда қўшимча харажатлар қилишга мажбур бўлинди. Бу фондлар ҳажмининг кенгайишига бир қатор сабаблар мавжуд: биринчидан, давлат органларида тадбиркорликнинг хўжалик ҳаётига аралashiши ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун қўшимча маблағлар пайдо булмоқда, иккинчидан, бу фондлар бюджетдан мустақил ҳолда давлат томонидан алоҳида эътибор қартиши лозим бўлган муҳим муаммоларни ҳал қилиш учун мўлжалланган, учинчидан, бюджетдан ташқари фондлар маълум шароитларда, яъни актив қолдиқقا эга бўлганда бюджет тақчиллигини қоплаш учун ишлатилиши мумкин.

Германияда ижтимоий суғурта фонди таркибида жуда кўп автоном фондлар бор, улар ижтимоий суғуртанинг алоҳида турларини қамраб олади. «Ишчи ва хизматчиларнинг пенсия фонди», «Беморлиги учун суғурта фонди», «Ишсизликдан суғурталаш фонди» ва бошқалар.

Буюк Британияда иккита асосий ижтимоий фонд мавжуд: «Миллий суғурталаш фонди» ва «Давлат ташкилотларининг пенсия фонди».

Японияда бюджетдан ташқари фондларнинг фаолияти – миллий даромадни давлат томонидан ахолининг маълум ижтимоий гурӯхлари фойдасига қайта тақсимлаш усулидир. Японияда қуйидаги бюджетдан ташқари фондлар фаолият кўрсатади: «Соғлиқни саклашни суғурталаш фонди», «Миллий пенсия фонди», «Ишлаб чиқаришда зарар кўргандан суғурталаш фонди», «Ишсизликни суғурталаш фонди».

Францияда, иккинчи жаҳон уруши тугатилгандан сўнг, модернизация фонди ташкил этилган бўлиб, кейинчалик, 1955 йилда бошқа фондларга қўшилиб юборилиши натижасида «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш жамғармаси»га айлантирилди. Унга бюджет ажратмалари билан бир қаторда, ссуда капитали бозоридаги қарз маблағлари ҳам келиб тушади. Жамғарма асосан, инвестицион дастурларни молиялаштириш билан бирга, худудий ривожлантириш режалари, мамлакатда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, иш кучини қайта тайёрлаш ва саноат марказларидаги корхоналарни қолок худудларга ўтказиш ишларини амалга оширади. Маблағлар умумдавлат ривожлантириш дастурига кўра инвестиция қилган миллий ва хусусий корхоналарга қайтарилмас молиявий ёрдам ёки узоқ муддатли кредитлар шаклида берилади.

Францияда алоҳида аҳамиятли фондларга қуйидагилар киради: «Беморлиги, ногиронлиги, болалилиги учун суғурта фонди», «Пен-

сия фонди», «Оилаларга ёрдам фонди», «Ишсизларга ёрдам миллий фонди».

Умуман олганда, ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, аксарият давлатлардаги амалдаги бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар фаолияти мамлакат ижтимоий ҳолатини янада яхшилаш, кичик тадбиркорлик тараққиётига кенг йўл очиб бериш билан бирга, илм-фан соҳасини янада такомиллаштириш ва шу орқали иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимиз молия тизимининг асосий мақсади ҳам, хориж тажрибасига таянган ҳолда кучли ижтимоий сиёsatга қаратилган. Чунончи, республика-миз ижтимоий соҳасининг молиявий асоси бўлган Пенсия фонди даромадлари 2005 йилда мамлакат бюджети даромадларига нисбатан қарийб 31,1 фоизни ташкил этганлиги ва республикадаги бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар даромадлари умумий миқдорининг 73 фоизини ташкил қилганлиги мамлакатимизда ижтимоий соҳа ривожига катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг изчил фаолияти натижасида аҳоли кучли ижтимоий ҳимоя қилиниши билан бирга, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ҳам ривожланиши мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадли фондларнинг хориж тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда, «республикада илмий ишларни амалда тадбик этишини қўллаб-қувватловчи бюджетдан ташқари илмий жамғарма ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Республикада фаолият кўрсатаётган Олий ўкув юртлари ресурсларидан мажбурий ажратмалар (масалан, умумий айланмасидан 0,7-1% миқдорида) унинг молиявий асоси бўлиб хизмат қиласи»<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунда республика Олий ўкув юртларида илмий ходимлар олиб бораётган ишлари, келгусида нафақат мамлакатнинг ҳар қандай соҳасини ривожлантиришга асос бўлиши, балки мамлакат илмий салоҳият даражасининг юқори бўлиши ва фан-техника тараққиёти жараёнида мамлакатимизнинг ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлашишига муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

Венгрияда бюджет ислоҳотларининг муваффакиятли бориши билан ижтимоий ёрдамлар кўрсатилишига муҳтожлик мезони ўрнига аҳолининг ўз-ўзини молиялаштириш тамойилини устунлиги

<sup>1</sup> Мақсадли фондлардан самарали фойдаланиш (хориж тажрибаси). // Бозор, пул ва кредит. 2006 йил. № 9. 45-47б.

эгаллайди. Давлат бунга, биринчидан, аҳоли жамғаришини рағбатлантиради, ижтимоий мақсадлар ҳамда давлат ижтимоий хизматларига муқобил тадбиркорлик, ҳомийлик шаклларни танлаш имкониятини юзага келтиради, натижада давлат нобюджет ва хусусий молиялаштириш нисбатлари тизимида ўзгаришлар юз беради.

Польшада 1996 йилда СЕЙМ-Польша парламенти 10 та қонун лойиҳасидан иборат бўлган пенсия тизимини ислоҳ қилиш чора-адбирлари пакетини муҳокама қилишга киришди. Ушбу қонун лойиҳаларида босқичма-босқич пенсия ёшини ошириш, пенсия таъминоти бўйича давлат мажбуриятларини сезиларли даражада қисқартириш кўзда тутилди. Узоқ келажакда давлат пенсиялари ўртача иш ҳақининг 20 фоизи гача қисқарди, қолган қисмини эса, Хусусий Пенсия Фондлари ўз зиммаларига олди. Шу тарзда Польшада бир неча ўн йил давомида давлат пенсиясининг устунлик аҳамиятини босқичма-босқич капиталлашган пенсия тизими эгаллаб олди.

Чехияда пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг бошқача, янада эҳтиёткорона йўли танлаб олинди. Мазкур йўл узоқ келажакда ҳам давлат пенсиясининг устивор аҳамиятини сақлаб қолишни назарда тутади. Марказий ва «Шарқ»ий Европанинг бошқа мамлакатлари сингари Чехияда ҳам пенсияга доир ёшни ошириш кўзда тутилмоқда.

Давлат пенсиясини тартибга солиш тадбирлари давом этмоқда, уни индексация қилиш ҳукумат ваколатига берилган. Давлат пенсияси барқарорлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари билан параллел равишда давлат бюджети бадаллари орқали ихтиёрий сурита бадалларини тўпловчи ва асосий давлат пенсиясига қўшимча пенсия билан таъминловчи пенсия кассалари қўллаб-қувватланмоқда. Чехияда 45 та шундай кассалар амал қиласи, ихтиёрий пенсия кассалари аъзолари тахминан иш ҳақининг 3 фоизи миқдорида аъзолик бадали тўлайди.

Қозогистон Республикасида амалга оширилаётган пенсия ислоҳотлари тезкор, кескин ва самаралиги билан ажралиб туради. Ислоҳотлар натижаси билан тизим таркибида уч йил давомида ишлаб чиқилди, қабул қилинди ва ҳозирги вақтда амалга ҳолда этилмоқда. Ушбу тажриба асосида давлат кенг миқёсда пенсия ислоҳотига мақсадли йўналтиришга интилса ва эътиборни уни амалга ҳолда этишга қаратса, халқаро техник ёрдам ташкилотлари (USAID) ва халқаро кредит агентликлари билан ҳамкорлигидан қандай натижаларга эришиш мумкинлигини ифодалайди.

Қозоғистон Республикасида ишловчилар ва пенсионерларнинг нисбати шу даражада қисқариб кетдик, икки ишчи ҳар пенсионерни таъминлар эди. Баҳолашларга кўра, агар пенсия тизимиға янгиликлар киритилмаганда, Қозоғистонда 2014 йилда пенсионерлар сони ишловчилар сони билан тенглашар эди, 2003 йилда эса ижтимоий таъминотга ажратмалар иш ҳақининг 40 фоизини ташкил этар эди.

Қозоғистон ҳукумати пенсия тизимидағи инқироз чуқурлигини ва ислоҳотлар ўтказишга эҳтиёжларни тан олди ва 1995 йил декабрда «1996-1998 йилларда ислоҳотларни чуқурлаштириш» деб номланган режа қабул қилинди. У иқтисодий ислоҳотларни қисқа ва узоқ муддатли стратегияларини қамраб олди. Бу стратегия қуидаги элементлардан иборат:

- ✓ табиий монополия ва майший хизмат соҳаларини тезкор хусусийлаштириш;
